Н.И.Рустамов

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ




ФАН

65.30(5Ў)
Р-92

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**Н.И.РУСТАМОВ**

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент – 2013

BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYALAR INSTITUTI
ARM
REESTR № 76361
“___” _____ 2015 y

**УЎК: 334.722**
**КБК: 65.30(5Ў)**
**Р-92**

Монографияда саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини илмий-назарий асослари, саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишни баҳолашнинг услубий жиҳатлари ёритилган. Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари самарадорлиги ва вилоят аҳолисининг турмуш даражаси таҳлил қилиниб, истиқболда аҳоли турмуш даражасини яхшилашга саноат корхоналари самарадорлигини ошириш орқали эришиш йўналишлари кўрсатилган.

Монографиядан олий ўқув юртларининг иқтисодий йўналишларидаги талабалари ва профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, саноат корхоналари раҳбарлари ва иқтисодчилари, аҳоли турмуш даражасини ўрганувчи мутахассислар ва шу соҳага қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:
иқтисод фанлари доктори, профессор ***Н.М.Маҳмудов***

Тақризчилар:
иқтисод фанлари доктори, профессор ***Б.Т.Салимов***
иқтисод фанлари номзоди, доцент ***Д.И.Рўзиева***

**ISBN 978-9943-19-253-9**

© Ўзбекистон Республикаси ФА
"Фан" нашриёти, 2013 й.

## КИРИШ

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Инсонларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича маълум натижаларга эришилди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: "Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, холисона баҳоланмоқда...

Ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш даражаси бўйича ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиладиган ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди"[1].

Мамлакатимизда 2013 йил – "Обод турмуш йили" деб эълон қилинди ва бу бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ва амалга ошириладиган тадбирлар аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, жумладан саноатни ривожлантириш, саноат корхоналари самарадорлигини ошириш халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

Ўзбекистонда саноат ривожланиб, турли мулкчилик шаклларидаги кўплаб саноат корхоналари барпо этилмоқда. Мамалакатимизда бозор ислоҳотларининг чуқурлашиб бориши билан саноат корхоналарининг самарадорлиги ошиб, тармоқда янги ишчи ўринлари яратилмоқда ва аҳоли кўпроқ даромадга эга бўлиб, турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда.

Ҳудудларда аҳоли турмуш даражасини оширишга саноат тармоқларини ривожлантириш орқали эришиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Саноат корхоналарининг самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш учун саноат корхоналарида мавжуд салоҳият ва ресурслардан самарали фойдаланиш зарур. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириб, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш лозим. Қишлоқ жойларида саноатни ривожлантириш бўйича белгиланган стратегик вазифага мувофиқ Бухоро вилоятида саноатни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлларини такомиллаштириш зарур.

Бу устувор йўналишлар саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини илмий асослашни, аҳоли турмуш даражасини ошириш саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлигини услубий жиҳатдан ёритишни, Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини таҳлил қилишни, саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлашни ва унинг истиқболини белгилашни талаб этади.

Шулардан келиб чиқиб, ушбу монографияда саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини илмий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилинган ва бу ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

# 1-БОБ

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ

## 1.1. Аҳолининг турмуш даражаси ва уни оширишга саноат корхоналари самарадорлигининг таъсири

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар олиб боришда асосий эътибор аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилмоқда. Мамлакатимизда 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ва бу бўйича қилинадиган ишларнинг асосий устувор йўналишлари тўғрисида тўхталиб мамлакат Президенти Ислом Каримов қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар: "Аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш... давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим"[2].

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли турмуш даражасини ошириш миллий иқтисодиётда аҳолининг ялпи талаби ортишига, хусусий секторни ривожлантириш асосида мулкдорлар, ўрта синфни шакллантириш ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш имконини беради. Бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви, аҳоли даромадлари ошиши ва даромадлар таркибининг ўзгариши аҳолининг харажатлари таркибида ҳам сифат ўзгаришларига олиб келмоқда. Бу уй хўжаликларининг инвестицион фаолияти кучайишига сабаб бўлмоқда. Давлатнинг чекланган ресурслари шароитида саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш заруратининг пайдо бўлиши ва бу орқали аҳолининг даромадларини кўпайтириш

[2] Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь.

масаласи устувор вазифага айланиши саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ муаммонинг долзарблигини билдиради.

Аҳоли турмуш даражасининг ошиши иқтисодий самарадорликка асосланиши лозим. Аҳоли даромадлари ўсиши билан аҳолининг истеъмол имкониятлари ҳам кенгайиб бориши зарур. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда”[3].

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилди. Жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги, иқтисодий ривожланиши, тинчлиги, маънавий ривожланиши ҳамда моддий таъминоти, инсонлар соғлом ва фаровон ҳаёт кечириши учун давлат кучли ижтимоий сиёсат олиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири – аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлиб, унинг асосини аҳоли турмуш даражасини ошириш ташкил этади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳолини инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини янада ошириш бўлди. Инқирозга қарши чора-тадбирлар аҳолининг иш билан бандлигини, унинг даромади ва фаровонлигини оширишга қаратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида аҳолининг турмуш даражасини ва сифатини муттасил ошириб бориш энг муҳим устувор вазифа ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражаси дейилганда, одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, уларнинг истеъмоли ва эҳтиёжлари қондирилганлиги даражаси тушунилади[4].

Турмуш даражаси:

– тор маънода аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари

---

[3] Ислом Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 14-бет.

[4] Абдурахмонов Қ. Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Дарслик. Тошкент: Фан ва технология, 2012. 294-бет.

қондирилганлиги, истеъмолнинг топилган даромад ва қилинган харажатлар орқали қондирилишини;

– кенг маънода инсоннинг ривожланиш даражасини (саломатлик, эҳтиёжларни қондириш имкониятлари) ва унинг яшаш шарт-шароитларини (атроф-муҳит, хавфсизлик масалалари) англатади.

Аҳоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжи қондирилиши ва ижтимоий турмуш шароити яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади. Аҳоли турмуш даражасини ифодалашда "аҳоли фаровонлиги", "турмуш шароити", "турмуш тарзи", "турмуш сифати" тушунчалари қўлланилади. Аҳоли фаровонлиги категорияси инсонлар эҳтиёжларининг ривожланишини, ҳаёт фаолиятидаги асосий муҳит: ишда, истеъмолда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда уларни қондириш шароитларини акс эттиради.

Аҳолининг турмуш шароити – барча жамият аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар томонлама жисмоний ва маданий ривожланишни таъминлаш ҳамда меҳнат шароитини ташкил этиш, кишилар саломатлиги ва меҳнат қилиш қобилиятини сақлашни кафолатлаш, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганларни ижтимоий нафақалар билан таъминлаш, кам даромадли оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ифодалайди.

"Турмуш сифати" тушунчаси, бир томондан, субъектнинг ижтимоий ҳаётини ва инсонларнинг эҳтиёжларини тавсифласа, иккинчи томондан яшаш шароити қулайликлари ва ҳолатини тавсифлайди.

Турмуш тарзи, сифати, даражаси ва фаровонлиги ўртасида боғлиқлик қуйидагича ифодаланади: "агар турмуш даражаси истеъмол соҳасидаги инсон фаолиятининг шароитлари комплекси ва характерини акс эттирса, турмуш тарзи инсоннинг ҳамма соҳадаги фаолияти, турмуш сифати – аҳоли ҳолатининг унинг ҳақиқий характеристикасига нисбати, аҳоли фаровонлиги эса – ушбу тушунчаларнинг синтези ҳисобланади..."[5].

Аҳолининг турмуш фаровонлиги – бу инсонларнинг эҳтиёжлари ривожланишини ҳаёт фаолиятида асосий бўлган соҳалар: меҳнат, истеъмол, маданият, ижтимоий-сиёсий соҳаларга қўлланилганда намоён бўлади.

Одатда, аҳоли турмуш даражаси қуйидагича таснифланади:

– тўкин-сочинлик (инсон баркамол ривожланишини таъминловчи неъматлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти);

[5] Жеребин В. М., Романов А. Н. Уровень жизни населения. М.: ЮНИТИ, 2002. С. 17.

– меъёрли даража (инсон жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини такрор ҳосил қилишини таминловчи илмий асосланган оқилона истеъмол даражаси);

– камбағаллик (иш кучини такрор ҳосил қилишда моддий неъматлардан уларнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланиш имконияти);

– қашшоқлик (моддий неъматлардан биологик мезонлар асосида минимал даражада фойдаланиш).

Иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражаси инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида талқин этилади. Жумладан, В.Н.Салин, Е.П.Шпаковскаялар: “Аҳоли турмуш даражаси – бу инсон фаолиятининг, энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади”[6], – деб кўрсатадилар.

Аҳоли турмуш даражасига моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш даражаси сифатида ҳам қарашлар мавжуд[7]. Бу таъриф кўпроқ турмуш даражасининг статистикасини тавсифлайди, ҳолбуки турмуш даражаси кўплаб омиллар таъсирида ўзгариб турувчи динамик жараёндир. Бир томондан, турмуш даражаси мунтазам ўзгариб турувчи турли неъматларга эҳтиёжларнинг таркиби ва миқдори билан белгиланади, иккинчи томондан, бозордаги товар ва хизматлар, аҳоли даромадлари, ходимлар иш ҳақларининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, эҳтиёжларни қондириш имконияти билан чекланиб қолади.

Қ.Х.Абдураҳмонов “турмуш даражаси” тушунчасининг мазмунини истеъмол соҳаси билан чеклайдиган муаллифлар нуқтаи назари тўғрироқ, деб ҳисоблайди. Яъни унинг фикрича, турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарур моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади[8].

В.И.Гурьев: “Турмуш даражаси – бу мураккаб комплексли ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, аҳолининг моддий ва маъ-

---

[6] Салин В. Н., Шпаковская Е. П. Социально-экономическая статистика: Учебник. М.: Юрист, 2001. С. 399.

[7] Дагбаева С. Д. Уровень жизни населения: пути решения проблемы бедности. Улан-Удэ: ВСГТУ, 2008. С. 35.

[8] Абдураҳмонов Қ. Х. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент: Mehnat, 2009. 357-бет.

навий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодалайди”[9], – деб таъриф беради.

С.С.Ғуломов аҳоли турмуш даражасини баҳолашда миқдор ва сифат кўрсаткичларини алоҳида ўрганиш керак, деган фикрни билдиради.

В.Ким, Н.Маҳмудовлар илмий изланишларида аҳолининг турмуш даражасини ошириш кўрсаткичларини тавсифлаш учун кўп қиррали турли-туман эҳтиёжларни аниқлаш таклиф қилинган[10].

Б.К.Ғойибназаров “аҳоли турмуш даражаси” тушунчасини тор ва кенг мазмунда таърифлаш зарур деб ҳисоблайди[11].

Х.С.Муҳитдинов ўз тадқиқотида аҳоли турмуш даражасини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқлигини ёритган ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг таъсирини кўрсатган[12].

Юқоридаги хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан “аҳоли турмуш даражаси” га берилган таърифлар юксак қадр-қимматга эга бўлиб, уларда олимлар 3 та жиҳатга алоҳида эътибор қаратганлар:

– жамият аъзоларининг моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланиши;

– аҳоли истеъмолининг максимал даражада қондирилиши;

– аҳолининг маънавий эҳтиёжлари қондирилиши ва турмуш шароити.

Бизнинг фикримизча, аҳоли турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий тушунча бўлиб, у инсонлар ҳаётининг ишлаб чиқариш ва истеъмол билан боғлиқ муносабатларини ўз ичига олади. Аҳолининг турмуш даражасини ўрганишга турли ёндашувлар бўлиши лозим ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишни ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан саноат корхоналарида самарадорликни оширишга аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим омили сифатида қараймиз.

---

[9] Гурьев В. И. Основы социальной статистики: Учебное пособие. М.: Финансы и статистика, 1991. С. 67.

[10] Ким В., Махмудов Н. Категории оценки уровня жизни населения // Бозор, пул ва кредит. Тошкент, 2003. 11-сон. 55–56-бетлар.

[11] Ғойибназаров Б. К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Тошкент: Фан, 2005. 7-бет.

[12] Муҳитдинов Х. С. Ҳудуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. Тошкент: Фан, 2009. – 240 бет.

Мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари 2012 йилда 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди. 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда. Мамлакатимизда аҳоли даромадларини ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир. Ўтган 2012 йилда ушбу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилди, бошқача айтганда, одамларимиз даромадининг ярмидан кўпи биринчи навбатда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланмоқда.

Бухоро вилоятида аҳолининг умумий даромадлари ўсиши 2011 йилда 130,9 фоизни, 2012 йилда 126,4 фоизни ташкил этди. Вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромад миқдори 2011 йилда 2594,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3219,4 минг сўмга тенг бўлди. Аҳоли жон бошига реал даромаднинг ўсиши 2011 йилда 118,4 фоизни, 2012 йилда 115,7 фоизни ташкил этди. Аҳолининг умумий даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромаднинг улуши 2011 йилда 54,1 фоизга, 2012 йилда эса 55,4 фоизга тенг бўлди.

Аҳоли турмуш даражаси давлат олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самарадорлигини ифодалаб берувчи бош мезон бўлиб, унинг ошиб бориши ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этади.

Турмуш даражаси кўплаб омилларнинг йиғиндиси таъсирида бўлган ўзгарувчан жараёндир. Бу кўрсаткич, бир томондан, доимий ошиб борувчи турли неъматларга бўлган эҳтиёжларнинг таркиби билан, бошқа томондан эса, эҳтиёжларни қондириш имкониятлари, товар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли пул даромадлари билан белгиланади. Даромад ва турмуш даражаси ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлиги, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси, миллий хусусиятлари, сиёсий ҳокимият ва бошқалар билан боғлиқ.

“Турмуш даражаси” тушунчаси маъносига кўра, аҳоли фаровонлиги, турмуш сифати, ходимларнинг моддий ва маънавий та-

лабларининг қондирилиш даражаси, аҳолининг аҳволи каби қатор атамаларнинг бутун бир оиласи билан бирга мавжуд.

"Турмуш даражаси"га берилган иқтисодий адабиётлардаги мавжуд таърифлар ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, даромадлар, турмуш қиймати, истеъмол меъёрлари ва мезонлар каби турли бошланғич тушунчаларни таъкидлаб кўрсатади ёки уларни рад қилади, бўлмаса комплекс равишдаги кўп жиҳатли хусусиятга эга бўлади. Биз турмуш даражасини оширишнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёндашувларига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

"Ишлаб чиқариш" ёндашувида аҳолининг турмуш даражаси ишлаб чиқарувчи кучлар, ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби ва самарадорлиги даражасига боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда ўрганилади.

Аҳолининг турмуш даражаси ошиши ва ижтимоий ишлаб чиқариш ўртасида тескари алоқа мавжуд. Бу, энг аввало, турмуш даражаси меҳнат ресурсларининг сифат хусусиятлари ва иш билан банд аҳолининг меҳнат самарадорлиги билан боғлиқлиги ҳамда аҳолининг истеъмол имконияти ўсиши билан юқори меҳнат унумдорлигидан манфаатдорлик ошиши орқали намоён бўлади.

Расмий статистик маълумотларда даромадлар, иш ҳақи, пенсия, ижтимоий ёрдам, трансфертлар аҳолининг турмуш даражасига киритилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

– пуллик даромадлар, уларнинг ҳажми, таркибини ҳамда улардан фойдаланиш йўналишларини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар;

– пул даромадларининг табақаланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар;

– ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдамнинг асосий кўрсаткичлари;

– уй-жой фонди ва аҳолининг уй-жой шароитлари кўрсаткичлари.

Амалий ҳисоб-китоблар учун ҳатто қуйидаги умумий тарзда берилган таъриф ҳам етарли бўлиши мумкин: аҳоли турмуш даражаси – бу даромадлар даражасининг турмуш қийматига нисбатидир. Даромадлар даражаси ушбу ўринда тасарруфдаги бойликлар кўрсаткичи билан энг мақбул тарзда акс этади, чунки унга кундалик даромадлардан ташқари тўпланган жамғармалар ҳам қўшилади. Бироқ, ҳисобларнинг осон бўлиши учун ўртача жон бошига тўғри

келадиган пул даромадининг кўпроқ тарқалган кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш мумкин. Турмуш қиймати оқилона истеъмол бюджети (турмуш қиймати индекслари ёрдамида ҳисобланувчи) истеъмол саватининг тирикчилик минимуми ёрдамида ҳисобга олиниши мумкин. Ҳозирги кунда энг кам тирикчилик миқдори мунтазам, шу билан бирга аҳолининг турли гуруҳлари ва мамлакат минтақалари учун ҳисоб-китоб қилинишини эътиборга олиб, уни ҳақиқий ҳисоб-китобларда қўллаш анча қулай[13].

Шундай қилиб, U турмуш даражасининг ушбу таърифга мувофиқ бўлган энг қулай кўрсаткичи ўртача жон бошига тўғри келадиган пул даромади $D_{pca}$ ҳамда ўрта ҳисобда кўрсатилган тирикчилик минимуми $\min_a$ нисбатидир:

$$U = \frac{D_{pca}}{\min_a} \qquad (1.1)$$

Аҳолининг турли гуруҳларини (масалан, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, пенсионерлар, болалар) ҳисобга олган ҳолда, даромадларнинг жами қиймати ва тирикчилик минимумлари йиғиндиси орқали турмуш даражаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$U = \frac{\sum D_{pca}}{\sum \min_a} \qquad (1.2)$$

Албатта, юқорида фақатгина асосий ҳолат кўрсатилган, унга турмуш шароитлари ва аҳолини ижтимоий таъминланиш хусусиятлари, жумладан, уй-жой шароитлари, ижтимоий соҳа ва ижтимоий инфратузилма элементларини ривожлантириш ҳамда турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари доирасидан ташқарига чиқувчи ва турмуш сифати кўрсаткичлари билан боғлиқ баъзи бошқа хусусиятларни қўшиш зарур.

Бундан ташқари, гап бу ерда фақат иқтисодий ва ҳисоблаш-статистик категория сифатидаги турмуш даражаси ҳақида бормоқда. Турмуш даражасини кенгроқ тушуниш, уни аҳолининг турмуш тарзи ва сифати, мулк билан таъминланиш хусусияти, ижтимоий ҳолати, сиёсий-мафкуравий йўналиш ва афзалликлар билан боғлиқликда кўриб чиқишни тақозо қилади.

Турмуш даражаси инсон (аҳоли) ҳаёти ва фаолиятининг қандайдир бир томони ҳақида тасаввур берувчи кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Турмуш даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжларини, истеъмол даражаси ва таркибини, уй-жой, мулк, маданий-маиший

[13] А б д у р а ҳ м о н о в Қ. Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Дарслик. Тошкент: Фан ва технология, 2012. 302-бет.

буюмлар билан таъминланганлигини ва бошқа кўплаб жиҳатларни уйғун бирликда ўрганиш зарур.

Аҳолининг турмуш даражаси "турмуш сифати" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг боғлиқлиги турли илмий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан етарли даражада ёритиб берилган. Турмуш сифати – шахснинг, унинг фаолият турларини, эҳтиёжлари таркибини ва уларни қондириш даражасини, инсоннинг жамиятдаги турмуш шароитлари ва табиат муҳити билан уйғун муносабатларини тавсифловчи, турмушдан қаноатланиш ҳиссини яратувчи ҳаётий қадриятлари мажмуидир.

Фикримизча, турмуш даражаси аҳоли турмушининг моддий томонларини ифодаласа, турмуш сифати аҳоли турмушининг маданий ва маиший жиҳатларини билдиради ва турмуш сифати инсонлар ҳаётининг ривожланганлик даражасини кўрсатади.

Аҳоли турмуш даражаси унинг даромад ва харажатлари нисбати орқали белгиланади. Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ҳамда юқори иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари таъминланиб, аҳоли фаровонлиги яхшиланмоқда. Аҳолининг реал даромадларини оширишда асосий омил макроиқтисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда рўй бериши, инфляциянинг сезиларли пасайиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайгани ҳисобланади.

Даромад тушунчаси мураккаб иқтисодий категориядир. Жумладан, аҳолининг шахсий даромадлари дейилганда инсон томонидан пул ва натура шаклида олинадиган, унинг томонидан турмушнинг муайян даражасини таъминлаш учун фойдаланиладиган маблағ тушунилади.

Аҳоли даромадлари – бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамғариш, турли солиқлар ва йиғимларга сарфланадиган тушумлардир. Аҳоли даромадлари асосан пул ва натурал шаклларда бўлади. Бозор иқтисоди ривожланиб бориши билан аҳоли пул даромадларининг салмоғи сезиларли ошиб, унинг таркибий тузилиши такомиллашиб боради.

Аҳолининг пул даромадлари – иш ҳақи, тадбиркорлик даромади, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклида олинадиган, қимматбаҳо қоғозлар ва кўчмас мулк ва бошқа манбалардан олинадиган даромадлардир.




**1.1-расм. Аҳолининг бирламчи ва иккиламчи даромадлари**

Аҳоли турмуш даражасига унинг пул харажатлари ва жамғармалари таркиби ҳамда улар ўртасидаги нисбат таъсир кўрсатади. Аҳоли пул харажатлари ва жамғармаларининг таркиби товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар, мажбурий тўлов ва бадаллар, омонатлар, қимматли қоғозлар, валюта харид қилиш ва бошқа харажатлардан иборат.

Аҳоли даромадлари бирламчи ва иккиламчи даромадларга бўлинади. Бирламчи даромадларга ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятидан ҳамда мулкдан олинган даромадлар (рента, фойда, иш ҳақи, тадбиркорлик даромади), иккиламчи даромадларга жорий трансфертлар киради[14] (1.1-расм).

---

[14] А б д у р а ҳ м о н о в Қ. Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Дарслик. 312-бет.

**1.2-расм. Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг иқтисодиёт тармоқлари билан боғлиқлиги**

Аҳоли турмуш даражасини яхшиланишига саноат корхоналарининг самарадорлиги ошиши қуйидагича таъсир кўрсатади:

– саноат корхоналарида самарадорлик ошса, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинадиган фойда кўпаяди ва бу ишловчилар кўпроқ қўшимча даромад олишини таъминлайди;

– ишловчиларнинг даромади кўпайиши билан давлат бюджетига тушадиган солиқлар миқдори ошиб, бу маблағлар ижтимоий трансфертлар сифатида қайта тақсимланади;

– ҳиссадорлик жамияти шаклидаги саноат корхоналарида самарадорлик ошиши дивиденд кўринишидаги даромадлари ошишини таъминлайди;

– иқтисодий самарадорлик асосида даромадлар ошиши натижасида аҳоли жамғармалари кўпаяди ва аҳолининг пул маблағларини киритиб, тармоқни янада ривожлантириш имконияти пайдо бўлади;

– саноат корхоналарида самарадорлик ошиши яна кўплаб кишилар иш билан банд бўлиб, даромад олиши имконини беради.

Юқоридаги йўналишларда нафақат саноат корхоналарида, балки иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳам самарадорликни ошириш аҳоли турмуш даражаси ошишига олиб келади. Аҳоли турмуш даражаси ошишини иқтисодиёт тармоқлари билан боғлиқлиги 1.2-расмда кўрсатилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида уй хўжаликларининг даромад топиш имкониятини кенгайтириш масаласи асосий вазифалардан биридир. Бу инсон салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва шахсий ташаббускорлик асосида самарадорлик ошишини таъминлайди. Мамлакатимизда саноат соҳасида тадбиркорлик ривожланиб, аҳоли даромадлари ошиши билан бир қаторда, кўпроқ аҳоли иш билан таъминланмоқда. Шундай бўлсада, саноат корхоналари диверсификациясини янада жадаллаштириб, саноатдаги тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада ривожлантириш, уларда қўшимча ишчи ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини янада оширишга эътибор қаратиш лозим. Ҳозирги кун талаблари асосида саноат корхоналари самарадорлигини ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларни илмий асослаш зарур.

## 1.2. Мамлакатимизда саноат ривожланиши хусусиятлари ва корхоналар самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги аҳмияти

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшиб келаётган тармоқлардан бири – саноатдир. Иқтисодиётнинг мазкур тармоғи юқори экспорт салоҳиятига эга бўлиб, унда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, саноат тармоқлари кўплаб янги иш жойлари яратилиб, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини ошириш учун улкан салоҳиятга эга.

Мамлакатимизда саноат ривожланишининг тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Ўзбекистон саноати ҳам ўз тараққиёти жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтган. Энг аввало, уй меҳнати, ҳунармандчилик, яъни хонаки саноат, кооперация, мануфактура, фабрика каби шакллари юзага келган. Мамлакатимизда ҳунармандчиликнинг жуда кўп турлари, яъни кулолчилик, дурадгорлик, тоштарошлик, бинокорлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тўқувчилик ва тикувчилик, темирчилик, мисгарлик ва заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, тунукасозлик ва бошқалар кенг тарқалган[15].

Қадимда шойи матолар, шиша маҳсулотлар тайёрлаш бўйича юртимиз дунёга танилган. Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг

[15] Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. 18-бет.

кўплаб турлари ривожланган. XX аср бошларидан ҳунармандчиликнинг асосий қисми артелларга, кейинчалик завод ва фабрикаларга, бадиий буюмлар корхоналарига айлантирилган.

Жаҳон мамлакатларида рўй берган саноат тўнтарилишидан кейин Ўзбекистонда ҳам аста-секин мануфактурадан машиналашган индустрияга ўтиш бошланган. Хомашёга бирламчи ишлов берадиган саноат соҳалари (пахта тозалаш, ипак тортиш, вино, ёғ заводлари) вужудга келди.

Ўтган асрда Ўзбекистон саноатида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Агар аср бошларида саноат маҳсулотининг энг муҳим турларидан 5-10 хили (пахта толаси, хом ипак, ўсимлик мойи, узум виноси, ғишт, ганч ва бошқалар) ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги пайтда юзлаб-минглаб саноат маҳсулотлари турлари тайёрланмоқда.

Мустақиллик йилларида жамиятни тарихий жиҳатдан янгилашда саноат ишчиларининг яратувчанлик роли тўғрисида сўз борар экан, фақат ишчилар синфи меҳнаткашлар оммасининг бирлашувига, жипслашувига ва истиқлолни ҳимоя қилишга, мустаҳкамлашга ва уни узил-кесил таъминлашга ёрдам бера олади, дейиш мумкин. Ана шу фикрни Ўзбекистон воқелиги кун сайин тасдиқламоқда. Ўзбекистон ишчиси республика ялпи ижтимоий маҳсулоти ва миллий даромаднинг асосий қисмини бунёд этиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юқори даражага кўтаришда фаоллик кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасидаги саноат ишчиларининг қиёфасида ҳам барча ривожланган мамлакатлардаги ишчиларникидек, онгли индустриал меҳнатнинг ва инсон муносабатларининг юксак нормаларини ва умуминсоний тамоилларини, қадриятларини қарор топтирувчи илғор курашчилик ҳислатлари мужассамлашган. Саноат тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири – бу саноат ходимларининг маданий-техникавий, маънавий-маърифий даражасининг ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасининг изчил ошиб боришидир. Саноат шундай тармоққи, барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари уларнинг хўжалик жиҳатдан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада барча мамлакатлар табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдалиниши учун имкониятлар юзага келади.

Саноат – ижтимоий ишлаб чиқаришни индустрлаштириш муаммоларини ҳал этиш калитидир. Шу сабабли жамиятнинг моддий-техника базасини қайтадан қуриш ишини ўзбек халқи Президент

BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
REESTR № 76361
2015 y

раҳбарлигида умуман саноат, хусусан, унинг энг муҳим соҳаларини ривожлантиришдан бошлади. Чунки саноат Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини янада оширишнинг пойдевори бўлиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – бу рақобат, яъни беллашув, рақиблар кураши саноат соҳасида ҳам ривож топди. Илғор техника ва технологиялардан фойдаланиш, материалларнинг янги турларини яратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини юқори даражага кўтариш, ишлаб чиқаришнинг бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш асосида унинг самарадорлигини ошириш учун ҳаракат ва бошқа меҳнат анъаналари, аввало, саноат соҳасида вужудга келди.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат воситалари, меҳнат буюмлари ва истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади. Саноат иқтисодиётнинг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат куроллари билан таъминлайди. Шу сабабли унинг ривожи ва самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради. Саноат моддий техника воситаларини ўзи ва бошқа тармоқлар учун такрор ишлаб чиқариш билан бир вақтда жамият аъзолари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириб боради.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта куришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради. Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига чек қўяди, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратади.

“2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга ... ошди”[16].

[16] Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом

Жумладан, Бухоро вилоятида 2012 йилда 2054,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди. Вилоятда 11 дан ортиқ саноат тармоқлари мавжуд бўлиб, уларда 10089 дан ортиқ барча мулкчилик шаклидаги саноат корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. 25 та йирик корхоналар шулар жумласидан бўлиб, улар томонидан 2012 йилда 1600,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,6 фоизни ташкил этиб, вилоятнинг саноат маҳсулоти ҳажмидаги улуши 77,9 фоизни ташкил этди.

2012 йилда Бухоро вилоятида амалдаги нархларда 837,8 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизни ташкил этди. Жумладан, 321,8 млрд. сўмлик озиқ-овқат, 516 млрд.сўмлик ноозиқ-овқат ва 84,7 млрд. сўмлик енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 111,8 фоизни, 99,1 фоизни ва 109,8 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига 487,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 102,2 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичлари ижобий бўлишининг энг муҳим сабаблари – бу мавжуд саноат тармоқларини керакли ҳажмда сақлаб қолиб, янги тармоқларни яратиш стратегиясидир. Ўзбекистон учун реал секторни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Республикамизнинг ўзини-ўзи ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсати қўшимча қиймат яратувчи соҳаларнинг интенсив ривожланиши билан биргаликда олиб борилди.

Ўзбекистонда саноат ривожланишининг муҳим хусусияти – саноат корхоналарининг мулкчилик шакллари босқичма-босқич ўзгариб бораётганидир. Ҳудудларда саноатни ривожлантиришда турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарни ташкил этиш ишлаб чиқилаётган дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда норентабель саноат корхоналари фаолияти тугатилиб, уларнинг ўрнига янги мулкчилик шаклларидаги корхоналар барпо этилмоқда. Янги мулкчилик шаклларидаги корхоналарни, хусусан, хорижий ва ички инвестициялар иштирокидаги янги саноат корхоналарини яратиш, олдин ишлаган корхоналарни реконструкция

Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

қилиш бўйича йирик лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Саноат корхоналарининг мулкчилик шакллари бўйича тузилиши 1.1-жадвалда келтирилган.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бориши билан саноат корхоналарини модернизация қилиш, уларни техник ва технологик жиҳатдан янгилашга эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётга инвестициялар киритилиши йил сайин ошиб бормоқда ва бу бўйича ҳар йили инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳудудларда унинг ижросини таъминлашга кенг эътибор қаратилмоқда. Инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши натижасида шаҳар ва қишлоқларда кўплаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма ва хорижий корхоналар ишга туширилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш борасидаги туб ислоҳотлар амалга оширилиши саноат корхоналарининг иқтисодий, техник ва молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли турмуш даражасини оширишни талаб этади. Бозор иқтисодиёти ривожланишига хос бўлган янгича хўжалик юритиш усулларидан келиб чиқиб саноат корхоналарида самарадорликни оширишга эришилмоқда.

*1.1-жадвал*

**Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарининг мулкчилик шакллари бўйича таркибий тузилиши**

| Мулкчилик шакллари | | Корхоналар сони | | | | | 2011 й. да 2007 й. га нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | |
| 1 | Ҳиссадорлик жамиятлари | 25 | 25 | 23 | 19 | 19 | 73,1 |
| 2 | Масъулияти чекланган жамиятлар | 306 | 346 | 465 | 461 | 708 | 231,4 |
| 3 | Қўшма корхоналар | 41 | 41 | 41 | 29 | 44 | 107,3 |
| 4 | Хусусий корхоналар | 952 | 946 | 993 | 1079 | 782 | 82,1 |
| 5 | Хорижий корхоналар | 4 | 7 | 7 | 4 | 6 | 150 |
| 6 | Бошқалар | 41 | 42 | 45 | 42 | 48 | 117,0 |
| | Жами: | 1369 | 1407 | 1574 | 1632 | 1607 | 117,4 |

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив қонунидир. Самарадорликни ошириш ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш, қўшимча харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун захираларни кўпайтиришни талаб этади.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини аҳоли турмуш даражасини ошириш манбаи сифатида тадқиқ қилишда "иқтисодий самарадорлик" тушунчасига эътибор қаратиш лозим. "Иқтисодий самарадорлик" ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ифодаласа, "ишлаб чиқариш самарадорлиги" мавжуд захиралардан самарали фойдаланиб эришилган натижаларни билдиради. "Самарадорлик" тушунчаси кенгроқ тушунча бўлиб, ишчилар турмушининг ижтимоий томонлари ҳамда уларнинг ютуқ ва камчиликларини бошқаларни натижалари билан солиштиришни ифодалайди[17].

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида маълум бўлдики, кўпчилик иқтисодчи олимлар ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш кераклигини таъкидлаган бўлса, баъзилар самарадорликнинг жамловчи кўрсаткичини яратишга ҳаракат қилган.

Жумладан, А.Т.Юсуповнинг фикрича, "иқтисодий самарадорликда қуйидаги кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш мумкин: фонд самарадорлиги, меҳнатни фонд билан қуролланганлиги, ишлаб чиқариш унумдорлиги ўсиши ҳисобига маҳсулот миқдори ортиши, тузилмавий силжишларнинг прогрессивлиги, ҳудудий коэффициент"[18].

Р.А.Фатхутдиновнинг фикрича, "ташкилот фаолияти самарадорлиги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар орқали ифодаланади"[19].

А.М.Қодиров бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг фикрича, ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилашда "умумий, ҳамма воқеликни умумлаштирувчи кўрсаткич вазифасини бажарадиган якуний пировард кўрсаткич йўқдир"[20].

Россиялик олим Н.Л.Зайцев самарадорликни саноат корхоналари хўжалик фаолиятининг натижаларини жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларига нисбати сифатида ифодалайди ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги хусусий ва умумий кўрсаткичлар орқали ифодаланади, деб кўрсатади. У хусусий кўрсаткичларга

---

[17] Зиявитдинова Н. М. Повышение экономической эффективности деятельности предприятий пищевой промышленности: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Ташкент, 2006.

[18] Юсупов А. Т. Развитие и размещение производства товаров народного потребления в Узбекистане. Ташкент: Меҳнат, 1991. С. 38.

[19] Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент. М., 1998. С. 531.

[20] Қодиров А. ва бошқалар. Хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. Тошкент: ТДИУ, 1995. 336-бет.

меҳнат унумдорлиги, капитал сиғими ва маҳсулотнинг материал сиғими каби кўрсаткичларни киритади[21].

Самарадорлик – бу харажатлар ва натижавий кўрсаткич ўртасидаги боғлиқлик, яъни корхонанинг фойдалилигидир. Корхоналар фойда олиш билан бир қаторда жамият эҳтиёжларни қондиришга ҳам эътибор қаратади. Бозор иқтисодиёти чуқурлашиб борган сари фойда шаклланиши йўллари ва фойданинг иқтисодий мазмуни ўзгариб боради.

Бизнинг фикримизча, самарадорлик тушунчасини унинг қўлланилиш мақсадидан келиб чиқиб турли кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкин. Мазкур тадқиқотнинг мазмунидан келиб чиқиб самарадорлик меҳнат ва аҳоли турмуши билан боғлиқ кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Унда саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсири ўрганилади.

Ривожланган хорижий мамлакатлардаги саноат корхоналарида маҳсулот дизайнига эътибор кучайтирилиб, логотиплар яратилмоқда. Масалан, енгил саноат маҳсулотлари нафақат инсонларнинг моддий эҳтиёжини қондиради, балки ҳар бир инсон ўзини замон билан ҳамнафас ҳис этишидек маънавий эҳтиёжларни ҳам қондиради (енгил саноат маҳсулотларини модага кўра истеъмол қилиш). Саноат маҳсулотларидаги турли расм ва символларда ахборот тарқатиш функцияларига эътибор қаратилмоқда, маҳсулот таркибида моддий харажатлар улуши камайтирилиб, фойданинг улуши оширилмоқда.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишда саноатнинг қуйидаги хусусиятларини инобатга олиш керак:

– баъзи саноат тармоқлари қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларига хомашёни миқдори ва сифати бўйича қарамлиги;

– саноат корхоналари кўп материал талаб қиладиган тармоқ бўлиб, маҳсулот таннархи таркибида моддий харажатлар улуши юқорилиги;

– турли саноат корхоналарида меҳнат жараёнлари турлича аҳамият касб этиши, масалан, енгил саноат корхоналарида кўпроқ аёлларнинг, ёқилғи саноатида кўпроқ эркакларнинг меҳнат билан бандлиги ва бошқалар.

---

[21] З а й ц е в Н. Л. Экономика промышленного предприятия. М.: Инфра-М, 2008. С. 284.

Саноат корхоналарининг самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсир этувчи омиллар бу борадаги тадқиқотларни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

## 1.3. Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсир этувчи омиллар

Турмуш даражасини ошиши кишилар ўртасида маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида вужудга келади. Ушбу муносабатлар иқтисодий қонунлар асосида бошқарилади. Демократик тарзда турмуш даражаси ошишининг ўзига хослиги шундаки, меҳнатга лаёқатли барча кишилар жамият ишлаб чиқаришида иштирок этади ва жамиятнинг барча аъзоларини фаровонлиги аста-секин яхшиланиб боришига ҳисса қўшади.

Аҳоли турмуш даражасини ошиши иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви, миллий даромаднинг кўпайиши ва жамиятда меҳнат унумдорлиги ўсишига ёрдам берувчи муҳим ишлаб чиқариш омилидир. Турмуш даражасини ошиши иқтисодиётни ривожлантирувчи кучларни ҳаракатга келтирувчи, жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларида қатнашувчилар ўртасида ҳаёт бойликларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг мувофиқлигини режалаштирувчи иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуини яратиш учун зарур воситадир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турмуш даражасини ошиши фақат моддий таъминланганлик билангина баҳоланмайди, балки инсон ҳаётининг барча томонларини белгилаб берувчи кўплаб тавсифларни ўзида акс эттиради. Ушбу тушунча кишиларнинг тафаккури ва маданиятини, юқори сифатли хизматларга талабини, хулқ-атвори, соғлиғи, оқилона тарзда овқатланиши доимий тарзда ўсиб боришини ўзида мужассам этади.

Аҳолининг турмуш даражаси хилма-хил омилларга боғлиқ бўлган кўп қиррали ҳодисадир. Исталган одамнинг ҳаёти ва фаолияти ҳаво ва сув муҳитининг, уй-жой, маиший ҳамда ишлаб чиқариш шароитларининг, истеъмол товарлари миқдори ва сифатининг аҳволидан бошлаб, умумий ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазият, шунингдек, сиёсий институтлар аҳволига қадар бўлган табиий ва ижтимоий омилларнинг кенг қирраси билан белгиланади. Омилларнинг энг аҳамиятли гуруҳи – сиёсий ва иқтисодий омиллар, ижтимоий соҳа, илмий-техник жараён ривожланиши омиллари ва бошқалардир.

Юқоридаги омилларнинг таъсири табиий иқлим шароитлари ва бойликлар (инсон, меҳнат, ишлаб чиқариш, молиявий, ахборот, маънавий) мавжудлиги билан кучайиши ёки заифлашиши мумкин. Лекин, бу ерда бевосита боғлиқлик йўқ. Масалан, жуда тақчил табиий бойликларга эга бўлган Япония ва Швейцария бой мамлакатлар ҳисобланади. Аҳолисининг сони кўп бўлган мамлакатларда ҳам (АҚШ, Германия, Япония), кичик бўлган мамлакатларда ҳам (Люксембург, Финляндия, Швейцария) юксак даражадаги фаровонлик қайд қилинади. Масалан, Канада, Норвегия, Россия (шимолий минтақалар) оғир иқлим шароитларига эга, турмуш даражаси бўйича эса бу мамлакатлар бир-биридан фарқ қилади.

Сиёсий омиллар – сиёсий барқарорлик, демократик эркинлик, фуқаролар тотувлиги, урушлар бўлмаслигини таъминлаш; технологик омиллар – табиат ва инсонга таъсир қилувчи илмий билимлар тизими ўз ифодасини топадиган меҳнат воситаларини яратишни таъминловчи технологияларни ривожлантириш даражаси; иқтисодий омиллар иқтисодий ўсиш, инсон капиталини ривожлантириш, ЯИМни кўпайтириш, молиявий бозорларни ривожлантириш ва барча турдаги бойликлардан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратиш; экологик омиллар – табиатнинг аҳволи, ер, ҳавзалар ва ҳавонинг ифлосланиш даражаси, атроф-муҳитнинг инсонга таъсири билан тавсифланади. Шу билан бирга, аҳолининг турмуш даражасига ахборот, ижтимоий ва маънавий омиллар ҳам таъсир кўрсатиб, ўз навбатида, ахборот омиллари – мамлакатнинг барча ҳудудида оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, ахборот холислигининг оширилиши, дунё миқёсидаги ахборот тармоғига, яъни интернетга кириш ҳуқуқи таъминланиши, алоқанинг замонавий воситалари ривожлантирилиши; ижтимоий омиллар – одамлар қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар, қонунлар тизими билан ифодалаш ва хавфсизликни таъминлаш учун ижтимоий шароитлар; маънавий омиллар – одамлар эҳтиёжларини, улар ҳаётининг мақсадларини, ахлоқий меъёрларини шакллантириш тизими билан изоҳланади.

Турмуш даражаси категориясининг мураккаблиги ва серқирралиги уни ўлчаш ва комплекс равишда баҳолашда муайян қийинчиликлар туғдиради. Шу ўринда айтиш керакки, турмуш сифатини баҳолашнинг миқдорий усулларини бирлаштирувчи илмий соҳа квалиметрия деб аталади.

Аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи баъзи омилларни чуқурроқ кўриб ўтамиз:

**Сиёсий омиллар**. Ҳар бир мамлакатда аҳоли турмуш даражаси жамият ва давлат тузумининг хусусиятига, ҳуқуқ институтининг

мустаҳкамлигига ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишига, ҳокимият турли тармоқларининг ўзаро нисбатига, унинг бошқа минтақалар (корхоналар) билан ўзаро муносабатларига, қарши кучлар, сиёсий партиялар мавжудлигига боғлиқ.

**Иқтисодий омиллар**. Аҳоли турмуш даражасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган миллий бойликнинг иқтисодий имкониятларига боғлиқ. У моддий бойликлар, меҳнат ҳисобига жамғарилган маҳсулотлар ҳамда жамият тасарруфидаги ҳисобга олинган ва иқтисодий муомалага жалб қилинган табиий бойликларнинг йиғиндисидир. Миллий бойликнинг узлуксиз тўлиб бориши (унинг оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилиши) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Бойлик кўрсаткичи ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларини ва умуман, жамиятнинг ҳаётини тавсифлайди, ижтимоий маҳсулот миқдори эса маълум давр мобайнидаги ишлаб чиқариш жараёни натижаси сифатида, шунингдек, бойлик элементларини ўрнини тўлдириш ва уни кўпайтириш манбаи сифатида намоён бўлади. Жамғарилган бойлик ва ижтимоий маҳсулотлар ҳажми мамлакатнинг иқтисодий қудратини ҳамда истеъмол, даромадлар, турмуш даражаси ҳажмини акс эттиради.

Миллий бойликнинг таркибий қисми жамият фаровонлигининг моддий шароитлари мажмуини ифодалайдиган миллий мулк ва олдинги авлодлар меҳнатининг натижасидир. Унинг миқдори ва таркиби бошқа шароитларда ЯИМ ўсиши ва мамлакат фаровонлиги ошиши учун катта имкониятларни тақозо қилади.

Иқтисодий омиллар орасида миллий даромаднинг ўсиши алоҳида роль ўйнайди. Унинг миқдори ҳозирги авлод меҳнатининг натижаси ва айнан истеъмолнинг ўсиш манбаидир.

Миллий даромад – бу ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган меҳнат воситалари ва моддий харажатлардан истисно умумий ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, у янгидан яратилган қиймат, яъни ушбу йилдаги ишлаб чиқаришнинг жамият фаровонлиги учун қўшилганидир. Бу жамиятнинг соф "ишлаб топилган" даромадидир.

Иқтисодчилар шахсий даромад манбаларини турлича талқин қилади, бироқ ҳар бир ишлаб чиқариш омили шахсий даромадларнинг муайян тури билан боғлиқдир[22].

Омиллар назариясига мувофиқ асосий ишлаб чиқариш омилларига қуйидагилар киради:

[22] А б д у р а ҳ м о н о в Қ. Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Дарслик. Тошкент: Фан ва технология, 2012. 312-бет.

– табиий бойликлар (ер усти ва ер ости бойликлари);
– инвестиция бойликлари (капитал);
– меҳнат;
– тадбиркорлик қобилияти.

Ушбу омилларнинг ҳар бири бўйича аҳоли даромадлари рента, фойда, иш ҳақи ва тадбиркорлик даромади сифатида олинади (1.3-расм).

Истеъмол фонди – бу инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ва умуман, жамият эҳтиёжларини (ишлаб чиқариш соҳасига, мудофаага харажатлар) қондиришни таъминловчи миллий даромаднинг бир қисмидир. Унинг миқдори эҳтиёжларни қондиришнинг имкониятларини белгилайди.

Жамғарма фонди – бу фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш ривожланишини таъминловчи миллий даромаднинг бир қисмидир.

Миллий даромад ҳажми истеъмол ва жамғарма фондларининг йиғиндиси сифатида аҳолининг турмуш даражасини белгилаб беради.




**1.3-расм. Омиллар назариясига мувофиқ шахсий даромаднинг шаклланиши**

Меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси ЯИМ ҳамда миллий даромад ўсишининг энг муҳим омилидир. Демак, аҳолининг турмуш даражаси ҳам меҳнат унумдорлиги динамикасига боғлиқ равишда ошади (пасаяди). Ўз навбатида, меҳнат унумдорлиги фан-техника тараққиётига, меҳнатни ташкил қилишни, ишлаб чиқариш ва бошқарувни такомиллаштиришга, ижтимоий-иқтисодий омил-

лар (хўжалик механизмини такомиллаштириш, меҳнатнинг асослари, ижтимоий соҳани ривожлантириш)га боғлиқ.

**Ижтимоий омиллар**. Ижтимоий соҳанинг (фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият) ривожланиши аҳолининг ижтимоий (маънавий, маданий) эҳтиёжларини қондиришни шарт қилиб қўяди, миллат ақл-идрокининг ривожланишига кўмаклашади, миллатнинг соғлиғини сақлайди ва мустаҳкамлайди, жамиятнинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Илмий-техник тараққиёт маҳсулот ва хизматлар, технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарув, таълим, кадрларни касбий тайёрлаш хусусиятларига ўзгартишлар киритади. Бу меҳнат ва бойликларнинг харажатлар ўзгармаган ёки камайган пайтда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятини беради, меҳнат унумдорлиги ўсишига кўмаклашади.

Турмуш сифати кенг маънода аҳолининг турли эҳтиёж ва манфаатлар нуқтаи назаридан ўз турмушидан қониқишидир. Бу тушунча турмуш даражаси хусусиятлари ва индикаторларини, меҳнат ва дам олиш, уй-жой шароитлари, ижтимоий таъминот ва кафолатларни, ҳуқуқий тартибни сақлаш ва шахс ҳуқуқларига амал қилинишини, табиий-иқлим шароитлари, атроф-муҳитни асраш кўрсаткичларини, бўш вақтнинг мавжудлиги ва ундан оқилона фойдаланиш имкониятлари, ниҳоят, тинчлик, ором, маиший қулайлик, барқарорликни қамраб олади.

Турмуш сифати соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрдаёқ ўтказила бошлаган эди. XX асрнинг машҳур жамиятшунос олими Ф.А.Хайск ўз илмий асарларида камбағалликнинг мавжудлиги жамият фаровонлиги учун зарурдир, деб қайд қилган ва жамиятда камбағалликнинг юзага келиш қонуниятини “ҳар бир одамнинг ўз аҳволи учун, шу жумладан, камбағаллик учун ҳам шахсий жавобгарлигини тарғиб қилиш керак”, деб таъкидлаган. У ҳар кимнинг ўзи афзал кўрган турмуш тарзи ва услубини танлаш эркинлигига тажовуз қилишнинг ғайриқонунийлигига таяниб, давлат аралашувини чеклаш учун курашган.

Турмуш сифати иқтисодиёт чегарасидан ташқарига чиқувчи объектив ва социологик таркибий қисмларни, яъни эҳтиёж ва манфаатларни қондириш, инсонлар ўзларининг турмушидан қаноатланиш даражасини ўз ичига олувчи категориядир.

Турмуш сифатини баҳолашда америкалик тадқиқотчи Д.Джонстон ва Дж.Форрестерларнинг турмуш сифати индекслари, австралиялик иқтисодчи олим В.Хэдейнинг инсонни ўз ҳаётидан руҳан қониқишининг энг муҳим индикаторларидан бири сифатида

баҳоланувчи ўз-ўзини юзага чиқариш индекси, БМТ мутахассислари томонидан мамлакатлар турмуш даражасини таққослаш учун қўлланувчи инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси (ИСРИ) жуда машҳур бўлди.

Аҳоли турмуш сифатининг таркибий қисмларига турмуш даражаси ва турмуш шароитлари киради. Ўз навбатида, турмуш даражаси аҳоли даромадлари, кексалар таъминоти, аҳоли омонатларининг тўпланиши, суғурта, соғлиқни сақлашнинг аҳволи, бўш вақт, жамоат хавфсизлиги, таълим савияси, транспортда ҳаракатланиш хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси, миграциянинг ўсиш кўрсаткичлари, қашшоқлик, ишсизлик, кундалик истеъмол даражаси, аҳолининг иқтисодий активлар билан таъминланганлиги каби кўрсаткичлар билан, аҳолининг турмуш шароити эса ижтимоий-руҳий иқлим, яшашнинг табиий-иқлим ва экологик шароитлари билан белгиланади.

Аҳоли турмуш сифати унинг олдинги даврларда тўпланган иқтисодий активлар – ҳам номолиявий (кўчувчи ва кўчмас мулк билан – уй-жой, унинг сифатини ҳисобга олган ҳолда ва шахсий транспорт билан таъминланганлик), ҳам молиявий (омонатлар, қимматли қоғозлар, нақд пул ва чет эл валютасидаги жамғармалар билан) таъминланиш даражасига бевосита боғлиқдир.

Ижтимоий-руҳий иқлимнинг ҳолати инсон турмуш шароитларининг хусусиятидир, у аҳоли турмушининг руҳий қулайлик даражасини белгилайди. Унга инсон ўз-ўзини юзага чиқариш (иш билан таъминланиш, шу жумладан, мутахассислиги бўйича меҳнат фаолиятига эга бўла олиш), ҳаётининг хавфсизлик даражаси (муҳитнинг криминогенлиги, ҳарбий зиддиятлар мавжудлиги), ижтимоий таҳдидлар (қашшоқлик даражаси, ахборот олиш, эркин фикрлаш ҳуқуқи) имкониятини ҳисобга олувчи моддий, молиявий ва бошқа омиллар таъсир қилади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолаш ва режалаштиришда қатор муаммоларни ҳал қилиш зарурати юзага келади.

Аҳолининг турмуш сифати юқорида кўрилган кўп омиллар билан белгиланади, шунинг учун ҳар бир санаб ўтилган омилнинг аҳоли турмуш сифатига таъсири даражасини аниқлаш, унинг таъсир кўрсатиш йўналишларини тадқиқ қилиш, уни бошқариш имкониятларини ўрганиш аҳоли турмуш сифатини тадқиқ қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Турмуш сифатига энг кўп таъсир қилувчи омилларни танлаш ва улар таъсирини баҳолаш мураккаб вазифадир.

Турмуш сифатига таъсир қилувчи кўрсаткичларни тадқиқ қилишда қуйидаги функционал боғлиқликдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

$$Турмуш\ сифати = f\ (F_{тур.\ дар.}, F_{тур.шар.}) \quad (1.3)$$

Бу ерда:

$F_{тур.\ дар}$ – турмуш даражасини тавсифловчи омиллар;

$F_{тур.шар}$ – турмуш шароитини тавсифловчи омиллар.

Турмуш даражасини тавсифловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

$$F_{тур.\ дар.} = f(D_{дар}, S_{таъм}, Z_{согл}, Q_{таъл}, J_{яш.\ шар}, K_{мадан}, P_{ҳуқ}, C_{атр.-муҳ}, D_{демог}) \quad (1.4)$$

Бу ерда:

$D_{дар}$ – аҳоли даромадлари;

$S_{таъм}$ – ижтимоий таъминот;

$Z_{соғл}$ – соғлиқни сақлаш;

$Q_{таъл}$ – таълим;

$J_{яш.\ шар}$ – яшаш шароитлари;

$K_{мадан}$ – маданият ва дам олиш;

$P_{ҳук,}$ – ҳуқуқий ҳимоя;

$C_{атр.-муҳ}$ – атроф-муҳит;

$D_{демог}$ – демографик вазият.

Ўз навбатида, турмуш шароитини тавсифловчи омилларнинг функционал боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$F_{тур.шар} = f\ (S_{сан.шар}, Y_{бўш.вақт}, T_{транс}, Z_{соғлиқ}, O_{эколог}, P_{руҳий}) \quad (1.5)$$

Бу ерда:

$S_{сан.шар}$ – санитария шароитлари;

$Y_{бўш\ вақт}$ – бўш вақтни ўтказиш учун шароитлар;

$T_{транс}$ – транспорт ҳолати;

$Z_{соғлиқ}$ – соғлиқни сақлаш;

$O_{эколог}$ – экология;

$P_{руҳий}$ – руҳий аҳвол.

Вазифанинг расмий қўйилиши учун турмуш шароитлари кўрсаткичлари ($S_{сан.шар}$, $Y_{бўш\ вақт}$, $T_{транс}$, $Z_{соғлиқ}$, $O_{эколог}$, $P_{руҳий}$) билан турмуш

даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги ($D_{дар}$, $S_{таъм}$, $Z_{соғл}$, $Q_{таъл}$, $J_{яш. шар}$, $K_{мадан}$, $P_{ҳуқ}$, $C_{атр.-муҳ}$, $D_{демог}$) функционал боғлиқликлар турини билиш зарур.

Юқоридаги омилларнинг турмуш сифати кўрсаткичига таъсир қилиш даражасини миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун ўзаро боғланган, регрессив ва омилий таҳлил, эксперт баҳолари усулини қўллаш мумкин. Регрессив таҳлилнинг қўлланиши ўрганилаётган кўрсаткич ўртача қийматининг қатор омилларга боғлиқлигини белгилашга имкон беради.

Турмуш сифати фақатгина моддий эҳтиёжлар билан чекланмаслигини унутмаслик керак. Чамаси, турмуш сифатининг турли кўрсаткичларини ягона шартли баҳога келтириб қўйиш жуда мураккаб жараён бўлиб, уни математик статистикадаги машҳур усул бўлган омилли таҳлил асосида ўтказиш мумкин. Бу усулни агар бошланғич кўрсаткичлар ўртасида корреляцион алоқа мавжуд бўлса, қўллаш мумкин. Шунда турмуш даражасини тавсифловчи бутун кўрсаткичларни битта омилга ёки уларнинг кичикроқ сонига бирлаштириш мумкин. Ундан ташқари, омилли таҳлил усули ҳар бир бошланғич миқдорнинг натижа берувчи омилга тушадиган оғирлиги қийматини топишга имкон беради.

Иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривожланиши, жумладан, саноат корхоналари самарадорлигининг ошиши аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Бу жараён билан боғлиқ омилларни кўришимиз мумкин.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ошиб боришининг асосий омилларидан бири – бу аҳоли даромадлари таркибида ўзгариш рўй бераётгани бўлиб, даромадлар таркибида иш ҳақи кўринишида корхоналардан олинадиган даромаднинг улуши камайиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шаротида аҳоли даромадлари икки турга бўлинади: бозор ва нобозор даромадлари. Бозор механизми орқали олинган даромадлар аҳолининг бозор даромадларини билдиради. Буларга тадбиркорлик даромади, ёлланма ишчи ва хизматчиларнинг оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари, мулкдан келадиган даромад, шахсий меҳнат фаолиятидан, уй хўжалигида яратилган товар ва хизматларни сотишдан олинадиган даромадлар киради. Нобозор даромадларига аҳолига бюджетдан бериладиган трансферт тўловлари ва аҳолининг турли ижтимоий тадбирлардан оладиган даромадлари киради.

Аҳоли даромадлари таркиби мамлакатнинг макроиқтисодий ҳолати ва бозор муносабатлари ривожланишига қараб ўзгариб бо-

ради[23]. Мазкур жараёнга хос белги бозор даромадлари, жумладан, тадбиркорлик даромади, дивиденд, шахсий фаолиятдан ва касаначиликдан олинадиган даромад миқдорининг кўпайиб боришидир. Ўзбекистонда аҳоли даромадларини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Агар тадбиркор якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан оладиган даромадини тадбиркорлик даромади деб ҳисобласак, унинг улуши Бухоро вилояти аҳолисининг жами даромадлари таркибида 2012 йилда 55,4 фоизни ташкил этди. Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси таркибида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Демак, мамлакатимизда аҳолининг тадбиркорликдан оладиган даромадини рағбатлантирувчилик роли ортиб бормоқда.

Аҳолининг баъзи қатламлари саноат соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти, касаначилик билан шуғулланмоқда. Бунда пул ва натурал шаклдаги даромадларнинг салмоғи, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳамда мулкдан олинадиган даромадларнинг улуши ортиб боради. Аммо, саноат корхоналарида меҳнат фаолиятидан олинадиган даромад, яъни иш ҳақининг улуши бирмунча пасайиб боради.

Саноат тармоқларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, иш ҳақи ишчиларнинг шахсий қобилияти, билими ва тажрибаси, иш стажи, касб маҳорати ҳамда бажарган иши натижаларига боғлиқ бўлиши лозим. Чунки иш ҳақи ишчиларни бор салоҳиятини меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилашга, иқтисодий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишга рағбатлантириши зарур. Демак, иш ҳақининг аҳоли даромадлари таркибидаги улушини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш саноатни ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий саноат маҳсулотлари турларини кенгайтириш, бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш бунинг асосий йўналишидир. Аҳолининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан унинг истеъмол товарлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Мазкур масалани ҳал этишда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш зарур.

[23] А б д у р а ҳ м о н о в Қ. Х. Модернизация жараёнида аҳоли даромадларини ошириш // Жамият ва бошқарув. 2005 йил 3-сон. 69-бет.

даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги ($D_{дар}$, $S_{таъм}$, $Z_{соғл}$, $Q_{таъл}$, $J_{яш. шар}$, $K_{мадан}$, $P_{ҳуқ}$, $C_{атр.-муҳ}$, $D_{демог}$) функционал боғлиқликлар турини билиш зарур.

Юқоридаги омилларнинг турмуш сифати кўрсаткичига таъсир қилиш даражасини миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун ўзаро боғланган, регрессив ва омилий таҳлил, эксперт баҳолари усулини қўллаш мумкин. Регрессив таҳлилнинг қўлланиши ўрганилаётган кўрсаткич ўртача қийматининг қатор омилларга боғлиқлигини белгилашга имкон беради.

Турмуш сифати фақатгина моддий эҳтиёжлар билан чекланмаслигини унутмаслик керак. Чамаси, турмуш сифатининг турли кўрсаткичларини ягона шартли баҳога келтириб қўйиш жуда мураккаб жараён бўлиб, уни математик статистикадаги машҳур усул бўлган омилли таҳлил асосида ўтказиш мумкин. Бу усулни агар бошланғич кўрсаткичлар ўртасида корреляцион алоқа мавжуд бўлса, қўллаш мумкин. Шунда турмуш даражасини тавсифловчи бутун кўрсаткичларни битта омилга ёки уларнинг кичикроқ сонига бирлаштириш мумкин. Ундан ташқари, омилли таҳлил усули ҳар бир бошланғич миқдорнинг натижа берувчи омилга тушадиган оғирлиги қийматини топишга имкон беради.

Иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривожланиши, жумладан, саноат корхоналари самарадорлигининг ошиши аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Бу жараён билан боғлиқ омилларни кўришимиз мумкин.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ошиб боришининг асосий омилларидан бири – бу аҳоли даромадлари таркибида ўзгариш рўй бераётгани бўлиб, даромадлар таркибида иш ҳақи кўринишида корхоналардан олинадиган даромаднинг улуши камайиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шаротида аҳоли даромадлари икки турга бўлинади: бозор ва нобозор даромадлари. Бозор механизми орқали олинган даромадлар аҳолининг бозор даромадларини билдиради. Буларга тадбиркорлик даромади, ёлланма ишчи ва хизматчиларнинг оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари, мулкдан келадиган даромад, шахсий меҳнат фаолиятидан, уй хўжалигида яратилган товар ва хизматларни сотишдан олинадиган даромадлар киради. Нобозор даромадларига аҳолига бюджетдан бериладиган трансферт тўловлари ва аҳолининг турли ижтимоий тадбирлардан оладиган даромадлари киради.

Аҳоли даромадлари таркиби мамлакатнинг макроиқтисодий ҳолати ва бозор муносабатлари ривожланишига қараб ўзгариб бо-

ради[23]. Мазкур жараёнга хос белги бозор даромадлари, жумладан, тадбиркорлик даромади, дивиденд, шахсий фаолиятдан ва касаначиликдан олинадиган даромад миқдорининг кўпайиб боришидир. Ўзбекистонда аҳоли даромадларини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Агар тадбиркор якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан оладиган даромадини тадбиркорлик даромади деб ҳисобласак, унинг улуши Бухоро вилояти аҳолисининг жами даромадлари таркибида 2012 йилда 55,4 фоизни ташкил этди. Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси таркибида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Демак, мамлакатимизда аҳолининг тадбиркорликдан оладиган даромадини рағбатлантирувчилик роли ортиб бормоқда.

Аҳолининг баъзи қатламлари саноат соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти, касаначилик билан шуғулланмоқда. Бунда пул ва натурал шаклдаги даромадларнинг салмоғи, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳамда мулкдан олинадиган даромадларнинг улуши ортиб боради. Аммо, саноат корхоналарида меҳнат фаолиятидан олинадиган даромад, яъни иш ҳақининг улуши бирмунча пасайиб боради.

Саноат тармоқларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, иш ҳақи ишчиларнинг шахсий қобилияти, билими ва тажрибаси, иш стажи, касб маҳорати ҳамда бажарган иши натижаларига боғлиқ бўлиши лозим. Чунки иш ҳақи ишчиларни бор салоҳиятини меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилашга, иқтисодий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишга рағбатлантириши зарур. Демак, иш ҳақининг аҳоли даромадлари таркибидаги улушини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш саноатни ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий саноат маҳсулотлари турларини кенгайтириш, бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш бунинг асосий йўналишидир. Аҳолининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан унинг истеъмол товарлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Мазкур масалани ҳал этишда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш зарур.

[23] А б д у р а ҳ м о н о в Қ. Х. Модернизация жараёнида аҳоли даромадларини ошириш // Жамият ва бошқарув. 2005 йил 3-сон. 69-бет.

Аҳоли турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири – ички бозордаги асосий истеъмол товарларининг нархи ҳисобланади. Чунки, асосий истеъмол товарларининг нархи ошиши аҳоли турмуш даражаси пасайишига, нархларнинг пасайиши эса, аҳоли турмуш даражаси ошишига олиб келади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири – бу истеъмол товарлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга оширишдир. Бу тадбирлар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда асосий истеъмол товарларининг ўртача нархи қўшни давлатлардаги нархларга нисбатан паст даражада сақлаб қолинди.

Саноат корхоналарининг самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсир этувчи навбатдаги омил – меҳнат ресурслари жадал суръатлар билан ўсишидир. Бу ишчи ўринларини оширишга қаратилган иқтисодий ўсишга эришишни тақозо этади. Шунинг учун бозор иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатида таркибий ўзгаришлар бандликни дунё миқёсида кенгайтириш, меҳнат бозорини фаоллаштириш ва аҳолини иш билан банд этишнинг янгидан-янги захираларини излаб топишни талаб этади. Давлатимизнинг бу соҳадаги сиёсати инсонларнинг фаоллигини оширишга, ишчи кучига талаб ва таклифнинг сифатли мувозанатлашуви учун шароитлар яратиш, ишсизликнинг оммавий ва турғун шаклларига барҳам бериш, меҳнат соҳасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилмоқда.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишда меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориш қонуни муҳим омил ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши маълум вақт мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини оширишни ва унинг харажатларини камайтиришни таъминлайди. Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошиши меҳнатнинг чекли маҳсулдорлиги камайиб бориш қонунига боғлиқ ҳолда рўй беради. Саноат тармоқларида турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни ташкил этишда, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда меҳнатнинг чекли маҳсулдорлиги камайиб бориш қонуни инобатга олиниши лозим.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳолининг турмуш даражасини оширишга таъсир этувчи омиллардан яна бири – ишлаб чиқариш ва манфаатларнинг уйғунлиги омилидир. Тадбиркор хусусий мулк эгаси сифатида бойлик яратишга ва уни кўпайтиришга интилади. Айни пайтда у шахсий, умумхалқ ва жамоа

манфаатлари уйғунлигини таъминлайди. Инсон ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлгани учун саноат соҳасидаги тадбиркорларнинг ишловчиларни ижтимоий манфаатлари учун ажратадиган маблағлари миқдори аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш бир мақсадга – ҳар бир шахс, тадбиркор, жамоа ва жамият, мулкдор ва давлат манфаатлари уйғунлигига эришишни кўзда тутади.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсир этувчи навбатдаги омил – инсон омилидир. Инсон омилини фаоллаштириш учун аҳоли даромадларини шакллантириш асосини яратиш, иш ҳақининг рағбатлантирувчилик ролини ошириш ҳамда ишчиларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш лозим. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

– саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ёрдамида аҳолининг бозор механизмлари орқали оладиган даромадларини кўпайтириш учун тегишли ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратиш;

– саноат тармоқларида давлат мулкини, айниқса, йирик корхоналарни хусусийлаштиришни такомиллаштириш орқали қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш. Уларга кенг халқ оммасини жалб этишни кучайтириш, мулкий даромад олиш имконини кенгайтириш;

– ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, аҳоли даромадларининг ишлаб топилганлиги асосини яратиш учун мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча хўжалик субъектларида иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги билан мустаҳкам боғланишини таъминловчи меъёрларини ишлаб чиқиш ва унинг қўлланилишини назорат қилиш;

– аҳоли даромадларининг вужудга келиш манбаларига қараб солиқ ставкаларини табақалаш;

– даромадларнинг энг кам иш ҳақи миқдорига тенг солиққа тортилмайдиган базани қайта тиклаш ҳамда уни кенгайтириш йўли билан солиқ юкини камайтиришга эришиш.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш учун инсон омилини фаоллаштиришда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорликни ривожлантириш, чуқур таркибий ўзгаришлар орқали самарали ва оқилона иш билан бандликни таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, даромадларни рағбатлантирувчилик ролини ошириш керак.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида инсон омили қаралаётган экан, инсон бозор ўзгаришларининг энг фаол, жўшқин, яратувчи омили эканлигидан келиб чиқиб, унинг салоҳияти сифатли ўсиши учун бир қатор тадбирлар амалга оширилиши лозим:

– фан ва техника тараққиётини, меҳнат унумдорлиги ўсишини таъминлаш учун аҳолининг маълумотлилик даражасини ошириш;

– ишлаб чиқариш учун бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, кўп йўналишли малакали ишчиларни тайёрлаш;

– ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан хизмат кўрсатилишини янада яхшилаш;

– жамият аъзоларининг истеъмоли маҳаллий саноат маҳсулотлари билан тўлиқ қондирилишини таъминлаш.

## 1.4. Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг хорижий давлатлар тажрибаси

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси саноат корхоналарида ишлатилмаган кўп имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Маҳаллий саноат корхоналари учун янги имкониятлар жаҳондаги йирик саноат корхоналарида рўй бераётган тенденциялар билан боғликдир (1.4-расм).




**1.4-расм. Жаҳондаги йирик саноат корхоналари ривожланишида рўй бераётган тенденциялар**

Жаҳон иқтисодиётидаги иқтисодий сиёсат тенденцияларидан бири саноат соҳалари глобаллашуви ва турли мамлакатлардаги компаниялар ўртасида франчайзинг, портнеринг ва брендинг асо-

сидаги ҳамкорликлар йўлга қўйилишидир. Кўпчилик давлатларда саноат солиқларининг унификациялашуви ва лебераллашуви, инвестицион оқимлар ва капитал ҳаракати учун турли тўсиқлар камайтирилиши, менежерлар кўникмалари, билимлари, стратегик фикрлаш моделлари глобал стандартларга яқинлашиб бориши натижасида бу ҳамкорлик фаоллашиши кузатилмоқда. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда саноат иқтисодиётидан билимлар иқтисодиёти ва ахборот жамиятларига ўтилиши кўпчилик капитал ва меҳнат талаб этувчи саноат соҳаларини дунёнинг бошқа ҳудудларига ўтказилиши тенденцияси кўзга ташланмоқда[24]. Бу жараёнда ўтиш даврини бошдан кечираётган Ўзбекистонда ҳам кўплаб хомашё ва меҳнат ресурсларини талаб этувчи саноат корхоналари қурилиши мумкин.

Иқтисодиёт соҳасидаги тенденциялардан бири – корхоналар менежментида, саноатдаги тадбиркорликда янги бизнес моделларининг пайдо бўлишидир. Бу жараёнда корхоналарда инвестициялардан фойда олиш ўрнига менежментдан олинадиган фойдани оширишга эътибор қаратилмоқда, инновацияларга йўналтирилган компаниялар пайдо бўлмоқда, электрон бизнес технологияларига асосланган фаолият юритиш моделлари, янги маркетинг моделлари (ижтимоий масъул маркетинг, тармоқли маркетинг, бирга-бир маркетинг, қадоқлаш ва ўрама маркетинги, стратегик маркетинг, инновацион маркетинг) вужудга келмоқда.

Ижтимоий тенденцияларга маҳаллий саноат корхоналаримиз бозори ҳисобланган мамлакатлардаги истеъмолчилар фаолиятида маҳсулотларни танлашда ва бошқа хатти-ҳаракатларда қатор янгиликлар юзага келганини киритиш мумкин. Масалан, енгил саноат маҳсулотлари оддий функционал вазифадан (яъни, кийиниш функциясидан) ташқари дизайн функцияси, информацион функция, қадриятларга мослик функцияси ва бошқа бир қатор функцияларни бажариши талаб этилади.

Технологик тенденцияларга ишлаб чиқариш технологиялари, бошқарув технологиялари, маркетинг ва ахборот технологиялари, нанотехнологиялар, молиявий-инвестицион технологиялар, инновацион технологияларда рўй бераётган ўзгаришларни киритиш мумкин.

Иқтисодиёт фанидан маълумки, ўзгаришлар – бу янги иқтисодий имкониятлардир. Бухоро вилоятида саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш маҳаллий саноат корхоналари юқорида кўрсатилган ўзгаришлар ва

[24] World Bank Research: Easterly and Levine 2007.

янги имкониятларни англаши ва улардан фойдаланишга тайёрлигига боғликдир.

Жамият тараққиётининг турли даврларида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича турли концепция ва қарашлар устувор бўлган, улар аҳоли турмуш даражасининг турли меъёр ва стандартларини ифодалаган[25].

Масалан, цивилизация ривожланишини саноатлаштириш босқичида моддий эҳтиёжларни қондиришга эришиш ҳар бир давлат учун асосий устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ривожланган мамлакатларда аҳоли моддий фаровонлигининг сезиларли даражада ўсиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган. Бу даврдаги иқтисодий назариянинг ғоялари давлатнинг иқтисодиётга аралашишини кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш, янги товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, реклама ва бошқа оммавий ахборот воситалари ёрдамида товарларга талабни рағбатлантириш йўли орқали жамиятнинг барча қатламларини турмуш даражасини юқори даражада оширишга қаратилган.

XX асрда дунёнинг барча мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ва аҳолининг даромадлари ошишига эришилган. Ўтган юз йилликда бутун дунё бўйича аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 1200 дан 5700 долларгача кўпайган. Жаҳондаги аҳоли сони кўп бўлган мамлакатларда (Гана, Миср, Ҳиндистон, Хитой) ялпи ички маҳсулотнинг уч баробардан ортиқ ўсиши рўй берган. Бу дунё бўйича даромадларнинг маълум даражада ошганидан ва камбағал қатламларнинг турмуши яхшиланганидан далолат беради. Шундай бўлсада, камбағал мамлакатлардаги аҳоли сонининг юқори суръатлар билан ўсиши натижасида дунё бўйича камбағалларнинг умумий улушини камайтириш қийин кечган[26].

XX асрда ёлланма ишчилар эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ҳаётий воситалар ҳажми ва қийматининг барқарор ўсиш тенденцияларини таъминланиши асосий жиҳатлардан бири бўлган. Еллама ишчилар томонидан оммавий норозиликлар амалга оширилиши натижасида касаба уюшмаларининг роли кучайтирилган, ишчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланган, иш ҳақи миқдори оширилган ва иш вақти қисқартирилган, кўплаб мамлакатларда ишчилар томонидан бундай талаблар қўйилиши натижасида меҳнат шароитлари яхшиланиб, ижтимоий кафолатлар қонуний даражада таъминланган.

---

[25] *Қаранг:* Экономика труда. Часть II / Под общей редакцией Абдурахманова К.Х. Ташкент: ТГЭУ, 2011. С. 395.

[26] Дунё иқтисодиёти шарҳи. Wforid Economic Outlook. May 2000. P. 148-180.

Аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш бўйича турли усуллар қўлланилган. Масалан, Британиянинг The Economist нашри экспертлари томонидан дунё мамлакатларидаги яшаш шароити ва қулайликлари (комфорт) даражасини ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказган[27]. Кўплаб кўрсаткичларни ўрганиш натижасида умумий балл шакллантирилган. Улардан қуйидаги 9 тасини экспертлар асосийлари сифатида кўрсатдилар:

1) аҳоли жон бошига ЯИМ (бош омил);
2) соғлиқни сақлаш тизими хизматларидан қониқиш даражаси;
3) ишсизлик даражаси;
4) муҳит шароитлари;
5) фуқаролар эркинлиги кузатилиши;
6) сиёсий барқарорлик ва хавфсизлик;
7) жамият ҳаётининг ривожланиши;
8) оилавий ҳаётдаги қулайликлар;
9) жинслар тенглиги.

Биринчи кўрсаткичдан ташқари бошқа барча кўрсаткичларни фуқаролардан сўровнома ўтказиш орқали аниқлаганлар. Умумий баҳолаш 10 баллик шкала асосида амалга оширилган[28]. Бу баҳолашнинг натижалари 1.2-жадвалда келтирилган.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича тадқиқот ўтказишда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи тўлаш ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Унумдорлик – саноат корхоналари самарадорлигини, иш ҳақи аҳоли турмуш даражасини, яъни аҳолининг саноат корхоналаридан оладиган даромадини ифодалайди.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги назариялар хориждаги турли илмий мактаблар номояндалари томонидан ўрганилган[29]. Бу ҳақида Т.Э.Эдисон бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнатнинг ақлий ёки ижодий фаолият билан боғлиқлигига асосланиши лозим, деган фикрни илгари суради. А.Маршалл меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнатнинг чекланган унумдорлиги принципи асосида йўлга қўйилиши лозим деб ҳисоблайди. Улар баъзи қийин меҳнат турлари учун иш ҳақи тўлашда ишлаб чиқариш натижаларини инобатга олиб бўлмаслигини айтади.

---

[27] Экономика труда. Часть II. С. 407.
[28] Экономика и жизнь.2005. № 2. С. 6.
[29] Генкин Б. М. Экономика и социология труда. М.: Норма, 2007. С. 284.

*1.2-жадвал*

**Турмуш даражаси бўйича дунёдаги дастлабки 13 та мамлакатнинг рейтинги**

| № | Мамлакат | Балл | Аҳоли жон бошига ЯИМ, минг доллар | ЯИМ бўйича ўрни |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ирландия | 8,33 | 36,79 | 4 |
| 2 | Швейцария | 8,07 | 33,58 | 7 |
| 3 | Норвегия | 8,05 | 39,59 | 3 |
| 4 | Люксембург | 8,02 | 54,69 | 1 |
| 5 | Швеция | 7,94 | 30,59 | 19 |
| 6 | Австралия | 7,93 | 31,01 | 14 |
| 7 | Исландия | 7,91 | 33,56 | 8 |
| 8 | Италия | 7,81 | 27,96 | 23 |
| 9 | Дания | 7,80 | 32,49 | 10 |
| 10 | Испания | 7,73 | 25,37 | 24 |
| 11 | Сингапур | 7,72 | 32,53 | 9 |
| 12 | Финляндия | 7,62 | 29,65 | 20 |
| 13 | АҚШ | 7,61 | 41,53 | 2 |

Хориждаги кўпчилик олимлар томонидан иш ҳақи тўлашнинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлишини асослаб бериш учун ишловчиларга устамалар, мукофот ва бошқа қўшимча тўловлар тўлашни жорий қилиш тўғрисида фикр билдирилган. Иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига боғлиқлигини кўрсатиб бериш учун иш ҳақини доимий ва ўзгарувчан қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги нисбатни ифодаловчи модель ишлаб чиқилган. Бу моделга кўра иш ҳақининг доимий қисми меҳнатни маълум натижаси учун белгиланган бўлиб, қўшимча иш ҳақи меҳнат унумдорлигини оширганлик учун тўланади.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиздаги унумдорлик ва иш ҳақи билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар қуйидагилардан иборат:

– мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисми оладиган иш ҳақи миқдори анча паст;

– меҳнат унумдорлигининг паст даражадалиги табиий ресурслардан самарасиз фойдаланишнинг натижаси ҳисобланади;

– саноат корхоналарида қўлланилаётган технологиялар эскирган.

Бу муаммолар бир-бири билан бевосита боғлиқ. Иқтисодий назариядан ва ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан кўриш мумкинки, иш ҳақи миқдори меҳнат унумдорлиги билан объектив боғлиқликка эга.

Америкалик олимлар унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги органик боғлиқликни Робинзон Крузо мисолида ифодалайдилар, унинг бир кунда балиқ овлаши ёки ёнғоқ териши тўғрисида қўйиладиган масала ҳам меҳнат унумдорлигини, ҳам унга тўланадиган иш ҳақини ифодалайди. Шундай ҳолат саноат корхонаси ишчисининг меҳнатида ҳам рўй беради. Кўплаб ишчилар ишлайдиган саноат корхоналарида бу яққол намоён бўлмайди. Бу, биринчи навбатда корхонада турли ижтимоий тоифадаги кишиларнинг даромадлари динамикаси фарқ қилиши билан изоҳланади. Масалан, АҚШ да 1982 йилда менежерларнинг даромадлари ишчиларникига нисбатан 42 баробар кўп бўлган бўлса, 1999 йилда бу фарқ 475 баробаргача ошган. Бу борада бизнинг мамлакатимизда вазият бошқача.

Унумдорлик ва иш ҳақи динамикаси бўйича Россия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларидаги ҳолат солиштиш мақсадида ўрганилди. Бунинг натижасида академик Д.С.Львовнинг фикрлари ўз тасдиғини топди. Унинг фикрича, Россия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларининг ривожланган мамлакатлардан иш ҳақи даражаси бўйича орқада қолиши уларнинг меҳнат унумдорлиги бўйича орқада қолишидан анча кўпроқни ташкил этади.

Унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик моҳиятан иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар билан объектив боғлиқ. Бир томондан, унумдорликни оширмасдан иш ҳақи миқдорини кўтариб бўлмайди, бошқа томондан иш ҳақининг миқдори меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу, биринчи навбатда ишчи ишдан кейин ўзининг иш кучини қайта тикламасдан самарали меҳнат қила олмаслиги билан асосланади.

Ривожланган мамлакатларда унумдорлик ва иш ҳақи ўсишининг муҳим омили фан-техника тараққиёти ҳисобланади. Бу мамлакатлар иқтисодиёти асосини юқори технолгияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этади. Бу маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромад умумий даромаднинг асосий қисмини ташкил этади. АҚШ, Япония, Германия давлатлари ҳукуматларини фан ва юқори технологияларга харажатлари Россия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларининг бу бўйича харажатларидан анча юқоридир. Хорижий мамлакатларда жиҳозлар ва технологияларга инвестициянинг катта улуши хусусий компанияларга тегишли.

Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш динамикаси бошқача тенденцияга эга. Бу давлатларда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида юқори технологияларни ишлаб чиқариш ҳажми камайиб борган. Дастгоҳлар,

қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқа машинасозлик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам кескин камайган. Ҳамдўстлик мамлакатлари корхоналаридаги ишлаб чиқариш жиҳозларининг ўртача ёши 20 ёшни ташкил этади, бу ривожланган давлатлардаги корхоналарникидан бир неча марта юқоридир. Бундан ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодиётининг қолоқлашиши ва саноати ривожланишининг оқсаши рўй бераётганлигини аниқлашимиз мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг қолоқлашиши сабабларидан яна бири – бу корхоналарда ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятининг пасайиб бораётгани ҳисобланади. Бу унумдорлик ошишига ва иш ҳақи ўсишига тўсқинлик қилади. Ҳамдўстлик давлатларида унумдорлик ошиши иш ҳақининг ўсишидан юқори бўлмоқда. Қолаверса, мустақил ҳамдўстлик давлатлари унумдорлик ва иш ҳақи миқдори бўйича ривожланган мамлакатлардан анча ортда қолмоқда.

Нима учун ҳамдўстлик давлатларидаги унумдорлик ва иш ҳақи ривожланган мамлакатларникига нисбатан сезиларли даражада паст? Бу фарқларнинг сабабини меҳнат компанентлари назарияси асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ (кейинги бобларда бу ҳақида тўлиқ маълумот берилади). Унда кўрсатилиши бўйича ҳар қандай фаолият тури уч копманентдан иборат:

– регламентлаштирилган (α-меҳнат);

– ижодий (β-меҳнат);

– маънавий-мотивлаштирувчи (γ-меҳнат).

α-меҳнатнинг унумдорлигини фақат меҳнат интенсивлигини кўтариш орқали ошириш мумкин. Ҳозирги вақтда бу омил муҳим роль ўйнамайди.

Олимлар, ихтирочилар ва рационализаторлар фаолиятининг асоси ҳисобланадиган меҳнатнинг ижодий компаненти (β-меҳнат) янги техник ва ташкилий янгиликлар орқали унумдорликни оширишни таъминлайди.

Меҳнатнинг учинчи компаненти (γ-меҳнат) ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар, анъаналар, мамлакатдаги ва корхоналардаги ижтимоий муҳит ёрдамида инсонларни ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришига шароит яратиб беради, у бевосита раҳбарларнинг шахсий сифатлари билан боғлиқ.

Меҳнат компанентлари назарияси асосида мустақил ҳамдўстлик давлатлари ва ривожланган мамлакатлар унумдорлиги ўртасидаги фарқларни ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: Мустақил ҳамдўстлик давлатларида ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги ривожланган давлатлардаги ишчиларникидан кам эмас. Бу ҳақида

ҳамдўстлик давлатларидаги ишчиларнинг соғлиги ва ўртача умр кўриш давомийлиги тўғрисидаги маълумотлар гувоҳлик беради. МДҲ давлатларида ишчиларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги ривожланган давлатлардагига нисбатан 10 йилга кам. Бу аянчли маълумот ҳамдўстлик давлатларида меҳнат унумдорлиги юқори бўлгани ҳолда турмуш даражаси анча паст бўлганидан далолат беради.

Агар иккинчи омилга, яъни β-меҳнатга эътибор қаратадиган бўлсак, мустақил ҳамдўстлик давлатлари, жумладан, Россиядаги муҳандислар ва олимларнинг ижодий қобилиятлари Ғарб мамлакатларидаги ва Япониядаги олимларнинг қобилиятидан кам эмас.

Демак, ҳамдўстлик давлатлари (бизни мамлакатимиз ҳам) унумдорлик ва иш ҳақи даражаси бўйича ривожланган мамлакатларга нисбатан ортда қолишининг сабабини ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар, бошқарув усуллари, хўжалик фаолиятини ташкил этиш тизимларидан излаш лозим.

Ривожланган мамлакатларда оқилона ташкил этилган рақобат ўз даромадини оширишга интиладиган тадбиркорларни доимий равишда маҳсулотларни ва ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга ундайди. Иш ҳақининг ўсиши меҳнат бозори механизми, унумдорлик ва инфляция даражасига мос тариф келишувлари орқали амалга оширилади.

Ҳозирги кунда ҳамдўстлик давлатларидаги бозор муносабатлари тизими техник тараққиёт асосида унумдорлик ва иш ҳақининг барқарор ўсишини таъминлай олмаяпти. Бу, биринчи навбатда 1990 йилларда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ. Бу даврда саноат ишлаб чиқариши ҳажми кескин камайган. Бу, ўз навбатида ишчилар ва муҳандислар меҳнатига талабнинг камайишига ва улар меҳнатининг нархи арзонлашишига олиб келган. Бошқа томондан, янги пайдо бўлган мулкдорлар, аввало, ўзларининг мулкини асраш тўғрисида қайғурганлар, улар янги технология билан таъминланмаган жиҳозларни, бинолар ва майдонларни ижарага беришдан кафолатли даромад олишга ҳаракат қилганлар, бу беқарор ижтимоий-иқтисодий муҳит шароитида иқтисодий кўрсткичларнинг пасайишига олиб келган.

Ривожланган мамлакатлардаги саноат корхоналарида даромадларнинг тақсимланиши тадбиркорлар ёки менежерларнинг катта бўлмаган гуруҳи томонидан амалга оширилади. Ақлли тадбиркорлар ва менежерлар ўз даромадларини узоқ вақт давомида максималлаштиришга интилиши керак. Бунинг учун корхона томонидан яратилган қийматнинг бир қисмини янги маҳсулотлар ва технологияларни яратиш учун киритиши лозим.

Мустақил ҳамдўстлик давлатларидаги беқарор ижтимоий-иқтисодий вазият шароитида (маънавий жиҳатдан етук бўлмаган) тадбиркорларнинг кўпчилик қисми яратилган қийматларнинг катта қисмини ўзлаштиришга ҳаракат қилдилар ва корхонанинг келажаги ва ишловчиларни манфаати тўғрисида қайғурмадилар. Бундай ҳолат кўплаб корхоналарда рўй берди. Бу ҳақида янги технологияларга киритилган инвестицияларнинг камлиги, ишлаб чиқариш технологияларининг эскилиги, авиация, машинасозлик, электротехника саноати каби илмталаб тармоқларнинг оқсаши, ихтирочилик ва рационализаторликдаги фаолликнинг пасайиши, ишчилар ва муҳандисларнинг иш ҳақи пастлиги, шунингдек, тадбиркорларнинг хорижий давлатлардан ишлаб чиқариш технологияларини келтириши суст даражадалиги далолат беради.

Россиядаги кўплаб тадбиркорлар ва сиёсатчилар паст даражадаги иш ҳақини мамлакатнинг рақобатдаги устунлиги сифатида қарашади. Бу хато фикрлаш ҳисобланади, чунки бу мамлакатдаги кўплаб иқтидорли ва кучли мутахассисларнинг четга чиқиб кетишига олиб келади ва қолганларнинг ҳам фаоллигини пасайтиради. Бунинг натижасида корхоналардаги ва жамиятдаги ижтимоий муҳит ёмонлашади ва бу меҳнат унумдорлиги ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Тажриба шуни кўрсатадики, ўз олимлари ва ихтирочиларининг меҳнатига етарли даражада ҳақ тўламаган мамлакат ўзининг кучли мутахассислари кўчиб борган мамлакатнинг бойлигини кўпайтиради.

Расмий статистика маълумотлари бўйича Россияда охирги икки йилда ўртача иш ҳақи ўсиши меҳнат унумдорлиги ўсиши суръатидан юқори бўлган, буни ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Бу тенденция сақланиб қоладиган бўлса, ҳамдўстлик давлатларидаги унумдорлик ва иш ҳақи даражасини ифодаловчи эгри чизиқлар ривожланган мамлакатларнинг ушбу кўрсаткичлари динамикасига яқинлашиб қолади.

Шу билан бирга эътироф этиш керакки, Россиядаги даромадларнинг катта дифференцацияси сабабли ўртача иш ҳақи ўсиши ишловчиларнинг асосий қисмининг даромадлари ошганлигини билдирмайди. Бундан ташқари, Россияда иш ҳақининг ошиши унумдорлик ўсиши ҳисобидан эмас, балки нефть ва газни экспорт қилиш натижасида олинадиган даромаднинг ўсиши ҳисобидан рўй берган. Бунда энергия манбаларидан олинадиган даромаднинг асосий қисми қудуқ эгаларига теккан, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи банкирлар, савдо корхоналари эгалари, амалдорлар ва қўриқчилар нисбатан юқорироқ даромадга эга бўлганлар.

Ишловчиларнинг асосий қисмини иш ҳақи ўсишини таъминлаш

учун корхоналарда яратилган қиймат структураси ўзгаришини таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқиш зарур, яратилган қиймат таркибида корхоналарга киритиладиган инвестициялар улушини ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ишчилар ва мутахассисларнинг иш ҳақи учун ажратиладиган маблағлар улушини кўпайтириш лозим. Назариядан ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўриняптики, барча аҳоли қатламларининг даромади бевосита иқтисодиёт тармоқларида қўлланиладиган технологиялар билан боғлиқ. Россия ва АҚШдаги корхоналарда ишловчи ходимларни даромадидаги фарқ охир-оқибат Россия ва АҚШ корхоналарида яратилган қийматнинг структурасидаги фарққа бориб тақалади. АҚШ корхоналаридаги яратилган қиймат таркибида инвестицияларнинг ва ходимларга иш ҳақи тўлашнинг улуши юқори, Россиядаги корхонада эса бу кўрсаткичлар анча паст.

Россияда иш ҳақи масаласига бағишланган мақолаларнинг асосий қисми яшаш минимумига, яратилган қийматнинг таркибида иш ҳақи фондининг улушини оширишга, тариф тизимига асосланган иш ҳақининг минимал миқдорларини оширишга бағишланади. Бу муаммоларнинг муҳимлигини инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, Россияда (бизнинг мамлакатимизда ҳам) иш ҳақи миқдорини моҳиятан ўзгартириш фақат янги технологияларни ва уларга мос янги жиҳозларни қўллаш натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш асосида таъминланиши лозим.

Самарали фаолият юритадиган иқтисодиётда иш ҳақи ва фаровонликнинг ўсиш суръати меҳнат унумдорлиги ўсишига мос бўлиши керак. Охирги 100 йилда ривожланган давлатларда унумдорликнинг ўсиши ўртача 2,25 фоизни, унга мос равишда даромадларнинг ўсиши тахминан 2 фоизни ташкил этди. Илгари айтилганидек, унумдорлик маҳсулот учун ресурслар харажати нормаси камайишини ифодалайди. Ресурслар харажати нормаси камайиши билан унумдорлик ошади. Агар янги технология ва жиҳозлар қўлланилса ва меҳнат, энергия, материал харажатлари нормаси ўзгармаса, бу техник ва ташкилий ўзгаришлардан самара олинмайди. Шундай экан, унумдорлик ошиши доимо ресурслар харажати камайиши нормасига мос келиши керак. Меҳнат нормалари учун бу ҳолат шуни билдирадики, оқилона ташкил этилган ишлаб чиқаришда нормаларни бажариш коэффициенти ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмаслиги керак. Бу коэффциент доимий барқарор бўлиши лозим. Самарали ишлайдиган корхоналарда иш ҳақининг ўсиши унумдорлик ўсишига ва ресурслар харажати нормаси камайишига мос келиши керак.




**1.5-расм. Ишлаб чиқариш самарасиз ташкил этилган ҳолатдаги иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси:** *П – унумдорлик, $З_р$ – ишчи ва раҳбарларнинг иш ҳақи, $З_и$ – муҳандисларнинг иш ҳақи, $К^в$ – ишчиларнинг ишлаб чиқариш нормасини бажариши коэффициенти, $Н_т$ – ишчиларнинг иш вақти нормаси, $Ф_т$ – маҳсулот бирлиги учун ишчиларнинг иш вақти сарфи, $Н_м$ – моддий ресурслар харажати нормаси, $Ф_м$ – маҳсулот бирлиги учун амалдаги моддий ресурслар харажати*

Россиядаги кўпчилик корхоналарда бу нисбат кузатилмайди. Собиқ иттифоқ даврида тариф ставкалари 10–15 йил ўзгаришсиз қолгани учун ишлаб чиқариш нормалари йилма-йил қайта кўриб чиқилмаган. Бунда ишчиларнинг иш ҳақи ишлаб чиқариш нормасини бажариш коэффициенти ўсиши натижасида ошиб борган, муҳандис-техник ходимларнинг иш ҳақи эса амалда ўзгармаган. Россияда охирги 5 йилда унумдорлик пасайгани ҳолда корхона раҳбарларининг иш ҳақи ошиши кузатилган. Россиядаги корхоналарда унумдорлик, ресурс харажатлари нормаси ва иш ҳақининг ўзгариш тенденциялари 1.5-расмда келтирилган.

Ривожланган мамлакатлардаги саноат корхоналарида самарали ишлаган ишловчиларнинг иш ҳақи ўсиши унумдорлик ошишининг натижаси ҳисобланади. Бу маҳсулот бирлиги учун ресурслар харажати нормаси камайганини билдиради. Бунда иш ҳақи тариф ставкаларининг тизимли ўсиши, ишчиларга турли устама, мукофот ва бонусларнинг тўланиши натижасида ошади. Иш ҳақини ошириш учун қўшимча маблағлар маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатла-

рини камайтириш натижасида олинади. Ривожланган давлатлардаги унумдорлик, ресурс харажатлари нормаси ва иш ҳақи ўзгариши тенденциялари 1.6 - расмда келтирилади.




**1.6-расм. Ишлаб чиқариш самарали ташкил этилган ҳолатда иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси:** *С – тариф ставкалари, қўшимча ва мукофотлар*

Унумдорликнинг ўсиши ишлаб чиқариш нормалари ва ресурс харажатлари камайиши натижасида рўй беради. Бундай ҳолатда меҳнат нормаларини бажариш коэффициентининг ўсиши кузатилмайди.

Ресурс харжатлари камайишини келтириб чиқарувчи асосий омил техник тараққиёт ҳисобланади. У корхоналарда доимий янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, ишлаб чиқариш техника ва технологияларини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш, уларнинг фаоллигини рағбатлантириш орқали таъминланади.

Самарадорликни оширишга катта улушни корхонадаги муҳандислар ва ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар қўшиши лозим, ижодий фаолликни ошириб бориш уларнинг касбий мажбурияти ҳисобланади.

Ходимлар ижодий фаолиятини мотивлаштиришнинг муҳим элементи иш ҳақи ҳисобланади, иш ҳақининг ошиши ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошгани ҳолда корхона ходимларининг даромади ўсишини таъминлайди. Иш ҳақи оши-

ши аввало иш берувчилар ва ишга кирувчилар ўртасида тузилган тариф келишувлари асосида рўй беради. Бундан ташқари, ресурс харажатлари нормаси камайтирилиши натижасида тўланадиган устама ва мукофотлар иш ҳақини оширишда муҳим роль ўйнайди.

1.6-расмда келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар динамикасига ривожланган мамлакатлардаги корхоналарда 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида қўлланиб келинган контроллинг ғоялари асосида эришилган. Контроллинг XIX аср охирларида АҚШда харажатларни норматив ҳисобга олишни ривожлантириш жараёнида вужудга келган. Ҳозирги вақтда контроллинг режалаштириш ташкил этиш ва назоратни ўз ичига олган ишлаб чиқаришни тартибга солиш усули ҳисобланади. Контроллинг турларидан бири ходимлар контроллингидир, у оператив, тактик ва стратегик даражаларда амалга оширилади.

Ходимларнинг оператив контроллинги иш ҳақи харажатларини тартибга солишга қаратилган. Тактик даражадаги контроллинг ходимлар қўнимсизлиги, ходимларни қисқа муддатли курсларда ўқитиш харажатлари ва ижтимоий тўловлар учун харажатларга қаратилган. Стратегик контроллинг ходимлар меҳнатини ташкил этиш структураси, ходимларни узоқ муддатли ўқитиш дастури, бошқарув услублари ва ташкилий маданиятдан иборат корхонани ривожлантириш салоҳиятининг бир қисмини тартибга солишга йўналтирилган.

Ходимлар контроллингининг барча даражаларида корхонадаги ходимлар сони, меҳнат жараёнларини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган таклифларнинг режалаштирилган ва ҳақиқий кўрсакичлари таҳлил қилинади. Корхонанинг ривожланиш мақсадига мос келувчи режалаштирилган кўрсаткичлари мазмунини асослаб бериш ходимлар контроллингининг фаол элементи бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлардаги етакчи корхоналарнинг бошқариш тизимларида марказий ўринни ходимларнинг ижодий қобилиятини фаоллаштириш эгаллайди. Бу, бошқарувнинг авторитар услубидан воз кечишни (X назария), меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақининг ихчам тизимларини жорий этишни, меҳнат мазмундорлигини оширишни, қарор қабул қилишда гуруҳли усуллардан фойдаланишни, ижтимоий низоларни камайтиришни, ишловчиларнинг мустақиллигини оширишни, фирмани умумий стратегияси доирасида ишлаб чиқариш бўлимларининг фаол ҳаракат қилишини билдиради.

Ривожланган мамлакатлардаги ходимларни бошқариш бўйича назариячи ва амалиётчилар ходимларнинг жинси, ёши, соғлиги, ирқи ва бошқа белгилари бўйича алоҳида гуруҳларга табақалаш билан боғлиқ бўлган бир қатор мураккаб муаммолар мавжуд деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар барча ходимларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга катта эътибор қартадилар.

Аҳоли турмуш даражаси ва саноат корхоналари самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни ўрганишда саноат корхоналарида иш ҳақи тўлаш ва истеъмол товарларининг нарх ўзгариши ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун аҳоли турмуш даражасини тартибга солиш бўйича ривожланган хорижий давлатларда олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат йўналишлари ўрганилди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпчилик мамлакатларда иш ҳақининг нархлар ўсишига қараганда илдам ўсиши ёки уларнинг ўсиш суръати бир-бирига мос келиши кузатилади. Даромадларнинг илдам суръатлар билан ўсиши бозорнинг бўшаб қолишига ва товар тақчиллиги вужудга келишига олиб келиши мумкин. Агар даромадларни илдам суръатлар билан ўстириш сиёсати қаттиқ бошқариладиган, аста-секин амалга ошириладиган ички бозорни ривожлантириш сиёсати билан биргаликда олиб борилса, товарлар тақчиллигининг пайдо бўлишига ва нархларнинг инфляцион ўсишига йўл қўйилмайди. Бунинг учун давлат тадбиркорларни аҳолининг кўпчилик қисми истеъмол қиладиган бирламчи эҳтиёжли истеъмол товарларининг нархларини юқори даражада оширишига йўл қўймайди, натижада товар тақчиллиги вужудга келишини олди олинади. Аксинча, аҳолининг юқори даромадли тоифалари сотиб оладиган қимматбаҳо товарларнинг нархи ошириб борилади ва аҳоли даромадлари тақсимланиши тартибга солинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик мамлакатларда сўнгги йилларда реал иш ҳақи ва реал даромадларни ўсишига фақат иш ҳақини нарх-навога қараганда илдамроқ ўстириш асосида эришилмоқда. Масалан, Францияда ўртача соатбай иш ҳақини нархларга қараганда илдам ўстириш энг кам иш ҳақини ўзгартиришнинг таркибий механизми сифатида киритилган. Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришда эришиладиган самаранинг ишчилар ва тадбиркорлар ўртасида тақсимланиши иш ҳақининг ўсиши билан истеъмол товарлари нархининг ўсиши ўртасидаги нисбат орқали тартибга солинади. Нархлар билан иш ҳақи баробар ўсганида самаранинг ҳаммаси тадбиркорларга ўтиб кетмайди,

иш ҳақини ошириб бориш натижасида олинадиган самаранинг бир қисми ишчиларга, қолган қисми тадбиркорларга тегади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ривожланган хорижий мамлакатларда саноат корхоналарининг самарадорлиги ошишига мос равишда аҳолининг турмуш даражасини ўстиришга эътибор қаратилмоқда. Саноат корхоналари самарадорлиги ошиши билан аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб боришини ўрганиш мақсадида саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даража-си ошишига таъсирини иқтисодий асослашга ва унинг услубий жиҳатларига эътибор қаратиш лозим.

# 2-БОБ

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ АСОСИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

## 2.1. Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини илмий-иқтисодий асослаш

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш, бир томондан, саноат корхоналари ривожланишига, бошқа томондан эса аҳолининг турмуш шароити ўзгаришига боғлиқ жараёндир. Бу боғлиқлик 2.1-расмда ифодаланган.

**2.1- расм. Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражаси ошиши билан боғлиқлиги**

Бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги кунда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга жавоб берадиган турмуш даражаси кўрсаткичларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Мазкур кўрсакичларни ўрганишда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган “турмуш сифати” тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофик.

Турмуш сифати инсонларнинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгилаб беради. Ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда ҳаёт фаолияти учун шароит яратилади. Турмуш сифати – жамият фаровонлиги даражасини намоён этувчи ва моҳиятига кўра унинг ўлчови ҳисобланувчи тушунчадир. Турмуш сифатини белгиловчи омиллар 2.2-расмда келтирилган.




**2.2-расм. Турмуш сифатини белгилаб берувчи омиллар**

Турмуш сифати билан бир қаторда меҳнат фаолияти сифати кўрсаткичи ҳам қўлланилади[30]. Турмуш сифати ишлаб чиқариш жараёнида ва ундан ташқарида эҳтиёжлар қондирилишидир. У меҳнат ва турмуш шароитлари, одамларнинг соғлиғи, таълим олиш имкониятлари, оиланинг фаровонлик даражаси, аҳолининг харид қобилияти ва бошқаларни ифодалайди. Меҳнат фаолияти сифати турмуш сифати кўрсаткичининг бир бўлагидир.

Бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида саноат соҳасида мулкчилик шакллари ўзгариши, оилавий бизнес ва касаначилик фаолиятининг ривожланиши билан меҳнат фаолияти ва турмуш сифати кўрсаткичлари бир-бирига қўшилиб кетмоқда. Яъни, саноат корхоналарига ишловчилар бориб ишлаб, оиласига даромад келтирган. Оилада эса топилган даромад истеъмол қилинган. Саноат соҳасида оилавий тадбиркорлик, касаначилик ривожланиши билан саноат корхоналаридаги меҳнат жараёнлари хонадонларга кўчмоқда. Бу аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилидир (2.3-расм).

---

[30] Абдурахманов К. Х., Шарифуллина Т. А. Экономика и социология труда. М., 2002. С. 246.




**2.3-расм. Саноат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражаси ўзгариши омиллари**

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарининг мулкчилик шакллари ўзгариши, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва ҳар бир киши ўзи учун турмуш шароити манбаларини ўзи яратиши кабилар пайдо бўлаётганини аҳоли турмуш даражасини ўрганишда инобатга олиниши зарур. Тадбиркорлик ҳаётнинг объектив заруратига айланди ва бу ижтимоий турмуш даражасини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолди. Бошқача айтганда, тадбиркорлик омилларидан унумли фойдаланаётганлар ҳозирги кунда яхши турмуш кечиришмоқда. Албатта, буни англаш, тадбиркорлик қилиш учун билим, тушунчалар ва моддий таъминланганлик юқори бўлиши лозим. Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади...

Шу нуқтаи назардан қараганда, бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият аъзоларининг ўз салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун уларга биринчи галда тенг имконият ва эркинлик

муҳитини, ҳам қонуний, ҳам амалий шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Оддий қилиб айтганда, куч-ғайрат билан бирга, билим ва тажрибаси, ақл-идроки, касб малакаси етарли бўлган, қонунларни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва мажбуриятларини яхши билган одамгина тадбиркорлик ёки фермерлик билан шуғулланиши, ўз хусусий ишини оқилона ва самарали ташкил этиши мумкин”[31].

Саноат соҳасида оилавий тадбиркорлик ривожланиши саноатдаги меҳнат жараёнларининг мазмуни ўзгаришига олиб келади. Саноат соҳасидаги оилавий тадбиркорликда иш вақти аниқ белгилаб берилмайди, оила аъзолари куннинг исталган вақтида ишлаши ёки дам олиши мумкин. Оилавий бизнесда меҳнат ресурсларининг чегарасини ёки оиладаги ишловчилар ёшини белгилаб бўлмайди. Саноат соҳасида оилавий бизнес ривожланиши билан иш ҳақининг мазмуни ҳам ўзгаради. Оилавий бизнесда фаолият юритувчилар ойлик маош олмасдан, оиланинг умумий даромадидан фойдаланади. Шунингдек, оилавий бизнес саноатни ривожлантириш учун аҳолининг пул маблағларини жалб этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражасини оширишга бугунги кун талаблари асосида ёндашишда унинг асосий йўналишларидан яна бири аҳолининг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш енгил саноат тармоғи мисолида “Енгил саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ айланма ҳаракати модели” орқали ўрганилди. Бу 2.4-расмда ифодаланган.

Моделдаги рақамлар қуйидагиларни ифодалайди: 1. Меҳнат, ишчи кучи. 2. Тадбиркорлик қобилияти. 3. Капитал (қимматли қоғозлар сотиб олиш, устав фондини шакллантириш). 4. Ахборот. 5. Моддий ресурслар (хом ашё ва материаллар). 6. Иш ҳақи. 7. Дивиденд. 8. Фойда. 9. Тайёр маҳсулот. 10. Товарлар. 11. Инвестициялар. 12.Солиқлар. 13. Жамғарма учун қўйилмалар. 14. Кредитлар. 15. Фоиз кўринишида олинадиган даромадлар. 16. Трансферт тўловлари. 17. Субсидиялар.

Модель Бухоро вилоятида саноатни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан ва аҳолининг саноат корхоналарига кириши лозим бўлган барча ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганини ифодалайди.

Моделни тузишда вилоятдаги енгил саноат корхоналарини шарт-

[31] И с л о м К а р и м о в. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 67–68-бетлар.

ли равишда уч гуруҳга: кичик хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари ва қўшма корхоналарга ажратдик.

Мазкур модель асосида Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари ундаги "тор жой"ларни кўрсатиб берди.




**2.4-расм. Енгил саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ айланма ҳаракати модели**

Бизнинг фикримизча, моделдаги "тор жой"лар қуйидагилар:

– вилоятдаги енгил саноат корхоналарида ишлайдиган аҳоли тадбиркорлик қобилиятини ишлаб чиқариш корхоналарига тўлиқ жорий этмаяпти;

– саноат корхоналарида банд аҳоли корхоналар фаолиятини юритиш учун зарур бўлган капитал маблағларни киритиши, қимматли қоғозларни сотиб олиши, корхоналарнинг устав фондларини шакллантиришда иштирок этиши юқори даражада эмас;

– ишловчилар саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараён-

ларига янги ахборотлар, янги билимлар, ноу-хаулар ва инновацияларни киритмаяпти;

– енгил саноат соҳасида ишловчи аҳоли ўзида мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланмаётганлиги сабабли енгил саноат соҳасининг катта миқдордаги моддий ресурси, яъни пахта хомашёси ташқи бозорларга чиқиб кетмоқда;

– енгил саноат корхоналари ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулот чиқара олмаяпти, шунингдек, ички бозорни сифатли тайёр маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлай олмаяпти, натижада ички бозорга ташқи бозорлардан катта миқдорда тайёр енгил саноат маҳсулотлари кириб келмоқда;

– саноат корхоналарида ишлайдиган аҳоли ўзида мавжуд ички ресурсларни корхоналарга тўлиқ киритмаганлиги учун аҳолининг енгил саноат корхоналаридан оладиган даромади ҳам юқори даражада эмас;

– аҳолини енгил саноат маҳсулотларини сотиб олиш учун сарфлайдиган харажатларининг катта қисми ташқи бозорларга чиқиб кетмоқда.

“Енгил саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ айлама ҳаракати” моделидаги “тор жой”ларни бартараф этиш орқали енгил саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мумкин.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш учун саноат корхоналарида ишовчи ҳар бир киши ўзида мавжуд тадбиркорлик қобилиятини корхоналарда қўллай олиши зарур. Бухоро вилоятидаги тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар фақат буюртмалар олиб, шу буюртмани бажаришга эътибор қаратмоқда. Бозорни эгаллаш, бозорга таъсир этиш каби жиҳатлар назардан четда қолмоқда. Бу, тадбиркорлик қобилиятини тўлиқ намоён эта олмаслик натижасидир.

Тадбиркорлик қобилияти қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

1. Стратегик қобилият (стратегияни яратиш, стратегия билан ишлай олиш, стратегияни қўллаш ва ҳоказо).

2. Маркетингли фаолият қобилияти (бозордаги талабни ўрганиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва шароитни бозорга мослаштириш).

3. Инновацион қобилият (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар моделларини яратишда, турли ранглар ва расмларни, шаклларни қўллашда, саноат маҳсулотининг ҳар бир элементини яратишда бозорда истеъмолчиларнинг ҳаракатлари ўрганилиб, кейин маҳсулот ишлаб чиқарилиши керак).

4. Информацион қобилият ёки Е қобилият (информацион технологиялар муҳимлигини ва улардан қандай фойдаланишни билиш қобилияти. Саноат ходимлари компьютер технологияларидан фақат оддий оператор сифатида фойдаланиши эмас, маҳсулот савдосини назорат қилиши, истеъмолчиларнинг маҳсулотларга муносабатини ахборот технологиялари ёрдамида аниқлаши лозим).

5. Брендинг кўникмалари қобилияти (бренд – маҳсулотларнинг маълум бир обрўга ёки нуфузга эга бўлиши, унинг истеъмолчилар олдидаги мавқеидир. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларни амалга оширишда, турли янгиликларни жорий этишда маҳсулотларнинг ўзига хос обрўси сақланиб қолиши, истеъмолчилар олдидаги мавқеи тушиб кетмаслиги, балки уларни ошириб боришга ҳаракат қилиш керак).

6. Халқаро алоқалар қобилияти (ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот турларини чиқарувчи дунёдаги машҳур компанияларни, маҳсулот турлари бўйича дунёга машҳур брендларни билиш, бу бўйича дунёдаги йирик инвесторлар, уларнинг қандай кучли томонлари борлигини билиш).

Масалан, енгил саноат соҳасидаги тадбиркорликни ўргатувчи Ўзбекистонда машҳур бўлган “Машҳура” фирмаси фақат маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини ўргатмоқда. Лекин, юқоридаги каби тадбиркорлик қобилиятидан самарали фойдаланиш масаласига эътибор қаратмаяпти.

Аҳолини ишлаб чиқариш омиллари бозорига, саноат корхоналарини ривожлантиришга йўналтириладиган ресурслардан яна бири – бу капиталдир. Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари аҳоли маблағларини юқори даражада жалб қила олмаяпти, қолаверса тадбиркорлар ўз маблағларини саноат ишлаб чиқариш технологияларини келтиришга сарфламаяпти. Бунинг сабаби қимматбаҳо қоғозлар бозорида фонд биржаларининг самарали фаолият кўрсатмаётганлигидир.

Умуман, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини саноат корхоналарини ривожлантиришга жалб этиш, уларга киритган капитали учун кафолатланган фоизларда даромадлар олишини таъминлаш тизими ўрнатилиши лозим. Хуфёна иқтисодиётни ўрганишга эътибор берилаётган ҳозирги пайтда аҳоли қўлидаги бўш маблағлар яширин жамғарилмай, улар саноат корхоналарига жалб этилиб, аҳоли қўшимча даромад олишини таъминлаши керак.

Саноат корхоналарига аҳоли томонидан киритиладиган ресурслардан бири – ахборотдир. Саноат корхоналарида ишловчи ходимлар ўзлари билан янги ахборотлар, янгиликлар, янги услубларни

ишлаб чиқаришга олиб кириши корхоналар муваффақиятининг гарови ҳисобланади. Саноат корхоналари яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган янгиликларни, инновациялар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун етказилган ахборотларни рағбатлантириш тизимини жорий этиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, аҳолини маҳсулотлар истеъмолига бўлган талаби тўғрисидаги ахборотларга эга бўлиш ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Ахборот ҳозирги кунда бизнес соҳаси учун энг муҳим ресурсдир. Саноат корхоналарида самарали ахборотни жорий этиш муваффақиятли фаолият асосини ташкил этади.

Бухоро вилоятидаги кўплаб саноат корхоналари ташқи бозорларга маҳсулот чиқара олмаслиги ва ички бозорларни ҳам сифатли маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлай олмаслигининг сабаби юқоридаги каби аҳолининг ички омилларидан тўлиқ фойдаланмаётгани ҳисобланади. Шунингдек, кўплаб йирик ҳиссадорлик жамиятларидаги технологик жиҳозлар ва жараёнлар такомиллашмаган ва замон талабларига жавоб бермайди. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун брендларнинг қўлланмаслиги ҳам маҳсулотларнинг ташқи бозорларда сотилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида машҳур фирмаларнинг брендини сотиб олиш ёки корхоналар жаҳон талабларига мос ўз брендларини яратиши зарур. Масалан, Бухоро вилоятидаги енгил саноат корхоналари Бухоронинг Шарқ мамлакатлари орасида ўзига хос обрўсини инобатга олиб, унинг номи билан боғлиқ енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, Шарқ мамлакатларига сотишни йўлга қўйиши ёки Абу Али ибн Синонинг жаҳон тиббиётидаги обрўсини инобатга олиб, тиббиёт ва шифохоналар билан боғлиқ сифатли енгил саноат маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда маҳсулотларни сотишда брендлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, енгил саноат корхоналари унга жиддий эътибор қаратишлари талаб этилади.

Саноат корхоналари самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич фойда ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб саноат корхоналарида фойданинг шаклланиш функциясини куйидагича ифодалаш мумкин[32]:

$$P_i = p_{kt} + p_n + p_{hr} + p_{mn} + p_{mr} + p_{str} + p_{br} \quad (2.1)$$

Бу ерда:

$P_i$ – саноат корхоналарининг фойдаси;

[32] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$p_{kt}$ – капитал технологияларни қўллашдан олинган фойда;
$p_n$ – хомашёни қўллашдан олинган фойда;
$p_{hr}$ – инсон ресурсларини қўллашдан олинган фойда;
$p_{mn}$ – менежментни қўллашдан олинган фойда;
$p_{mr}$ – маркетингни қўллашдан олинган фойда;
$p_{str}$ – стратегияни қўллашдан олинган фойда;
$p_{br}$ – брендларни қўллашдан олинган фойда.

Саноат корхоналарида фойда мазкур формулада кўрсатилган омиллар натижасида вужудга келади ва улар умумий фойда шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бу формулани олдин ишлатиб келинган фойдани ҳисоблаш формулаларидан фарқли томони шундаки, унда фойдани кўплаб ташкил этувчилари инобатга олинган ва бу замонавий иқтисодиёт шароитида фойда шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг умумий фойда таркибидаги улушини ифодалайди.

Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсири аҳолининг саноат корхоналаридан оладиган даромадлари орқали аниқланади. Буни иқтисодий асослаш учун саноат корхоналарига аҳоли томонидан ишлаб чиқариш омиллари киритилишининг корхоналар даромадлари ўзгаришига таъсири ўрганилади. Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли даромадлари ўзгариши функцияси қуйидаги кўринишда бўлишини таклиф этамиз:

$$R_I = f(L_I Inv_I, Innov_I, Mr_I, Mg_I, Q_{IP}, Inf_I) - f(VI_{IP}, QI_{IP}, MPC_{IP}, InfI_{IP}) \quad (2.2)$$

Бу ерда:
$R_I$ – саноат корхоналарининг даромади;
$L_I$ – саноат тармоқларидаги меҳнат ресурслари;
$Inv_I$ – саноат корхоналарига капитал, яъни инвестициялар;
$Innov_I$ – саноат корхоналарига инновацияларни қўллашдан олинадиган даромад;
$Mr_I$ – саноат корхоналарига маркетингни қўллашдан олинадиган даромад;
$Mg_I$ – саноат корхоналарига менежментни қўллашдан олинадиган даромад;
$Q_{IP}$ – саноат маҳсулотлари сифати;
$Inf_I$ – ахборот ресурсларини қўллашдан олинадиган даромад;

$VI_{IP}$ – импорт саноат маҳсулотлари ҳажми;

$QI_{IP}$ – импорт саноат маҳсулотлари сифати;

$MPC_{IP}$ – импорт саноат маҳсулотлари истеъмолига чекланган мойиллик;

$Infl_{IP}$ – импорт саноат маҳсулотлари ҳақидаги ахборотлар.

Юқоридаги формула умумий кўринишда икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш омилларини қўллаб маҳсулотлар таклиф этиш функциясини билдирса, иккинчи қисми ташқи бозорлардан келадиган маҳсулотларнинг омиллари функциясини билдириб, импорт саноат маҳсулотларига талабни ифодалайди.

Аҳолининг импорт ва маҳаллий саноат маҳсулотлари истеъмолига муносабатини кўриб ўтамиз. Аҳоли даромадларининг маълум қисми саноат маҳсулотлари истеъмолига сарфланади. Даромадни саноат маҳсулотлари истеъмолига сарфланиши қуйидагича ифодаланади:

$$DI_{IP} = C_{NIP} + C_{IIP} \qquad (2.3)$$

Бу ерда:

$DI_{IP}$ – саноат маҳсулотлари истеъмолига сарфланадиган даромад;

$C_{NIP}$ – маҳаллий саноат маҳсулотлари истеъмоли;

$C_{IIP}$ – импорт саноат маҳсулотлари истеъмоли.

Аҳолининг саноат маҳсулотлари истеъмолига сарфлайдиган даромади маҳаллий ва импорт саноат маҳсулотлари истеъмоли йиғиндисидан иборат.

Аҳолининг даромадлари ўзгариши билан маҳаллий ёки импорт саноат маҳсулотлари истеъмоли ўзгаришини кўриб ўтамиз:

$$MPC_{NIP} = \frac{\Delta C_{NIP}}{\Delta DI_{IP}} \qquad (2.4)$$

Бу ерда:

$MPC_{NIP}$ – маҳаллий саноат маҳсулотлари истеъмолига чекланган мойиллик;

$\Delta C_{NIP}$ – маҳаллий саноат маҳсулотларининг истеъмоли ўзгариши;

$\Delta DI_{IP}$ – саноат маҳсулотлари сотиб олишга даромаднинг ўзгариши.

$$MPC_{IIP} = \frac{\Delta C_{IIP}}{\Delta DI_{IP}} \qquad (2.5)$$

Бу ерда:

$MPC_{IIP}$ – импорт маҳсулотлари истеъмолига чекланган мойиллик;

$\Delta C_{IIP}$ – импорт маҳсулотлари истеъмолининг ўзгариши.

Булардан аҳолининг саноат маҳсулотлари истеъмоли тенгламасини келтириб чиқариш мумкин:

$$C_{IP} = V_{NIP} \times MPC_{NIP} + V_{IIP} \times MPC_{IIP} \qquad (2.6)$$

Бу ерда:

$V_{NIP}$ – маҳаллий саноат маҳсулотлари ҳажми;

$V_{IIP}$ – импорт саноат маҳсулотлари ҳажми.

Аҳоли орасида сўровнома ўтказиб, импорт ва маҳаллий саноат маҳсулотлари истеъмолига мойилликлари сўралганда, импорт маҳсулотлар истеъмолига мойиллик 0,39 га ва маҳаллий маҳсулотлар истеъмолига мойиллик 0,61 га тенглиги аниқланди. Демак, маҳаллий саноат маҳсулотларига талаб юқори.

Илгари айтилганидек, саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини корхоналардаги унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик орқали кўриш мумкин. Саноат корхоналаридаги унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади. Саноат корхоналарида маҳсулотнинг қиймат кўриниши ёки нарх маҳсулот таннархи ва фойдани йиғиндисидан иборат. Маҳсулот таннархи таркибига хомашё ва материал харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, иш ҳақи ва бошқа харажатлар киради. Фойда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, захира фонди, моддий рағбатлантириш фонди ва дивидендларга тақсимланади. Бу 2.5- расмда келтирилган.

Саноат корхоналаридаги унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликни услубий жиҳатдан асослашда қуйидаги формулалардан фойдаланилди.

Саноат корхоналарининг самарадорлиги (R) аниқланди:

$$R = \frac{P}{Q} \qquad (2.7)$$

Бу ерда:

P – фойда;

Q – маҳсулот ҳажми.

Саноаткор хоналаридаги меҳнат унумдорлиги ($E_L$) аниқланди:

$$E_L = \frac{Q}{L} \qquad (2.8)$$

Бу ерда:

L – ишловчилар сони.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўзгариши коэффициенти ($К_{стд}$) қуйидагича ифодаланди:

$$K_{СТД} = \frac{E_L}{W} \qquad (2.9)$$

Бу ерда:

$W$ – иш ҳақи.




**2.5-расм. Саноат корхоналари самарадорлиги ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги боғлиқлик**

Бу формулалар саноат корхоналарида унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб беради. Юқорида келтирилган барча моделлар, расм, график ва формулалар орқали саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсири иқтисодий асослаб берилди.

Аҳолининг турмуш даражаси ўсишига саноат корхоналари самарадорлиги ошишининг таъсирини иқтисодий асослаш билан бир қаторда, аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни ва аҳоли даромадларини ҳисоблаш методикасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

## 2.2. Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ва даромадларни ҳисоблаш методикаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланиб бориши билан аҳолининг даромад олиш имкониятлари ошиб, аҳоли даромадларининг таркиби ўзгариб бормоқда. Мамлакат Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишига боғликдир...

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир”[33].

Аҳоли турмуш даражасини баҳолашнинг олдига қуйидаги масалалар қўйилади:

– аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари, моддий-маданий ва маънавий эҳтиёжларининг таркиби, тузилмаси, уларни тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш;

– аҳолининг даромади ва истеъмолидаги фарқларни ўрганиш, бу тафовутларни кискартишдаги ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини аниқлаш;

– турли тармоқларда ишловчи аҳоли қатламларининг турмуш даражасини қиёсий ўрганиш;

– шаҳар билан қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини таққослаб ўрганиш;

---

[33] Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

– минтақалар миқиёсида аҳоли турмуш даражасини қиёсий ўрганиш;

– республика аҳолиси турмуш даражаси билан халқаро таққослашларни амалга ошириш ва ҳоказо.

Турмуш даражаси инсон (аҳоли) ҳаёти ва фаолияти ҳақида тасаввур берувчи кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Турмуш даражасини одамларнинг иқтисодий ва моддий шароитлари ҳамда имкониятлари ҳисобига эришиладиган, истеъмол орқали амалга ошириладиган, энг аввало, даромадлар даражаси ва турмуш қийматининг ўзаро нисбати билан белгиланувчи моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида қабул қилиш керак.

Турмуш даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аҳолининг даромадларини ва унинг эҳтиёжларини, истеъмол даражаси ва таркибини, уй-жой, мулк, маданий-маиший буюмлар билан таъминланиш ва бошқа кўплаб жиҳатларни уйғун бирликда ўрганиш зарур.

Турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар турли-туман бўлиб, у турмуш даражаси концепцияси билан узвий боғлиқ. Турмуш даражасини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

– даражага оид кўрсаткичлар ( мутлақ қийматлар);

– таркибий кўрсаткичлар (даражага оид кўрсаткичларнинг таркибий қисми) динамик (даражага оид кўрсаткичлар ўзгаришини тавсифлайдиган, нисбий) кўрсаткичлар сифатида ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Нисбий турмуш даражаси қуйидаги тўртта жиҳат бўйича аниқланади:

1) аввалги йиллардаги турмуш даражаси билан таққослаш;

2) бир минтақадаги турмуш даражасини бошқа минтақалардаги (мамлакатлардаги) турмуш даражаси билан таққослаш;

3) бир тармоқда ишловчилар турмуш даражасини бошқа тармоқларда ишловчи аҳоли турмуш даражаси билан таққослаш;

4) амалдаги турмуш даражасини кишиларнинг минимал ва оқилона талабларини ифодаловчи эҳтиёжларнинг қондирилиши билан таққослаш.

Турмуш даражаси даромадлар даражасининг истеъмол ва ҳаётий неъматлар билан таъминланиш хусусиятлари билан биргаликда турмуш қийматига нисбати бўлиб, бу хусусиятлар ушбу нисбат билан белгиланади.

Турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳар хил бўлиб,

улар турмуш даражаси концепцияси билан чамбарчас боғликдир. Баъзи энг муҳим кўрсаткичлар 2.1 - жадвалда келтирилган.

*2.1-жадвал*

**Аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари**

| № | Ҳажмий (мутлақ) | Нисбий (ўртача) |
|---|---|---|
| 1 | Миллий даромад ҳажми | Истеъмол жамғармасининг миллий даромаддаги улуши |
| 2 | Аҳолининг жами даромадлари | Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар |
| 3 | Иш ҳақи жамғармаси | Ўртача ва энг кам иш ҳақи |
| 4 | Тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар | Тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ўртача даромад |
| 5 | Пенсия жамғармасининг умумий ҳажми | Ўртача ва энг кам пенсия миқдори |
| 6 | Товар айланиш ҳажми | Аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар айланиши |
| 7 | Бажарилган хизматлар ҳажми | Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми |
| 8 | Уй-жой фондининг катталиги | Бир кишининг уй-жой билан таъминланганлиги (кв.м. хона) |
| 9 | Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳоли сони | Иқтисодий фаол аҳоли таркибида ишсизларнинг улуши |
| 10 | Аҳолининг табиий ўсиши | Умр давомийлиги |

Турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар хилма-хил. Аввало, аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар умумий ва хусусий кўрсаткичларга бўлинади. Умумий ва хусусий кўрсаткичлар ўз навбатида таркибий кўрсаткичларга бўлинади. Умумий кўрсаткичларга қуйидагиларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорлари киради:

– миллий даромад;

– истеъмол фонди (бевосита истеъмолчилар мақсадларига сарфланувчи иқтисодиёт тармоқлари маҳсулотлари);

– миллий бойлик таркибида истеъмол фондининг улуши (тўпланган истеъмолчилар мулки – уй-жой, маданий-маиший бинолар, маданий-маиший, хўжалик предметлари).

Хусусий кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

– истеъмол даражаси ва усуллари;

– меҳнат шароитлари;

– уй-жой билан таъминланганлик;

– ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш даражаси;

– болаларни тарбиялаш шароитлари;

– ижтимоий таъминот.

Ушбу кўрсаткичлар жамият ривожланиши билан боғлиқ, лекин катта батафсилликка эга бўлиб, аҳоли (ходимлар) нинг муайян гуруҳлари ва ҳудудлар бўйича аниқлаштирилади.

Иқтисодий кўрсаткичлар жамият ва инсон ҳаёти ҳамда фаолиятининг иқтисодий томонини, эҳтиёжларни қондириш иқтисодий имкониятларини тавсифлайди. Уларга жамият иқтисодий ривожланишининг даражасини ҳамда ҳар бир инсон бойлигини (номинал ва реал даромадлар, бандлик) тавсифловчи кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар ишчи кучининг (аҳолининг) иқтисодий асосини тавсифлаб, уларни такрор ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқ, бу аҳоли даромадлари ўлчами ва даражаланишида, айниқса яққол намоён бўлади.

Ижтимоий-демографик кўрсаткичлар аҳолининг жинси ва ёши, касб-малакавий таркибини, ишчи кучининг жисмоний такрор барпо бўлишини тавсифлайди. Улар ижтимоий кўрсаткичларда ўз аксини топади, ижтимоий соҳа ва умуман иқтисодиётнинг ривожланиши билан узвий боғликдир. Бу омиллар омманинг табиий асоси ҳақида тасаввур беради ва аҳолининг, унинг алоҳида гуруҳлари сонининг ўзгаришида ҳамда умр давомийлигида яққол кўринади.

Объектив ва субъектив кўрсаткичлар инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ўзгаришларнинг асосланиши билан боғлиқ: биринчиси – объектив (иқтисодий, техник) асосга, иккинчиси – алоҳида шахслар ва аҳоли гуруҳларининг субъектив фикрига, меҳнат, оилавий муносабатлар, даромадлар, турмуш тарзидан қониқишининг субъектив баҳосига эга. Субъектив баҳо турмуш сифати концепциясида ҳисобга олинади.

Қиймат ва натурал кўрсаткичлар. Қиймат кўрсаткичларига даромадларнинг барча кўрсаткичлари ва пул шаклидаги бошқа кўрсаткичлар (товар айланиши, хизматлар, юк ташиш ҳажми, пул қўйилмалари ва жамғармалар) киради. Натурал кўрсаткичлар аниқ моддий бойликлар ва хизматларни истеъмол қилишнинг натурал кўрсаткичлардаги (кг, дона, кв.м, куб) миқдорини – озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, уй-жой, маданий-маиший товарлар билан таъминланишни тавсифлайди.

Миқдор ва сифат кўрсаткичлари. Миқдор кўрсаткичлар аҳоли фаровонлигининг сифат жиҳатини таърифлаб беришга имкон беради. Булар – бойликлар, хизматлар, озиқ-овқатнинг истеъмол таркиби, таълим, малака, узоқ муддатга фойдаланиш учун мўлжалланган ижтимоий-маиший предметлар билан таъминланиш даражасидир.

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг яхши тузилган тизими ижтимоий сиёсатни самарали ишлаб чиқишда, кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатишда, асосланган қарорларни қабул қилишда, тармоқлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашда, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолашда, давлат ва ҳудудий ижтимоий дастурлар амалга оширилишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли ёки унинг алоҳида қатламлари турмуш даражасини турли кўрсаткичлар тизими ёрдамида ўрганиш мумкин (2.6-расм).




2.6-расм. Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари

Бу тизимга, биринчидан, аҳоли турмуш даражасига умумий тавсиф берувчи қиймат кўрсаткичлари, иккинчидан, моддий неъматлар ва хизматлар истеъмолининг ҳажмини натурал ифодаларда кўрсатиб берувчи натурал кўрсаткичлар, учинчидан, бир яшовчи ёки ишчига тўғри келувчи, қиймат ва натурал кўринишларда ифодаланувчи аҳоли жон бошига ёки бир оилага ҳисобланувчи ўртача кўрсаткичлар киритилади. Юқорида кўрсатилган натурал ва қиймат бирликларида ифодаланган кўрсаткичлар мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар (фоизларда ифодаланади) бўйича ҳам ифодаланади.

Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ривожланишида муҳим ўринни ягона шахсдан оила, уй хўжалигига ўтиш эгаллади. Бу миллий ҳисоблар тизими услубиётининг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, илк бор макроиқтисодий тузилмада аҳоли тўлақонли субъект сифатида ўз ўрнини топди. Аҳоли турмуш даражаси, даромадлари, имконияти, истеъмол ва эҳтиёжларнинг қондирилиши даражасини объектив талқин этиш муаммоси долзарб саналди. Бу муаммо назарий ва услубий жиҳатдан ҳали яхши ўрганилмаган.

Жаҳон иқтисодчилари томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама аниқ тавсифловчи кўрсаткичлар услубиётини, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлашга кўп ҳаракат қилинган. Ривожланган давлатларда аҳоли турмуш даражасини баҳолаш аҳоли даромадлари, озиқ-овқат истеъмоли, уй-жой шарт-шароитларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, саноат маҳсулотлари турини кенгайтириш, бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти даражасига боғлиқ. Мазкур масалани ҳал этишда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар самарадорлигини ошириш зарур.

Аҳоли даромадлари таркибида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар аҳоли даромадларини ҳисоблашни такомиллаштиришни ва унинг халқаро андозаларга мос методикасини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оилаларнинг даромад ва харажатларини статистик ўрганиш уй хўжалиги бюджетларини статистик текшириш асосида ҳар бир ойда мунтазам равишда оилаларни (турли касбдаги) танлаб олиш асосида амалга оширилган.

Ҳозирги кунда иқтисодчилар томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама аниқ тавсифловчи кўрсаткичлар услубиётини, умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизимини яратиш бўйича ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 22 мартдаги 3/5-сонли қарорига биноан аҳоли умумий даромадларини

ҳисоблашнинг янги методикаси ишлаб чиқилди. Ушбу методика аҳоли турмуш сифатини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва баҳолаш асосларини, шунингдек, аҳоли даромадларининг даражаси,таркиби ва шаклланишидаги алоҳида манбаларнинг аҳамиятини белгилайди.

Ушбу методика Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)-93 нинг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган. Методика давлат статистика органлари томонидан аҳоли умумий даромадлари ҳажмини йиллик ва чораклик асосда республика ва ҳудудлар даражасида ҳисоблашда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ушбу методиканинг умумий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Даромад – уй хўжаликлари ихтиёрида мавжуд бўлган, товар ва хизматлар харид қилишга қодирлигини белгиловчи иқтисодий ресурслар мажмуини ифодаловчи уй хўжаликларининг иқтисодий фаровонлиги аҳоли турмуш сифатининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу ресурсларга жорий ва капитал тушумлар, шунингдек, асосий фондлар ва қарзга оид бўлган мажбуриятлар баланси киради.

Иқтисодий фаровонлик даражасининг таҳлили уй хўжаликларининг иқтисодий ресурсларга эгалик қилиш даражасини, уларни истеъмол қилишга ёки жамғаришга, шунингдек, улардан бирини танлашга қодирлигини аниқлашга имкон беради.

Уй хўжаликларининг истеъмол қилишга қодирлигини аниқлаш мезони сифатида фойдаланиладиган муҳим индикатор бўлиб умумий даромадлар (жорий тушумлар) ҳисобланади, чунки улар истеъмол қилиш ёки жамғариш имкониятини оширишни кўпроқ таъминлайди.

Аҳолининг умумий даромадига пул даромадлари ва натурал даромадлар киради ҳамда доимий асосда такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади.

Ушбу тарифга мувофиқ равишда тушумлар “даромад” ҳисобланиши учун қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

– кутилаётган бўлиши ва мунтазам равишда келиб тушиши керак;

– уй хўжалигининг жорий иқтисодий фаровонлик даражасига мос бўлиши керак;

– уй хўжалиги капиталининг камайиши ҳисобига келиб тушадиган тушум бўлмаслиги керак (масалан: уйни, акцияларни ва шунга ўхшашларни сотиш).

Лотореядаги ютуқлар, ўйинлардан олинган совринлар, суғурта талаблари бўйича мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун тўловлар, олинган мерослар, пенсияга (истеъфога) чиқишда бир марта тўланадиган суммалар, ҳаёт суғуртаси бўйича (умрининг охиригача давом этадиган суғурта рентасидан ташқари) суғурта тўловлари, кутилмаган (кўзда тутилмаган) фойдалар, қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги ёки етказилган зарарни қоплаш тўғрисида қилинган даъволар бўйича тўловлар (йўқотилган фойдани қоплашга қилинган тўловлардан ташқари) ва қарзни қайтариш эвазига олинган суммалар умумий даромадларга қўшилмайди ва капитал тушумларга тааллуқли бўлади (чунки кутилмаган, номунтазам ва уй хўжалиги учун жуда кам такрорланадиган ҳолат ҳисобланади).

Халқаро статистика амалиётига мувофиқ равишда қисмларга ажратиш мақсадида умумий даромад, қоидага кўра "бирламчи даромад" ва "трансфертлардан олинган даромадлар"га бўлинади. Бу, ўз навбатида бандлик ҳолати ёки ижтимоий таъминот тизимига боғлиқ ҳолда институционал ўзгаришларнинг таъсирини кузатиш имконини беради.

Аҳолининг бирламчи даромадлари "ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар" ва "мол-мулкдан олинган даромадлар " га бўлинади.

Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларни ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

Ёлланма ишчиларнинг даромади – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ва тузилган меҳнат шарт-

номаси ёки ҳусусиятига кўра иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳисобланган фуқаролик-ҳуқуқий асослардаги шартномалар бўйича иш бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланган жами иш ҳақи киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга ходимларга ҳисобланган иш ҳақи, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган барча тўловлар, компенсация тўловлари ва ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш киради.

Ушбу методикада ёлланма ишчилар даромадларига, шунингдек: юридик шахс томонидан жисмоний шахсларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида товарлар, ишлар, хизматлар (мактабгача болалар муассасасида тарбияланиши учун, коммунал хизматлар, транспортда юриш бўйича имтиёзлар ва шунга ўхшашлар) учун тўловлар, меҳнат муносабатларини тугаши ёки ишдан бўшаш бўйича нафақалар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда иш берувчи томонидан ўз қўл остида ёлланиб ишлаётганларга тўланган бошқа тўловлар киради.

Мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад бўлиб ҳисобланади. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ҳисоблаш учун асос бўлиб МҲТнинг “аралаш даромад” тушунчаси ҳисобланади. Аралаш даромад юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорларнинг маҳсулотлар хомашёсини сотиб олишга, асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатишга, транспорт воситаларига, коммунал хизматларга тўловлар ва шунга ўхшашларга қилинган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда ялпи маҳсулотнинг қийматидан таркиб топади.

Шунингдек, аралаш даромадга айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан олинган даромадлар ҳамда харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда уй хўжалиги томонидан шахсий истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товарларнинг баҳоланган қиймати киради.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар ҳажмини ҳисоблаш уй хўжаликлари кузатуви асосида, шунингдек, қуйидаги чораклик статистик баҳолашлар орқали амалга оширилади:

а) жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилган (қайта ишланган) ҳамда бозорда сотилган ёки шахсий истеъмол учун сарфланган саноат маҳсулотлари ҳажми;

б) сотиш ҳамда шахсий истеъмол мақсадларида деҳқон хўжаликларида етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми;

в) жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар (транспорт, савдо ва шунга ўхшаш) ҳажми;

г) жисмоний шахслар томонидан (яъни, пудратчи сифатида юридик шахсларни жалб қилмаган ҳолда) якка тартибда уй-жой ва нотураржой қурилиши ҳажми.

Солиқларни тўлагандан сўнг хусусий корхона эгаси ва фермер хўжалиги раҳбари ихтиёрида қолган фойда, ноишлаб чиқариш активларини ижарага беришдан олинган даромадлар ва бошқа мулкий даромадларни қўшган ҳолда тадбиркорлар ва бошқа жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари аралаш даромадлар ҳажмига қўшилмайди.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган тураржой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

Халқаро тавсияларга мувофиқ равишда уй хўжалиги аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган маиший хизматлар (овқат тайёрлаш, уйни тозалаш, болаларни парваришлаш ва бошқалар) мазкур турдаги даромадлар таркибига киритилмайди, чунки улар келгусида ташқи бозорда сотиш мақсадида жамғарилиш ва сақланиш хусусиятига эга эмас.

Мол-мулкдан олинган даромадларни ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкий даромадлар) деганда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

Мол-мулкдан олинган даромадларга фоизлар, дивидендлар, ишлаб чиқарилмаган активлардан фойдаланиш учун рента тўловлари, шунингдек, интеллектуал мулкдан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи кўринишидаги тушумлар киради.

Фоизлар – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонатлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлар.

Дивидендлар – сармоядор (жисмоний шахс)нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъи назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

Муаллифлик ҳақи – яратилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

Рента – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлар.

Шунингдек, мол-мулкдан олинган даромадларга юридик шахснинг тадбиркор (хусусий корхонанинг мулкий эгаси ёки фермер хўжалигининг раҳбари) ихтиёрига (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг) ўтказилган фойдаси ҳам киради.

Кичик корхоналарда, микрофирмаларда ва фермер хўжаликларида ёлланиб ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, мустақил равишда банд бўлган шахсларнинг даромадлари, уй хўжаликлари томонидан шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар, жисмоний шахсларнинг мол-мулкдан олган даромадлари, ҳисоблаш асосида аниқланадиган жисмоний шахсларнинг чет элда меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини юритишдан олинган трансфертлар суммаси бўйича олинган маълумотлар асосида кичик тадбиркорликдан олинган умумий даромадларни аниқлаш мумкин бўлади.

Трансфертларни ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Трансфертлар – бу уй хўжаликларига товар, хизмат ёки актив эвазига қопланмасдан товарлар, хизматлар ва активларнинг келиб тушишидир.

Трансфертлар нақд пул (пуллик трансфертлар) ва товар ёки хизматлар (натурал трансферт) кўринишида, бошқа уй хўжаликларидан, давлатдан, ҳомийлик муассасаларидан ва чет элдан келиб тушиши мумкин.

Трансфертлар, одатда, унча катта бўлмаган ҳажмда ва мунтазам равишда тўлаб бориладиган жорий трансфертларга ҳамда бир марта (ёки мунтазам бўлмаган), одатда, яхлит йирик суммада тўланадиган капитал трансфертларга ажратилади.

Халқаро стандартларга мувофиқ равишда, ушбу методикада аҳолининг умумий даромадлари таркибига фақат жорий трансфертлар киритилади, уларни жорий ҳисоб даврида харажат қилиш имконияти мавжуд бўлади.

Жорий трансфертлар ижтимоий ажратмаларга (ижтимоий суғурта тўловлари ва ижтимоий ёрдам чораларига) ва бошқаларга

(ташкилотдан ва бошқа уй хўжаликларидан тўланадиган тўловларга) бўлинади.

Ижтимоий трансфертлар таркибига қуйидагилар киради:

– пенсиялар -- қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари;

– нафақалар – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари;

– стипендия – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

Бошқа жорий трансфертларга уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансфертлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

Аҳоли даромадларини ҳисоблашнинг янги методикаси бўйича Бухоро вилоятидаги аҳоли даромадлари таркиби 2.2-жадвалда ифодаланган.

*2.2-жадвал*

**Бухоро вилоятида аҳоли умумий даромадларининг таркиби**

| | Кўрсаткичлар | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. |
|---|---|---|---|---|
| | Умумий даромадлар (I+II) % | 100 | 100 | 100 |
| I | Бирламчи даромадлар (1+2) | 71.0 | 68.9 | 67.6 |
| | 1.Ишлаб чиқаришдан олинган даромад | 69.4 | 67.5 | 66.3 |
| | - Меҳнат фаолиятидан олинган даромад | 67.9 | 66,2 | 65.0 |
| | 2. Мол-мулкдан олинган даромад | 1,6 | 1,4 | 1,3 |
| II | Трансфертлардан даромад | 29.0 | 31.1 | 32.4 |
| | Умумий даромаддан: | | | |
| | -Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад | 53,9 | 54,1 | 55,4 |
| | - Деҳқон хўжалигидан олинган даромад | 18.2 | 20.1 | 18.4 |

Жадвалдан кўриш мумкинки, Бухоро вилояти аҳолиси оладиган умумий даромадлар таркибида 2012 йилда олдинги йилларга нисбатан бирламчи даромадларнинг улуши камайиб, трансфертлардан олинган даромаднинг улуши ошган. Ишлаб чиқаришдан олинган даромад ва унинг таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромаднинг улуши камайган.

Демак, вилоятда аҳолининг бирламчи даромадларини оширишга кўпроқ эътибор қаратиш керак.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш республика ва ҳудудлар даражасида йил ва чораклар учун йиғилиб борувчи (ҳисобот йили бошидан ўсиб борувчи) усулда амалга оширилади.

Умумий даромадлар бўйича кўрсаткичларнинг кенг қамровини таъминлаб берувчи йиллик ҳисоблашлар чораклик баҳолашлар учун асос бўлади. Чораклик баҳолаш кўрсаткичларнинг жорий ўсиш суръатларини тавсифлаш учун амалга оширилади ва йиллик ҳисоблаш жараёнида аниқлаштирилади.

Ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳажмини ҳисоблаш тадбиркорлик субъектлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган меҳнат бўйича ва жисмоний шахсларга тўловлар ҳақидаги давлат статистика ҳисоботлари, шунингдек, "конвертда" тўланган тўловлар ҳисоби уй хўжаликлари кузатувининг ҳақиқий иш ҳақи бўйича махсус модули маълумотлари асосида амалга оширилади.

Мустақил равишда банд бўлган шахсларнинг даромадлари ҳажмини ҳисоблашда товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (жисмоний шахслар)нинг иқтисодий фаолияти бўйича чораклик асосда ўтказиладиган танлама кузатув натижаларидан фойдаланилади, бунда соҳалар бўйича алоҳида усулларда аҳоли даромадлари ҳисоблаб борилади. Шунингдек, ҳисоблашларда Давлат солиқ қўмитасининг бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловлар тушуми, солиқ органларида рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркорлар сони ва улар томонидан тўланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар 1 кв.метр тураржойнинг қийматидан келиб чиқиб, давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари асосида олинган тураржой фондининг умумий майдонини уй хўжаликлари кузатуви маълумотларига асосан олинган уй хўжаликларининг қурилиш материалларига, жорий таъмирлашга ва бинодан фойдаланишга қилган харажатлари ҳажмига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Мол-мулкдан олинган даромадлар бўйича йиллик аниқлаштирилган ҳисоблашни амалга ошириш учун, йирик корхоналар ҳамда кичик корхона ва нотижорат ташкилотлари учун бир хил шаклга келтирилган, таркибида жисмоний шахсларга иш ҳақидан ташқари ҳисобланган тўловлар ҳақидаги махсус бўлимга эга бўлган давлат статистика ҳисоботи асос бўлади. Ўтган йилги йиллик маълумотларга ва уй хўжаликлари кузатувининг жорий натижаларига асосан ҳар чоракда кўрсаткичнинг тезкор баҳоланиши амалга оширилади.

Трансфертлардан олинган даромадларни ҳисоблашда қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади:

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг пенсионерлар сони ва уларга тайинланган пенсиялар тўғрисидаги маълумотлари;

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш (кам таъминланган оилалар учун, 18 ёшгача болалари бўлган оилалар учун, 2 ёшгача болалари бўлган ишламайдиган оналар учун нафақалар) тўғрисидаги маълумотлари;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аҳолидан пул тушумлари ва аҳолига пул маблағлари тўловлари, шунингдек, чет элга ва чет элдан амалга оширилган пул ўтказмалари тўғрисидаги маълумотлари;

– Уй хўжалигига бошқа уй хўжаликларидан амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар қисми бўйича уй хўжаликлари кузатуви натижалари.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг умумий даромадлари мажбурий тўловлар ва бошқа ажратмаларни амалга оширгунга қадар бўлган ялпи даромадни ифода этади.

Аҳоли томонидан олинган даромадларнинг таркибий тақсимланишини таҳлил қилиш мақсадида аҳоли ихтиёридаги даромад аниқланади, чунки у аҳоли истеъмол харажатлари учун мумкин бўлган энг катта миқдорни аниқлаш имконини беради.

Аҳоли ихтиёридаги даромад умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан бериладиган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

Уй хўжаликлари кузатуви асосида олинган аҳолининг моддий фаровонлиги бўйича тақсимланиши ва аҳоли даромадларининг табақаланиши тўғрисидаги маълумотларнинг қамрови, ваколатли-

лиги ва аниқлигини баҳолаш мақсадида, мазкур методика асосида шаклланган умумий даромад кўрсаткичлари уй хўжаликлари кузатуви доирасида даромадлар тўғрисида олинадиган маълумотлар билан таққосланади.

Уй хўжаликлари кузатувини ўтказиш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш тамойиллари Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган "Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий қоидалар"да белгиланган.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва даромадларни ҳисоблаш методикасини ўрганган ҳолда, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлигининг илмий-услубий асосларини ўрганиш зарур.

## 2.3. Аҳоли турмуш даражасини ошириш саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлигининг илмий-услубий асослари

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан бири – саноат корхоналари самарадорлиги ўсиши билан аҳоли турмуш даражаси ошишини илмий-услубий асослаш ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражаси ошишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар анча илгари бошланган бўлиб, улар А.Тюргонинг (1727-1781) "Бойликларни тўплаш ва тақсимлаш тўғрисида фикрлар", А.Смитнинг (1723-1790) "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот", А.Курнонинг (1801-1877) "Бойлик назариясининг математик принциплари тадқиқоти", Дж.Кларкнинг (1847-1938) "Бойлик тақсимланиши" каби асарларида ўз ифодасини топган.

Ўтган асрнинг 50–60-йилларидан бошлаб аҳоли турмуш даражаси ошиши мамлакатнинг ҳар бир аҳолисига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ва бошқа кўрсаткичлар орқали баҳолаб борилган. 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳоли турмуш даражаси ошишини баҳолашда инсон потенциали тараққиёти индекси ҳисоблана бошлаган, у нафақат жамиятда моддий бойликлар тақсимланишини, балки инсонларни ҳар томонлама мукаммал ривожланиш имкониятларини ҳам ўз ичига олган. Инсон потенциали тараққиёти индекси уч имкониятни – ҳаёт даври ва соғломлик, таълим олиш ва билимни мустаҳкамлаш ва аҳоли турмушини таъминловчи етарли даромадлар даражасини ўрганади.

Инсон потенциали тараққиёти индексини аниқлашда юқоридаги уч кўрсаткичнинг ўртача арифметики ҳисобланган. Ҳар бир кўрсаткич (индекс) қуйидаги формула орқали ҳисобланган[34]:

$$I = \frac{D_f - D_{\min}}{D_{\max} - D_{\min}} \qquad (2.10)$$

Бу ерда:

$D_f$ –кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори;

$D_{max}$ – максимал миқдори;

$D_{min}$ – минимал миқдори.

Кутилаётган иш давомийлиги ($I_{яд}$), таълим ($I_t$), жон бошига даромад ($I_д$) индекслари асосида инсон потенциали тараққиёти индекси ($I_{ipt}$) аниқланган:

$$I_{ipt} = \frac{I_{яд} + I_t + I_д}{3} \qquad (2.11)$$

Аҳоли турмуш даражасини оширишни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида аҳоли турмуш даражаси ошишини ифодаловчи турли кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Масалан, соф миллий даромаднинг аҳолини турли тоифаларига тўғри келиши маълум гуруҳдаги аҳолининг турмуш даражаси коэффициенти орқали ифодаланган[35]:

$$K_v^t = \frac{\sum_{v=1}^{n} Smd_v^t}{\sum_{v=1}^{n} A_v^t} \qquad (2.12)$$

Бу ерда:

$K_v^t$ – $t$-йилда $v$-гуруҳдаги аҳолининг турмуш даражаси коэффициенти;

$Smd$ – соф миллий даромад; $A_v^t$ – $t$-йилда $v$-гуруҳдаги аҳоли сони.

Аҳоли турмуш даржаси ошишининг истеъмол билан боғлиқлиги ўрганилган бўлиб, у регрессия тенгламаси орқали ифодаланган. Регрессия тенгламасининг параметрларини аниқлаш мақсадида қуйидаги чизиқли тенгламалар системаси ишлаб чиқилган[36]:

$$\begin{cases} a_0 + a_1 \sum X = \sum Y; \\ a_0 \sum X + a_1 \sum X^2 = \sum XY \end{cases} \qquad (2.13)$$

---

[34] Генкин Б. М. Экономика и социология труда. М.: Норма, 2006. С. 71–72.

[35] Мухитдинов Х. С. Ҳудуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. Тошкент: Фан, 2009. 165-бет.

[36] Ғойибназаров Б. К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Тошкент: Фан, 2005. 69-бет.

Бу ерда:

$Y$ – аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ;

$X$ – ҳар бир уй хўжалигига тўғри келадиган истеъмол харажатлари;

$a_0$ ва $a_1$ – регрессия тенгламаси параметрлари.

Инсоннинг ҳар қандай фаолият турида икки компонентни ажратиш мумкин. Улардан биринчиси белгилаб берилган технология, йўриқнома ва схемалар бўйича бажариладиган меҳнатни ифодалайди. Бунда ишни бажарувчилар ўзининг шахсий ижодкорлиги асосида меҳнат жараёнига ҳеч қандай янгилик киритмайди. Бу регламентланган меҳнат ёки α-меҳнат деб аталади. Иккинчи компанент янги моддий, интеллектуал ва маънавий неъматлар яратишга қаратилган, шунингдек, ишлаб чиқаришда янги усуллар қўлланиладиган меҳнатни характерлайди. Бундай меҳнат тури ижодий меҳнат ёки β-меҳнат деб аталади.

α - меҳнатга мисол қилиб ишчининг регламентланган ритм асосида ишлаб чиқариш конвейрида деталларни йиғиш операцияларини бажаришини келтириш мумкин. Бу ерда ишчининг қобилиятлари инобатга олинмайди, балки белгиланган операцияларни амалга ошириши назарда тутилади. Регламентланган меҳнат фақат кам малака талаб қилувчи жисмоний меҳнат бўлавермайди. Баъзи ақлий меҳнат турлари, масалан, фақат белгиланган йўриқномалар асосида иш юритувчи амалдорларнинг меҳнати α-меҳнат бўлиши мумкин. Шундай қилиб, α-меҳнат ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнатдан иборат бўлиши мумкин.

β-меҳнатга ёки ижодий меҳнатга ихтирочилар, рационализаторлар, олимлар, педагоглар, врачлар, муҳандислар, тадбиркорлар ва бошқаларнинг меҳнатини киритиш мумкин. Замонавий иқтисодиёт шароитида ижодий меҳнатнинг аҳамияти ишловчиларни умумий даромади таркибида гонорар кўринишидаги даромадларнинг (рационализаторлик таклифлари, ихтиро, мақола, китоб ва бошқалардан олинадиган даромадлар) улуши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан реал рақобат ва эркин ҳуқуқий давлат шароитида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ижодкорлар оладиган фойда муаллифлик гонорари шаклида бўлади. Меҳнат жараёнида ижодкорликнинг ошиши жамиятда янги маҳсулот ва хизматлар турларини кўпайиши, технологияларнинг такомиллашиши, умумий иш билан банд аҳолининг таркибида олимлар, муҳандислар, юқори малакали ишчилар ва педагогларнинг ошиши билан белгиланади.

Меҳнатни икки компанентга ажратишнинг объектив зарурати – бу компанентларни корхоналар даромадини ва мамлакат миллий даромадини шакллантиришга таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

α-меҳнат натижасида охирги маҳсулот ҳажмининг ошиши ишловчилар сони кўпайиши, иш вақти давомийлигининг узайиши ҳисобидан рўй беради. Бундан фарқли равишда β-меҳнат натижасида маҳсулот ҳажми ошиши иш вақтини ўзгармаслиги ёки камайиши ва меҳнат интенсивлиги ошиши ҳисобидан рўй беради. Бу янги техник, ташкилий омиллар ва тадбиркорлик ғояларини қўллаш, янги маҳсулот турларини яратиш, меҳнат харажатларини ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш харажатларини камайтириш орқали амалга оширилади.

α-меҳнатнинг натижалари иш вақти ва инсон энергиясига боғлиқ бўлади. α-меҳнатни таъминловчи шарт-шароитларга зарурий соғлик даражаси, ишни бажара олиш қобилияти, хушхулқлилик, маълумотлилик ва профессионаллик кабилар киради. α-меҳнатни функция сифатида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$V_{\alpha} = f(x_{\beta}) \qquad (2.14)$$

Бу ерда:

$V_{\alpha}$ – α-меҳнатнинг натижаси;

$x_{\beta}$ – иш вақти ва инсон энергияси харажатлари.

α-меҳнат функцияси чизиқли функция кўринишига эга бўлади. β-меҳнатнинг натижаси бевосита мазкур ижодий фаолият тури бўйича мавжуд ижодий қобилиятга ва уни рўёбга чиқариш борасидаги фаолликка боғлиқ бўлади. Унинг функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$V_{\beta} = f(x_{ic} x_{a}) \qquad (2.15)$$

Бу ерда:

$V_{\beta}$ – β - меҳнатнинг натижаси;

$x_{ic}$ – ижодий қобилият;

$x$ – фаоллик.

Ижодий фаолиятни таъминловчи шарт-шароитларга (худди α-меҳнатда бўлгани каби) зарурий соғлик даражаси, ишни бажара олиш қобилияти, хушхулқлилик, маълумотлилик ва профессионаллик киради.

β-меҳнатнинг таърифига мувофиқ унинг натижалари (янги ғояларнинг миқдори ва аҳамияти бўйича) иш вақти харажатлари ва инсон энергияси билан чизиқсиз кўринишдаги боғлиқликка эга бўлади.

Жамоавий меҳнат натижалари кўпинча инсон фаолиятининг маънавий компонентларига боғлиқ бўлади ва γ-меҳнат сифатида белгиланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатнинг маънавий компанентлари айниқса раҳбарлар учун муҳим ҳисобланади. Раҳбарларнинг асосий вазифаси жамоа ишини мувофиқлаштириш ва ходимлар фаолиятини мотивлаштириш ҳисобланади, улар корхонадаги ишловчиларнинг ўзаро муносабатини ўрнатадилар. Жамоадаги маънавий муҳит бевосита раҳбарнинг иш фаолиятига боғлиқ бўлади. Шунинг учун корхонадаги раҳбарлар меҳнатини маънавий-мувофиқлаштирувчи-мотивлаштирувчи меҳнат деб айтиш мумкин.

γ-меҳнат натижаларини функция сифатида қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$V_\gamma = f(x_c, x_{ic}, x_a, x_n, x_в) \qquad (2.16)$$

Бу ерда:

$V_\gamma$ – γ-меҳнат натижаси;

$x_c$ – виждон билан боғлиқ қобилиятлар

$x_{ic}$ – ижодий қобилият;

$x_a$ – фаоллик;

$x_n$ – профессионаллик;

$x_в$ – иш вақти.

Раҳбарлар фаолиятининг γ - меҳнатни таъминловчи шарт-шароитларига зарурий соғлик даражаси, профессионаллик ва ташкилотчилик киради.

Самарадорлик – иқтисодий тизимларни бошқариш назариясининг муҳим тушунчаларидан биридир. Амалий фаолиятда самарадорлик кўпинча муваффақият, натижавийлик, рақобатбардошлик тушунчаларининг синоними сифатида қўлланилади.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида маълум бўлдики, самарадорлик тушунчасининг учта асосий аспектини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– самарадорлик амалга оширилган харажатлар ва олинган натижалар ўртасидаги нисбатдир;

– самарадорлик иқтисодий тизим ҳолатини ва бошқарув сифатини тавсифлайди (у самарали ёки самарасиз бўлиши мумкин);

– самарадорлик иқтисодий тизим ҳолатини оптималга яқинлаштириш тадбири ёки мақсадга эришиш эҳтимоллиги сифатида қаралиши мумкин.

Юқоридаги аспектлардан биринчиси кўпроқ амалий аҳамиятга эга. У ресурслардан фойдаланиш маҳсулдорлиги ва рентабеллигини ифодалайди.

Самарадорлик иқтисодий тизим ҳолатининг тавсифи сифа-

тида кўпинча Парето томонидан аниқланган самарадорлик (оптималлик) кўринишида эътироф этилади, яъни самарадорлик иқтисодий тизимнинг шундай ҳолати ёки ресурсларнинг шундай тақсимланишики, бир томондан юқори натижаларга эришиш учун бошқа томондан ниманидир йўқотиш керак бўлади.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган Амартия Сен иқтисодиётда Парето томонидан ишлаб чиқилган чекланганлик мезони амал қилишини қўллаб-қувватлайди. У "Иқтисодий самарадорлик" ёки "Парето оптималлиги" бўйича кимдир ютуққа эришиши учун кимнингдир ютқазиши талаб этилади деган фикрни илгари суради: "Шундай ҳолатда жамиятдаги вазият Парето тавсифи бўйича оптимал ҳисобланадики, унда кимнингдир манфаати ошиши бошқа кимнидир манфаати камаймаган ҳолда рўй бермайди". Бунда иқтисодий манфаатларнинг ошиши ишончсиз муваффақият ҳисобланади, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу кўп нарсага эга бўлишни кафолатлаб бермайди. Парето тавсифи бўйича жамиятнинг ҳолати оптимал бўлганда кимлардир жуда кам нарсага эга бўлган ҳолда кимлардир бойликка "кўмилади", кам таъминланганларнинг аҳволи яхши бўлиши учун эса бойларнинг бойлигидан нимадир камайиши керак.

Юқорида кўриб ўтилган самарадорлик тушунчасининг аспектларидан учинчиси (оптималга яқинлашиш тадбирлари) оптималлаштириш вазифасининг қўйилишига асосланади, унга мувофиқ самарадорликни икки асосий кўринишда ифодалаш мумкин:

– маълум ресурслар сарфи натижасида олинган фойда миқдори билан;

– маълум ишлаб чиқариш натижаларига эришиш учун керак бўладиган ресурс харажатлари билан.

Иқтисодий тизимларни бошқаришнинг муҳим аспекти натижа ва харажатларнинг нисбати ҳисобланади. Иқтисодий фаолият натижалари кўпроқ маҳсулот миқдори ва фойда билан ифодаланади. Шунинг учун самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари ресурслардан фойдаланиш маҳсулдорлиги ва рентабеллиги ҳисобланади.

Маҳсулдорлик маҳсулот ҳажмининг мос равишда меҳнат, материал, жиҳозлар ва энергия харажатларидан иборат барча ресурс харажатларига нисбатини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади. Маҳаллий адабиётларда маҳсулдорлик тушунчаси унумдорлик тушунчаси сифатида қўлланилади. "Унумдорлик" тушунчаси ўз моҳиятига кўра ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлиб, у ишлаб чиқариш натижаларини ифодалайди. У маҳсулот ҳажмини

ресурс харажатларига (меҳнат, капитал, ер ва бошқалар) нисбатини ифодаловчи "Ресурслар маҳсулдорлиги"ни кўрсатиб беради. Ресурслар маҳсулдорлиги умумий кўринишда қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$p = \frac{O}{I} \tag{2.17}$$

Бу ерда:

p – маҳсулдорлик;

*O* – маълум вақт мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (Output);

*I* – мазкур маҳсулот ҳажмига мос келувчи ресурс харажатлари (Input).

Маҳсулдорликни ресурслар турлари бўйича ифодалашда қуйидаги формулаларни қўллаш мумкин:

$$p_t = \frac{O}{T} \quad p_k = \frac{O}{K} \tag{2.18}$$

Бу ерда:

$p_t$ – меҳнат маҳсулдорлиги;

$p_k$ – капитал маҳсулдорлиги;

*T* – меҳнат (иш вақти) харажатлари;

*K* – капитал харажатлари (инвестициялар ҳажми).

Меҳнат унумдорлиги вақт бирлигига ёки бир ишчига нисбатан ҳисобланади. Маҳсулот ҳажми ва меҳнат харажатларини мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда ифодалаш мумкин.

Ресурслардан фойдаланиш маҳсулдорлигини ифодалашда, шунингдек, меҳнат сиғими, иш ҳақи сиғими, материал сиғими, энергия сиғими ва бошқа кўрсаткичлар қўлланилади.

Корхоналар фаолияти натижаларини иқтисодий тизим сифатида ифодаловчи кўрсаткич – қўшилган баҳо миқдори (D) ҳисобланади. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$D = Z + W \tag{2.19}$$

Бу ерда:

*Z* – ходимлар фаолияти билан боғлиқ иш ҳақи харажатлари ва бошқа харажатлар;

*W* – фойда.

Биздаги маҳаллий адабиётларда кўпинча "қўшилган қиймат" тушунчаси учрайди. Бу қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш учун база сифатида қўлланилади.

D нинг миқдорини қўшилган қиймат эмас, балки қўшилган баҳо деб аташ мақсадга мувофиқ, яъни қиймат ресурс харажатла-

рини тавсифлайди, баҳо харидорлар томонидан мазкур корхона маҳсулотларининг нафлиги баҳоланишини ифодалайди.

Иқтисодий тизим маҳсулдорлигини аниқлашда ресурс харажатлари кўрсаткичи ходимлар сони, уларнинг иш вақти, иш ҳақи харажатлари, фойдаланилган жиҳозлар қиймати, энергия харажатлари ва бошқалар орқали ифодаланади. Бунда энг муҳим кўрсаткичлардан бири – меҳнат маҳсулдорлигидир. Одатда, у ходимлар сони ёки иш вақти харажатларига нисбатан ҳисобланади.

Меҳнат харажатларини иқтисодий ресурс сифатида ифодаловчи умумий кўрсаткич ходимлар учун жами харажатлар кўрсаткичи ҳисобланади.У иш ҳақи харажатлари, ходимларни ўқитиш харажатлари ва ходимлар фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни ўз ичига олади. Меҳнат маҳсулдорлигининг нисбатан асосланган кўрсаткичи қўшилган баҳонинг (D) ходимлар учун харажатларга (Z) нисбатини ифодаловчи кўрсткич ҳисобланади:

$$p_z = \frac{D}{Z} \qquad (2.20)$$

Маҳсулдорлик кўрсаткичи билан бир қаторда меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш фондлари ва бошқа ресурсларнинг рентабеллик кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Иқтисодий тизимларни самарали бошқариш учун корхоналар ходимлари меҳнатининг рентабеллигини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Рентабеллик умумий кўринишда фаолият туридан олинган фойданинг меҳнат, материал ва бошқа харажатларга нисбатини ифодалайди. Меҳнат рентабеллигининг дастлабки кўрсаткичи сифатида қўшилган қиймат нормаси кўрсаткичини келтириш мумкин:

$$m' = \frac{m}{v} \qquad (2.21)$$

Бу ерда:

$m'$ – қўшилган қиймат нормаси;

$m$ – қўшилган қиймат, буни фойданинг дастлабки шакли деб ҳисобаш ҳам мумкин;

$v$ – иш ҳақи.

Марксниинг эътироф этишича, ишчи эксплуатация объекти ҳисобланади, у меҳнат жараёнида ўзи йўқотган кучни қайта тиклайдиган қийматдан кўра кўпроқ қиймат яратади ва бунинг натижасида қўшилган қиймат пайдо бўлади.

Маршалл бу борада Маркс ва бошқа социологик ғоя тарафдорлари билан мунозара олиб боради. У ёлланма ишчининг иш ҳақини чекланган миқдор деб қарайди ва иш ҳақини “ишчи меҳнатининг соф маҳсулотига тенг бўлган тенденцияга эга ҳамда иш ҳақи ишчи

кучига талаб ва таклиф нисбатининг умумий қиймати билан тартибга солинади" деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, Маршалл бутун қўшилган қийматни ёки "қўшилган" тушунчасини фақат ишчиларнинг меҳнати натижаси деб ҳисоблаш керак эмаслигини айтади, у "қўшилган қиймат ишчиларнинг меҳнати натижаси, лекин тадбиркорлар, ишлаб чиқаришга кўмаклашувчи менежерлар ва ишлаб чиқаришга ўз капиталини киритганларнинг ҳам бунда ҳиссаси мавжуд" деган фикрни билдиради.

Таниқли иқтисодчи олимлардан бири В.В.Новожилов режали иқтисодиёт шароитида турли унумдорликка ва турлича қийматга эга жиҳозларни қўллайдиган меҳнат жамоаларининг иш натижаларини таққослайдиган меҳнат рентабеллиги кўрсаткичларини қўллаш лозимлигини таклиф этади.

Б.М.Генкин бошчилигидаги россиялик олимларнинг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат рентабеллиги иш ҳақи харажатлари рентабеллиги ва ходимларга қилинган жами харажатлар рентабеллиги кўрсаткичлари орқали аниқланади:

$$r = \frac{D - Z}{Z} \tag{2.22}$$

Бу ерда:

$r$ – меҳнат рентабеллиги;

$D$ – қўшилган қиймат (баҳо);

$Z$ – ходимлар учун харажатлар.

Юқоридаги формулалардан келиб чиқиб, меҳнат маҳсулдорлиги ва меҳнат рентабеллиги ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$r_i = \frac{D - Z}{Z} = \frac{D}{Z} - 1 = p_i - 1 \tag{2.23}$$

Фондлар маҳсулдорлиги ва рентабеллиги ўртасидаги нисбат қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$r_f = \frac{D - Z}{F} = p_f - \frac{Z}{F} \tag{2.24}$$

Бу ерда:

$F$ – корхона фондларининг қиймати.

Мамлакат иқтисодиётида $i$-тармоқ ёки корхонанинг қўшилган қиймати ($D_i$) мазкур $i$-тармоқ ёки корхона фаолияти натижасида олинган фойдани миллий даромаддаги улуши орқали аниқланади. Макроиқтисодий нуқтаи назардан меҳнат рентабеллиги, энг аввало, иш ҳақининг мамлакат миллий даромадидаги улушини ифодалайди.

Формуладаги натижа ва харажатлар ўртасидаги тўғри боғлиқлик ижодий фаолиятнинг баъзи соҳаларида муаллифлик гонорари ставкалари асосида рўй бериши мумкин. Аниқ янги илмий ғояларга асосланган ихтиролардан олинадиган самара муаллифлик мукофотларини бир неча ўн баробарга ошириб юбориши мумкин.

Цивилизация ривожланиши динамикаси таҳлилида кўрсатилганки, ривожланган мамлакатларда 1850–2000 йиллар мобайнида бир ишчига ўртача йиллик меҳнат харажатлари икки баробар камайган, ишчиларнинг фаровонлик даражаси эса бир неча мартага ошган. Бу мамлакатларда миллий даромаднинг бир қисми α-меҳнатдан олинади ҳамда бу истеъмол харажатларидан кўп бўлмайди. Албатта, ривожланган мамлакатлар учун замонавий шароитда $D_{\alpha}=Z_{\alpha}$ деб ҳисоблаш мумкин.

Бу нисбат ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти учун α-меҳнатнинг Кенэ томонидан соф маҳсулот деб номланган манба бўла олмаслигини тасдиқлайди. Бошқача айтганда, XIX аср ўрталаридан бошлаб ривожланган мамлакатларда ишловчиларнинг фаровонлиги ошиши уларни иш вақти қисқариши билан рўй берди, демак, α-меҳнатни фойда олиш манбаи деб ҳисоблаб бўлмайди.

α-меҳнат жамият ишлаб чиқаришининг муҳим компоненти бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан барқарорликни таъминлайди. Ўзгармас интенсивлик ва камайиб борувчи маҳсулдорлик шароитида α-меҳнат β-меҳнатнинг натижалари ҳисобидан камайиб боради, β-меҳнат янги технологияларни ўзлаштиришга ва ишловчиларнинг малакаси ошишига асосланади.

Шундай қилиб, ривожланган мамлакатларда бир яшовчига тўғри келадиган миллий даромаднинг ўсиши асосан β-меҳнатнинг олдингига нисбатан ўсиши ҳисобидан рўй беради:

$$D_{\beta} \succ Z_{\beta} \qquad (2.25)$$

Турмуш даражасининг ўсиш тенденцияси барча ишчилар, жумладан, α-меҳнат билан шуғулланувчилар учун ҳам характерлидир. Бунинг сабаби, уларнинг фаолияти меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф нисбатига, ишдаги низоларни камайтиришга қаратилган тариф келишувларининг тузилишига асосланган. α-меҳнатнинг давомийлиги ва интенсивлиги камайиб бораётган шароитда иш ҳақи ставкаларининг ошиб бориш тенденцияси шаҳарларда яшаш жойлари нархининг ошиши тенденциясини келтириб чиқаради.

γ-меҳнатнинг фаровонлик ошишига ва бошқа кўрсаткичларга таъсири муҳим аҳамият касб этади, лекин унинг таъсири β-меҳнат

каби аниқ кўринишда намоён бўлмайди. Инсоннинг ёркин қирраларини намоён этишга қаратилган +γ-меҳнат маънавий неъматлар яратишдан ташқари, иқтисодиёт самарали фаолият юритиши учун ахлоқий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни таъминлайди. Инсонлар фаолиятида нодонлик аломатлари кучайса (-γ-меҳнат) алдов, фирибгарлик, ўғрилик ва шу каби бошқа салбий иллатлар оқибатида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашади.

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг мақсади мамлакатда ақлли ва виждонли инсонлар салмоғини кўпайтириш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун шароит яратиб бериш бўлиши лозим. Бу мақсадга эришиш учун ривожланган мамлакатларда турли воситалар қўлланилади. Масалан, бу мамлакатларга "ақлли инсонларнинг импорти" амалга оширилади.

Юқорида келтирилган аҳоли турмуш даражаси ошишини саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлигининг илмий - услубий асослари саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш имконини беради.

## 2.4. Саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини баҳолаш усуллари

Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг турли манбалари ва омилларини ўрганиш зарур. Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш аҳоли турмуш даражасини юксалтириш манбаи сифатида қаралаётган экан, буни асослаб бериш учун аҳоли турмуш даражасини ошириш усуллари ўрганилди.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар асосида унинг келажакда қандай ўзгаришини билиш учун саноат корхоналарининг самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш жараёни бир нечта босқичларни ўз ичига олувчи айланма ҳаракат механизмидан иборат ҳолда ифодаланди. Бу жараённи ташкил этувчиларнинг ўзгариш қонуниятлари аниқланди. Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган жараённи 4 та асосий йўналишга бўлиб ўрганилди ва у математик тавсифланди:

1-йўналиш – саноат корхоналари самарадорлиги омиллари ўзгариши (бу $y_1$ билан белгиланади). Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

– саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўзгариши (ишчи кучидан самарали фойдаланиш даражаси);

– ишлаб чиқариш корхоналарига аҳоли томонидан капитал киритилиши;

– ишлаб чиқариш техника ва технологияларидан самарали фойдаланиш.

2-йўналиш – саноат корхоналари самарадорлиги ўзгариши натижасида ишловчилар даромади ўзгариши ($y_2$). Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

– саноат корхоналарида ишлайдиганларнинг иш ҳақи ўзгаради;

– саноат корхоналари акцияларини сотиб олган аҳолининг дивиденд кўринишидаги даромадлари ўзгаради;

– аҳоли капитал қўйилмаларни киритиши натижасида олинадиган фоиз кўринишидаги ва бошқа даромадлари ўзгаради.

3-йўналиш – саноат корхоналари самарадорлиги ўзгариши натижасида давлат оладиган самара ўзгариши ($y_3$). Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

– саноат корхоналари самарадорлиги ўзгариши билан маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми ўзгаради. Бунинг натижасида давлатнинг саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришидан олади-ган солиқлари ўзгаради;

– саноат корхоналарида ишловчиларнинг иш ҳақи, дивиденд, фоизлар кўринишидаги даромадлари ўзгариши натижасида давлатнинг ишловчилардан, яъни аҳолидан оладиган солиқлари ҳам ўзгаради;

– саноат корхоналари самарадорлиги ошиши натижасида саноат маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш ҳажми ошади, бу давлат хазинасига валюта тушуми ва божхона тўловлари миқдорларига ўз таъсирини ўтказади;

– давлат бюджетига тушадиган тушумлар миқдори ўзгариши аҳолига тўланадиган ижтимоий трансферт тўловлари миқдори ўзгаришига олиб келади ва бу аҳоли турмуш даражаси ошишига таъсир кўрсатади.

4-йўналиш – аҳоли даромадлари ўзгариши билан турмуш даражасининг ўзгариши ($y_4$). Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

– аҳоли даромадлари ўзгариши билан истеъмол даражаси ўзгаради (озиқ-овқат, кийим ва бошқаларни сотиб олиш миқдори ўзгаради );

– аҳолининг турмуш шароити ўзгариши натижасида одамларнинг маънавий даражасида ўзгаришлар рўй беради (бу билим олиш даражаси, инсонларнинг саломатлиги, маънавий ва маданий юксалишига таъсири билан намоён бўлади);

– даромадлар ўзгариши аҳолининг қўлида қоладиган қўшимча пул маблағлари ўзгаришига таъсир ўтказади. Аҳоли қўлида қўшимча пул маблағлари қолиши билан аҳоли бу маблағларни яна саноат корхоналарини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар сифатида киритиши мумкин.

Бу жараён доимий равишда айланма кўринишда давом этиб боради. Маълумки, юқорида бу йўналишлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни кўп ўзгарувчили функция кўринишида ифодалаш мумкин:

$$Y = F(x_1, x_2, x_3, x_4 \ldots) \quad (2.26)$$

Бунда кўплаб ўзгарувчиларнинг иштирок этиши ва юқоридаги йўналишларда амалга оширилиши инобатга олиниб, умумий $Y$ функция 4 та функциянинг йиғиндиси сифатида ифодаланади:

$$Y = y_1 + y_2 + y_3 + y_4 \quad (2.27)$$

Бу ерда:

$Y$ – саноат корхоналари иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўзгариши функцияси;

$y_1$ – саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ўзгариши функцияси;

$y_2$ – саноат корхоналарида иш ҳақи ўзгариши функцияси;

$y_3$ – саноат корхоналари самарадорлиги ўзгариши натижасида давлат оладиган самара ўзгариши функцияси;

$y_4$ – аҳоли даромадлари ўзгариши функцияси.

Саноат корхоналари иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг 1-йўналишидаги меҳнат унумдорлиги ўзгаришини қуйидаги ($y_1$) функция кўринишида ифодалаш мумкин:

$$y_1 = \frac{\Delta Q}{\Delta L} \quad (2.28)$$

Бу ерда:

$y_1$ – саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ўзгариши функцияси;

$\Delta Q$ – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши;

$\Delta L$ – саноат корхоналаридаги ишловчилар сонининг ўзгариши.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўзгариши иш ҳақига таъсир этади ва саноат корхоналарида иш ҳақи ўзгариши функцияси ($y_2$) қуйидагича ифодаланади:

$$y_2 = k_1 \cdot \Delta W \quad (2.29)$$

Бу ерда:

$y_2$ – саноат корхоналарида иш ҳақининг ўзгариши функцияси;

$k_1$ – иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига боғлиқлик коэффициенти;

$\Delta W$ – иш ҳақининг ўзгариши.

$k_1$ коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta W = k_1 \frac{\Delta Q}{\Delta L_1}; \text{ бундан } k_1 = \Delta W \frac{\Delta L}{\Delta Q} \qquad (2.30)$$

Саноат корхоналарида маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўзгариши давлат оладиган манфаатларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Яъни, илгари айтиб ўтилганидек, саноат корхоналарида умумий маҳсулот ҳажми ($\Delta Q$) ўзгаргандан кейин давлатнинг саноат корхоналари маҳсулотларидан оладиган солиғи ўзгаради. Шунингдек, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўзгариши натижасида давлатнинг жисмоний шахслардан оладиган даромад солиқлари ҳам ўзгаради. Буни қуйидаги ($y_3$) функция орқали ифодалаймиз:

$$y_3 = k_2 \Delta Q + k_3 \Delta W \qquad (2.31)$$

Бу ерда:

$y_3$ – саноат корхоналари самарадорлиги ўзгаришидан давлат оладиган самара ўзгариши функцияси;

$k_2$ – солиқларнинг маҳсулот ҳажмига боғлиқлик коэффициенти ;

$k_3$ – солиқларнинг иш ҳақи ўзгаришлари билан боғлиқлик коэффициенти.

$k_2$ коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$k_2 = \frac{S^м}{Q} \qquad (2.32)$$

Бу ерда:

$S^м$ – саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинадиган солиқлар.

$k_3$ коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$k_3 = \frac{S^и}{W} \qquad (2.33)$$

Бу ерда:

$S^и$ – саноат корхоналарида ишловчилар иш ҳақидан олинадиган солиқлар.

Саноат корхоналарида самарадорлик ўзгариши билан ишловчиларнинг иш ҳақи ва давлат томонидан ундириладиган турли солиқлар ўзгаришини кўриб ўтдик. Бунинг натижасида аҳолини умумий пул даромадлари ўзгаради, яъни бир томондан ишловчилар иш ҳақининг ўзгариши аҳоли умумий даромадлари ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатса, иккинчи томондан давлат

бюджетига тушадиган тушумларнинг ўзгариши натижасида давлатнинг аҳолига тўлайдиган ижтимоий трансфертлари миқдори ҳам ўзгариб, бу аҳолининг умумий даромадлари ўзгаришига билвосита таъсир этади. Бу жараённи $y_4$ функцияси орқали ифодалаймиз:

$$y_4 = \kappa_4 . (k_2 \Delta Q + k_3 \Delta W) + \kappa_5 . \Delta T \qquad (2.34)$$

Бу ерда:

$y_4$ – аҳоли даромадлари ўзгариши функцияси ;

$k_4$ – аҳоли даромадларининг корхоналар фаолиятига боғлиқлик коэффициенти;

$k_5$ – аҳоли даромадларининг транферт тўловларига боғлиқлик коэффициенти;

$\Delta T$ – трансферт тўловлари миқдори ўзгариши.

$k_4$ коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$k_4 = \frac{W}{DI} \qquad (2.35)$$

Бу ерда:

$DI$ – аҳолининг умумий даромадлари.

$k_5$ – коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$k_5 = \frac{T}{DI} \qquad (2.36)$$

Демак, саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўзгаришининг умумий функциясини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$Y = y_1 + y_2 + y_3 + y_4 = \frac{\Delta Q}{\Delta L} + k_1 \Delta W + (k_2 \Delta Q + k_3 \Delta W) + (\kappa_4 . (k_2 \Delta Q + k_3 \Delta W) + \kappa_5 . \Delta T) \qquad (2.37)$$

Аҳоли пул даромадлари ўзгариши билан унинг истеъмол тузилмасида ўзгариш рўй беради. Бу аҳоли турмуш сифатига ҳам таъсир кўрсатади, агар аҳоли қўлида қўшимча пул маблағлари қолса ва аҳоли бу пул маблағларни даромад олиш мақсадида яна ишлаб чиқариш корхоналарига, жумладан, саноат корхоналарини ривожлантиришга йўналтирса, бу киритиладиган пул маблағлари саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ошишига ва аҳоли оладиган қўшимча даромадлар кўпайишига олиб келади. Бу жараённи қуйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$\left[k_6 \Delta Q + k_7 \Delta DI\right] \qquad (2.38)$$

бу ерда:

$k_6$ – аҳолининг капитал киритиши ўзгариши билан маҳсулот

ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиш коэффициенти;

$k_7$ – аҳолининг капитал киритиши ўзгариши билан қўшимча даромад олиш коэффициенти.

Юқоридаги 2.38-ифода саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш функциясининг (2.37-формуланинг) капитал киритилиши билан боғлиқ бутун қисми сифатида ифодаланди ва $Y$ умумий функциянинг ҳар бир функцияси ($y_1, y_2, y_3, y_4$) билан боғлиқлигини инобатга олиб, уни умумий функциянинг ҳар бир функцияси билан боғланди. Бунинг натижасида саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш функцияси қуйидаги кўринишга келди:

$$Y=\left(\frac{\Delta Q}{\Delta L}+\left[k_6\Delta Q+k_7\Delta DI\right]\right)+\left(k_1\Delta W+\left[k_6\Delta Q+k_7\Delta DI\right]\right)+\left(k_2\Delta Q+k_3\Delta W+\left[k_6\Delta Q+k_7\Delta DI\right]\right)$$

$$+\left(\kappa_4\left(\kappa_2\cdot\Delta Q+\kappa_3\cdot\Delta W\right)+\kappa_5\cdot\Delta T+\left[\kappa_6\cdot\Delta Q+\kappa_7\cdot DI\right]\right) \quad (2.39)$$

Юқоридагилардан келиб чиқиб, саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш жараёни формулаларини икки босқичга ажратиш таклиф этилади. Дастлабки, яъни биринчи босқич аҳоли томонидан капитал киритилиши паст даражада бўлган ҳолат (яъни ҳозирги ҳолат) ҳисобланади. Бу 2.37-формулада кўрсатилган ҳолатни ифодалайди.Иккинчи босқич аҳоли саноат корхоналарини ривожлантириш учун капитал киритиши кўпайган ҳолат. Бу 2.39-формуладаги вазиятни ифодалайди, яъни аҳоли киритган капитал умумий функциядаги ҳар бир функция учун доимий асос ёки бутун қисм ҳисобланади.

Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш учун биринчи босқичда саноат корхоналарига хорижий инвестицияларни киритиш керак. Шунинг учун саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш функцияси биринчи босқичда хорижий инвестициялар билан боғлиқ деб қабул қилинади ва формула қуйидагича ифодаланади:

$$Y=I+\frac{\Delta Q}{\Delta L}+\kappa_1\cdot\Delta W+\left(k_2\Delta Q+k_3\Delta W\right)+\left(\kappa_4\cdot\left(\kappa_2\cdot\Delta Q+\kappa_3\cdot\Delta W\right)+\kappa_5\Delta T\right) \quad (2.40)$$

бу ерда: $I$ – хорижий инвестициялар.

Навбатдаги босқичда, яъни саноат корхоналари самарадорлиги ошиб, аҳоли даромадлари кўпайиб, турмуш даражаси яхшиланганидан кейин аҳоли қўлида қоладиган маблағлар кўпаяди ва уларнинг саноат корхоналарини ривожлантиришга капитал сифатида киритилиши юқори бўлади ва аҳоли маблағлари хорижий инвестиция-

ларнинг ўрнини эгаллайди. Кейинчалик бу маблағлар аҳолига даромад келтирувчи манба ва саноат корхоналари ривожланиши учун доимий асос бўлиб қолади. Вақт ўтгани сайин аҳоли киритадиган капиталнинг самарадорлиги ошиб боради. Бу жараён доимий равишда айланма ҳаракатда бўлиб, бундай айланма ҳаракат механизмини қуйидагича ифодалаш мумкин (2.7-расм):




**2.7-расм. Саноат корхоналари самарадорлиги ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг айланма боғлиқлик механизми**

Бухоро вилоятидаги маълумотлар бўйича юқоридаги коэффициент ва функцияларнинг қиймати ва ўзгаришлари ўрганилди (2.3-жадвал). Иш ҳақи ўзгаришининг меҳнат унумдорлиги ўзгаришига боғлиқлигини ифодаловчи $k_1$ коэффициент 1997–2003 йилларда 1 дан катта, ундан кейинги йилларда эса 1 дан кичик бўлган. Бу коэффициентнинг 1 дан кичик бўлиши иш ҳақи ўсиши меҳнат унумдорлиги ошишидан юқори бўлганини кўрсатади. $k_1$ коэффициенти 2009 йилгача ошиб борган ва 2010 йилда бу коэффициент камайган. Бу 2010 йилда меҳнат унумдорлиги ошиши иш ҳақи ўсишидан юқори бўлганини кўрсатади.

Саноат корхоналаридан олинадиган солиқларни маҳсулот ҳажмига боғлиқлигини ифодаловчи $k_2$ коэффициенти ўрганилган йилларнинг аксариятида камайиб борган. Бу давлат ишлаб чиқарувчилардан оладиган солиқларни камайтириб, уларнинг фаолиятини рағбатлантириб бораётганини билдиради. Мазкур коэффициентни ҳисоблашга осонлик киритиш учун саноат корхо-

наларининг аксарияти ягона солиқ тўловчилар деб олинди ва бу коэффициент ягона солиқ ставкаларига мос ҳолда ўзгарувчи коэффициент сифатида қабул қилинди.

*2.3-жадвал*

**Саноат корхоналарининг самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ошишини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси**

| Йиллар | Q (маҳсулот ҳажми, млрд. с) | L (ишловчилар сони, м. киши) | W (иш ҳақи, млрд. с) | T (трансферт тўловлари, млрд. с) | $k_1$ | $k_2$ | $k_3$ | $k_4$ | $k_5$ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1997 | 31,5 | 46,4 | 15,8 | 4,5 | 0,000 | 0,13 | 0,165 | 0,420 | 0,137 |
| 1998 | 57,9 | 49,8 | 19,1 | 6,3 | 0,425 | 0,13 | 0,162 | 0,411 | 0,136 |
| 1999 | 83,8 | 51,5 | 28,1 | 10,6 | 0,591 | 0,12 | 0,156 | 0,350 | 0,132 |
| 2000 | 125,2 | 52,6 | 41,6 | 15,4 | 0,359 | 0,12 | 0,151 | 0,322 | 0,123 |
| 2001 | 204,5 | 54,4 | 48,5 | 16,9 | 0,157 | 0,11 | 0,145 | 0,243 | 0,084 |
| 2002 | 295,8 | 56,8 | 63,1 | 24,4 | 0,384 | 0,10 | 0,138 | 0,324 | 0,086 |
| 2003 | 351,1 | 58,9 | 78,7 | 32,3 | 0,592 | 0,10 | 0,131 | 0,221 | 0,091 |
| 2004 | 444,9 | 62,6 | 108,2 | 38,5 | 1,164 | 0,10 | 0,139 | 0,258 | 0,092 |
| 2005 | 517,0 | 66,4 | 134,8 | 53,2 | 1,402 | 0,13 | 0,135 | 0,254 | 0,101 |
| 2006 | 644,0 | 70,8 | 175,2 | 72,9 | 1,400 | 0,13 | 0,134 | 0,270 | 0,106 |
| 2007 | 781,7 | 75,5 | 226,3 | 105,5 | 1,744 | 0,10 | 0,136 | 0,286 | 0,107 |
| 2008 | 940,2 | 79,8 | 292,5 | 157,2 | 1,796 | 0,08 | 0,132 | 0,297 | 0,128 |
| 2009 | 1095,2 | 83,4 | 373,5 | 220,6 | 1,881 | 0,08 | 0,12 | 0,328 | 0,130 |
| 2010 | 1419,7 | 87,1 | 470,7 | 297,3 | 1,108 | 0,07 | 0,11 | 0,350 | 0,126 |
| 2011 | 1884,8 | 90,7 | 590,9 | 388,6 | 1,311 | 0,06 | 0,11 | 0,276 | 0,126 |

Ишловчиларнинг иш ҳақи ўзгаришини солиқларга боғлиқлигини ифодаловчи $k_3$ коэффициенти ҳам ўрганилган йиллар мобайнида камайиб борган. Бу давлатнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни камайтириб, яъни даромад солиғи ставкаларини пасайтириб, ишловчилар фаолиятини рағбатлантирувчи сиёсат олиб бораётганини билдиради. Бу коэффициентни ҳисоблашга ҳам осонлик киритиш мақсадида саноат корхоналарида ишловчиларнинг аксарияти энг кам иш ҳақини олти баробаригача иш ҳақи олади деб қабул қилинди. Аҳоли даромадларининг корхоналар фаолиятига боғлиқлигини ифодаловчи $k_4$ коэффициенти 2001 ва 2003 йилларда камайган, бошқа йилларда эса ошган. Бу саноат корхоналаридан олинадиган иш ҳақи аҳолининг умумий даромади таркибида салмоқли улуш эгаллаганини билдиради. Аҳоли даромадларини трансферт тўловларига боғлиқлигини ифодаловчи $k_5$ коэффициент

дастлаб пасайиб, кейин ошиб борган. Бу давлат томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритилиб, даромадлар таркибида трансферт тўловлари улуши ошганини билдиради (бу коэффициентларнинг ўзгариши график шаклида 12- иловада берилган).

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошиш функцияларининг ўзгариши 2.4-жадвалда келтирилган. Саноат корхоналарининг самарадорлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткич сифатида меҳнат унумдорлиги қабул қилинди ва $y_1$ функция орқали ифодаланди. $y_1$ функция 1998 йилдан 2001 йилгача ошиб борган, 2001–2005 йилларда камайган ва 2006–2011 йилларда ошган. $y_1$ функцияни ўсиши 2010–2011 йилларда жуда юқори бўлган. Бу саноат корхоналари самарадорлигини ошириш тадбирлари амалга оширилгандан кейин меҳнат унумдорлиги юқори суръатларда ошишини ифодалайди. $y_2$ функцияси саноат корхоналарида самарадорлик ўзгариши натижасида ишловчиларнинг иш ҳақи ўзгаришини билдириб, бу иш ҳақини меҳнат унумдорлигига боғлиқ коэффициенти $k_1$ билан боғлиқ. $y_2$ функция 1998–2009 йилларда ошган, 2010 йилга келиб эса камайган. 2010 йилда меҳнат унумдорлиги юқори суръатда ошганлиги сабабли $y_2$ функция камайган. Бу корхоналарда иш ҳақи унумдорлик билан қатъий боғланаётганини ифодалайди.

*2.4-жадвал*

**Саноат маҳсулотлари ҳажми, ишловчилар сони, иш ҳақи ва трансферт тўловларининг ўзгариши ва функцияларнинг қиймати**

| Йиллар | t | DQ | ΔL | DW | DT | $Y_1$ | $Y_2$ | $Y_3$ | $Y_4$ | Y |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1997 | 1 | | | | | | | | | |
| 1998 | 2 | 26,4 | 3,4 | 3,3 | 1,8 | 7,76 | 1,40 | 3,97 | 1,88 | 15,01 |
| 1999 | 3 | 25,9 | 1,7 | 9,0 | 4,3 | 15,24 | 5,32 | 4,51 | 2,15 | 27,21 |
| 2000 | 4 | 41,4 | 1,1 | 13,5 | 4,8 | 37,64 | 4,84 | 7,01 | 2,85 | 52,33 |
| 2001 | 5 | 79,3 | 1,8 | 6,9 | 1,5 | 44,06 | 1,08 | 9,72 | 2,49 | 57,35 |
| 2002 | 6 | 91,3 | 2,4 | 14,6 | 7,5 | 38,04 | 5,60 | 11,14 | 4,26 | 59,05 |
| 2003 | 7 | 55,3 | 2,1 | 15,6 | 7,9 | 26,33 | 9,24 | 7,57 | 2,39 | 45,54 |
| 2004 | 8 | 93,8 | 3,7 | 29,5 | 6,2 | 25,35 | 34,33 | 13,48 | 4,05 | 77,21 |
| 2005 | 9 | 72,1 | 3,8 | 26,6 | 14,7 | 18,97 | 37,29 | 12,96 | 4,78 | 74,01 |
| 2006 | 10 | 127,0 | 4,4 | 40,4 | 19,7 | 28,86 | 56,55 | 21,92 | 8,01 | 115,34 |
| 2007 | 11 | 137,7 | 4,7 | 51,1 | 32,6 | 29,30 | 89,13 | 20,72 | 9,41 | 148,56 |
| 2008 | 12 | 158,5 | 4,3 | 66,2 | 51,7 | 36,86 | 118,89 | 21,42 | 12,98 | 190,15 |
| 2009 | 13 | 155,0 | 3,6 | 81,0 | 63,4 | 43,06 | 152,38 | 22,12 | 15,50 | 233,06 |
| 2010 | 14 | 324,5 | 3,7 | 97,2 | 76,7 | 87,70 | 170,73 | 33,41 | 21,36 | 313,20 |
| 2011 | 15 | 465,0 | 3,6 | 120,2 | 91,3 | 96,1 | 188,2 | 35,81 | 25,56 | 345,78 |

Саноат корхоналари самарадорлиги ошиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиши ва ишловчиларнинг иш ҳақи кўпайишидан давлат оладиган солиқлар ўзгаришини ифодаловчи $y_3$ функция ўрганилган йилларда ошиб борган. Бу саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ошиши ва иш ҳақи ўсиб борганини билдиради. Аҳоли даромадларининг корхоналар фаолиятига ва трансферт тўловларига боғлиқлигини ифодаловчи $y_4$ функция ҳам ошиб борган. Бу функциянинг ошиб бориши аҳоли даромадлари таркибида корхоналардан олинадиган иш ҳақининг улуши кўпайиб борганини ва аҳолига тўланадиган трансферт тўловларининг миқдори ошиб борганини билдиради. Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишни ифодаловчи умумий *Y* функция юқоридаги барча функцияларнинг йиғиндиси бўлгани учун, у олдин кўрилган функцияларда ўсиш рўй бергани сабабли ўсган. Демак, юқоридаги барча функцияларнинг ўсиши саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ошишини ифодалайди, бу функцияларнинг ўзгариши график кўринишида 13-иловада келтирилган).

Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражаси ошишига таъсирини ўрганиш билан бир қаторда, аҳоли турмуш даражаси ва саноат корхоналари ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим.

# 3-БОБ

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

## 3.1. Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарининг ривожланиш ҳолати ва улар самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасига таъсири

Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлигини ўрганишда аҳолининг таркиби, унда меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва иқтисодий фаол аҳолининг улуши, ишсизлар сони, аҳолининг табиий кўпайиши кўрсаткичлари таҳлил қилинди (3.1-жадвал).

3.1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар Бухоро вилояти аҳолисининг меҳнатга лаёқатлилик даражасини ифодайди. Бухоро вилояти аҳолиси таркибида меҳнат қилиш ёшига етмаганларнинг улуши камайиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши кўпаймоқда. Иқтисодиёт тармоқларида бандлар сони ўсиб бормоқда. Аҳолининг табиий кўпайиши билан бир қаторда, иш билан банд аҳолининг жами аҳоли таркибидаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Бу иқтисодиёт тармоқларида, жумладан, саноатда ишловчилар сонини кўпайтириш имконияти ошаётганини билдиради.

Аҳоли турмуш даражасини оширишни саноат корхоналари самарадорлиги билан боғлаб ўрганилаётган экан, унда аҳоли турмуш даражаси ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим. Бухоро вилоятининг аҳолиси сони, ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат маҳсулотларининг улуши таҳлили 3.2-жадвалда келтирилган.

*3.1-жадвал*

**Бухоро вилояти аҳолисининг таркибий ўзгариши динамикаси**

| № | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2011 й. да 2007 й. га нисба-тан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Аҳоли сони, минг киши | 1566,1 | 1588,8 | 1612,5 | 1683,4 | 1707,4 | 109,0 |
| 2 | Жами аҳоли тар-кибида меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳолининг улуши, % | 31,5 | 30,8 | 30,2 | 27,3 | 28,8 | -2,7 п |
| 3 | Жами аҳоли таркиби-да меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши, % | 61,3 | 61,9 | 62,3 | 65,2 | 63,2 | +1,9 п |
| 4 | Жами аҳоли таркиби-да меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳолининг улуши, % | 7,2 | 7,3 | 7,5 | 7,5 | 8,0 | +0,8 п |
| 5 | Аҳолининг табиий кўпайиши, минг киши | 25,6 | 26,6 | 27,9 | 27,2 | 25,4 | 99,2 |
| 6 | Рўйхатдан ўтган иш-сизлар сони, киши | 848 | 474 | 423 | 547 | 482 | 56,8 |
| 7 | Иқтисодий фаол аҳоли сони, минг киши | 741,3 | 762,7 | 787,8 | 810,0 | 825,0 | 112,3 |
| 8 | Иқтисодий фаол аҳолининг аҳоли тар-кибидаги улуши, % | 47,3 | 48,0 | 48,8 | 48,1 | 48,3 | +1,0 п |
| 9 | Иқтисодиёт тармоқларида бандлар сони, минг киши | 707,9 | 729,1 | 749,5 | 768,1 | 784,7 | 110,8 |
| 10 | Иқтисодиётда бандлар-нинг аҳоли таркибида-ги улуши, % | 45,2 | 45,9 | 46,4 | 45,6 | 45,9 | +0,7 п |

Бухоро вилоятида ўрганилган йиллар мобайнида аҳоли сони ошиши билан бир қаторда, амалдаги нархларда ҳисобланган ялпи ҳудудий маҳсулот ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг камайиши кузатилмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат маҳсулотларини улуши кўпаймоқда. Бу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсиш рўй бераётганини билдиради.

*3.2-жадвал*

**Бухоро вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида саноат маҳсулотларининг улуши**

| № | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2011 й. да 2007 й. га нисбатан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Аҳоли сони, минг киши | 1566,1 | 1588,8 | 1612,5 | 1637,1 | 1707,4 | 109,0 % |
| 2 | Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши, % | 109,8 | 105,7 | 104,9 | 109,6 | 109,1 | - 0,7 п |
| 3 | Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсиши, % | 111,9 | 100,1 | 104,2 | 110,3 | 108,8 | - 3,1 п |
| 4 | Саноат маҳсулот-ларининг ЯҲМ таркибида улуши, % | 13,2 | 13,0 | 17,8 | 18,0 | 18,2 | + 5,0 п |

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишидан ортда қолаётган бўлсада, вилоят иқтисодиётида саноатнинг улуши ортиб бормоқда. Буни ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги тармоқларнинг улуши орқали кўриш мумкин (3.1-расм).




**3.1-расм. Бухоро вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида иқтисодиёт тармоқларнинг улуши**

Бухоро вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибини ўрганиш натижасида маълум бўляптики, вилоятда кейинги йилларда саноатнинг улуши ошиб, қишлоқ хўжалигининг ва бошқа тармоқларнинг улуши нисбатан камайиб бормоқда. Бу вилоятда саноатни ривожлантириш бўйича самарали тадбирлар олиб борилаётганини билдиради.

Мамлакатимиз иқтисодиётида саноат етакчи тармоқ ҳисобланиб, саноат корхоналари фаолиятида мустақиллик йилларида туб ўзгаришлар рўй берди. Иқтисодиётнинг мазкур тармоғи юқори экспорт салоҳиятига эга бўлиш билан бир қаторда, инвестицияларни жалб этиш бўйича ҳам етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда саноат ривожланишининг хусусияти шундаки, саноатга инвестиция киритилиб, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар барпо этилмоқда, уларда янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромад олиши имконияти оширилмоқда, яъни саноатни ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда.

Бухоро вилояти иқтисодиёти ривожланишига саноат корхоналари муносиб улуш қўшмоқда. Илгари вилоятдаги саноат корхоналарида фойдаланилган ишлаб чиқариш технологияларининг эскириши, тармоқ корхоналарининг мулкчилик шакли ўзгариши натижасида саноат корхоналари фаолиятида маълум давр мобайнида пасайиш рўй берди, лекин ҳозирги кунда хорижий инвестициялар иштирокида кўплаб янги корхоналар барпо этилди ва улар самарали фаолият юритиши натижасида саноатнинг вилоят иқтисодиётидаги ўрни ошиб бормоқда. Бухоро вилоятида асосан ёқилғи, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланган. Вилоятда саноатнинг таркибий тузилиши 3.2-расмда келтирилган.




**3.2-расм. Бухоро вилоятида саноатнинг таркибий тузилиши**

Бухоро вилоятида 2011 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тўлиқ таркиби иловаларда келтирилган.

Бухоро вилоятида илгари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида енгил саноат маҳсулотларининг улуши юқори бўлган. Йиллар ўтгани сайин вилоятда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, ёқилғи саноати маҳсулотларининг улуши ошиб бормоқда. Бунинг сабаби, бир томондан Бухоро вилоя-

тидаги йирик енгил саноат корхонаси ҳисобланган “Бухоро-текс” ҳиссадорлик жамиятининг инқирозга юз тутгани бўлса, бошқа томондан вилоят саноат тармоқлари орасида етакчиликни қўлга олган ёқилғи саноатининг асосий йирик корхонаси Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг йил сайин маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб бораётганидир.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишни ўрганишда корхоналардаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, ишловчилар сони, иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилди. Бухоро вилояти саноат корхоналаридаги мазкур кўрсаткичлар 3.3- жадвал орқали таҳлил қилинди.

*3.3-жадвал*

**Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Корхоналар сони | 1369 | 1407 | 1574 | 1634 | 1607 | 117,4 |
| 2 | Маҳсулот ҳажми (млрд. сўм) | 867,8 | 940,2 | 1095,2 | 1419,7 | 1884,8 | 217,2 |
| 3 | Ходимлар сони (минг киши) | 75,5 | 79,8 | 83,4 | 87,1 | 90,7 | 120,1 |
| 4 | Ўртача ойлик иш ҳақи (м.с) | 244,7 | 380,0 | 493,8 | 568,0 | 787,3 | 321,7 |
| 5 | Меҳнат унумдорлиги, минг сўм | 11494,0 | 11781,9 | 13131,9 | 16299,6 | 20780,6 | 180,8 |

Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари сони ва уларда ишловчилар сони ошиб борган. Ўртача иш ҳақи миқдори ўсиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги оширишидан юқори бўлган. Бу самарадорлик нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Саноат тармоқлари бўйича мазкур кўрсаткичларнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида Бухоро вилоятидаги озиқ-овқат, енгил ва ёқилғи саноати корхоналарининг кўрсаткичлари солиштирилиб таҳлил қилинди. Бунинг учун мазкур саноат тармоқлари корхоналарини 2009 йилдаги маълумотлари ўрганилди (3.4-жадвал).

*3.4-жадвал*

**Бухоро вилоятидаги асосий саноат тармоқларининг иқтисодий кўрсаткичлари солиштирма таҳлили**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Озиқ-овқат саноати | Енгил саноат | Ёқилғи саноати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Маҳсулот ҳажми | млрд сўм | 113, 7 | 319,8 | 470,0 |
| 2 | Ишловчилар сони | киши | 2103 | 6167 | 2529 |
| 3 | Ўртача ойлик иш ҳақи | минг сўм | 380,1 | 237, 84 | 789,8 |
| 4 | Меҳнат унумдорлиги | минг сўм | 5410,2 | 5186,5 | 18584,9 |

Саноат тармоқлари орасида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ҳақи тўлаш ва меҳнат унумдорлиги бўйича ёқилғи саноати етакчи бўлиб турибди. Ишловчиларни ишга банд этиш бўйича енгил саноат юқори кўрсаткичга эга, лекин енгил саноат корхоналарида ўртача иш ҳақи миқдори жуда паст.

Шунингдек, озиқ-овқат саноатида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги паст даражада. Демак, Бухоро вилоятида озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш, бир томондан саноат корхоналарининг самарадорлиги билан баҳоланса, бошқа томондан саноат корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг аҳоли истеъмолини таъминлаши даражаси билан ўлчанади. Бухоро вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида истеъмол моллари ишлаб чиқариш катта улушга эга бўлиб, саноат корхоналарида истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг таҳлили 3.5-жадвалда келтирилади.

Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улуши юқори бўлмоқда ва у йил сайин ошиб бормоқда. Бу вилоятдаги саноат корхоналарида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ошиши билан турмуш даражаси яхшиланиб бораётганини билдиради.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга ишловчилар даромадининг тақсимланиши таъсир кўрсатади. Бухоро вилоятидаги саноатда ва иқтисодиёт тармоқларида даромадлар тақсимланиши ўрганилди. Бунинг учун вилоятда саноатни ва иқтисодиёт тармоқларини Джин коэффициенти аниқланди. Мазкур коэффициентни аниқлашда саноат ва иқтисодиёт тармоқларининг ишловчилар сони ва ўртача иш ҳақи кўрсаткичларидан фойдаланилди.

*3.5-жадвал*

**Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари динамикаси**

| № | Кўрсаткичлар | 2007 й. | | 2008 й. | | 2009 й. | | 2010 й. | | 2011 й. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | млрд сўм | % | млрд-сўм | % | млрд сўм | % | млрд сўм | % | млрд сўм | % |
| 2 | Жами истеъмол моллари, шу жумладан: | 317,7 | 100 | 388,2 | 100 | 475,3 | 100 | 587,1 | 100 | 753,5 | 100 |
| 3 | Озиқ-овқат маҳсулотлари | 127,3 | 40,1 | 145,6 | 37,5 | 155,6 | 32,7 | 183,4 | 31,3 | 257,8 | 34,2 |
| 4 | Ноозиқ-овқат маҳсулотлари | 190,4 | 59,9 | 242,6 | 62,5 | 319,7 | 67,3 | 403,7 | 68,7 | 495,7 | 65,8 |

Ишловчилар даромадларининг нотекис тақсимланиши саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муаммоларидан бири ҳисобланади. Ишловчилар шахсий даромадлари табақалашуви асосида иш ҳақи ҳар хил бўлиши ётади. Даромадларнинг нотекис тақсимланиши даражасини аниқлашда Лоренц эгри чизиғидан фойдаланилади (3.3-расм).




**3.3-расм. Лоренц эгри чизиғи**

Графикдаги 0F чизиғи даромадларни абсолют текис (тенг) тақсимланганини ифодалайди. 0EF чизиғи эса абсолют нотекис

тақсимланганини ифодалайди. Лоренц эгри чизиғи 0ABCDF даромадларни реал, ҳақиқий тақсимланишини ифодалайди. Даромадлар нотекис тақсимланиши Джин коэффициенти *Дж* билан белгиланади, у 0ABCDF юза (3.1-расмда штрихланган юза) 0FE учбурчак юзасига нисбати билан аниқланади[37]:

$$Дж = \frac{S_{0ABCDF}}{S_{0FE}} \qquad (3.1)$$

Агар аҳолининг барча қисмлари даромади бир хил бўлса, яъни даромад текис тақсимланган бўлса, у ҳолда 20 фоиз аҳолига 20 фоиз даромад, 40 фоиз аҳолига эса 40 фоиз даромад тўғри келади ва ҳоказо.

Амалда аҳолининг энг кам таъминланган қисмига даромадни 5–6 фоизи тўғри келса, энг бой аҳоли қисмига 40–45 фоизи тўғри келади. Шунинг учун ҳам Лоренц эгри чизиғи даромадларни абсолют текис ва нотекис тақсимланишини ифодаловчи чизиқлар ўртасида жойлашган. Даромадлар тақсимланиши қанча нотекис бўлса, Лоренц эгри чизиғи шунча Е нуқтага томон ботиқ бўлади. Даромадлар тақсимланиши қанча текис бўлса, Лоренц эгри чизиғи тўғриланиб 0F чизиғига шунча яқинлашади. Шуни таъкидлаш жоизки, Джин коэффициенти аҳолининг йирик гуруҳлари ичидаги нотекисликни ҳисобга олмайди.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишни Бухоро вилояти саноат корхоналарида ишловчилар даромадлари тақсимланиши асосида ўрганилди. Бунинг учун вилоятдаги саноат корхоналарида ишловчиларнинг иш ҳақлари таҳлил қилинди. Вилоятдаги саноат корхоналари тармоқлар бўйича туркумларга бўлиниб, улардаги ишловчилар сони ва ўртача ойлик иш ҳақи таҳлил қилинди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, аҳоли деганда фақат саноат корхоналарида ишловчилар назарда тутилмоқда. Чунки саноат корхоналаридан олинадиган даромад уларнинг оила аъзоларига ҳам манфаат келтиради, яъни ишловчи нафақат ўзининг, балки бутун оила аъзоларининг турмуш даражасини ҳам таъминлайди. Шунингдек, даромад деганда фақат иш ҳақи назарда тутилмоқда.

Саноатнинг турли тармоқларида ишловчилар шартли равишда турли ижтимоий гуруҳлар деб қабул қилинди (3.6-жадвал).

---

[37] Ғуломов С. С., Алимов Р. Х., Салимов Б. Т., Ходиев Б. Ю., Ишназаров А. И. Микроиқтисодиёт. Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. 276-бет.

*3.6-жадвал*

**Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида ишловчилар сони ва уларнинг иш ҳақи таҳлили**

| № | Саноат тармоқ-лари | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Енгил саноат | Ишловчилар сони, м.киши | 19,6 | 23,5 | 27,3 | 29,6 | 30,2 | 154,1 |
| | | Ўртача ойлик иш ҳақи, м.с | 118,2 | 183,5 | 237,8 | 304,4 | 422,0 | 357,0 |
| 2 | Озиқ-овқат саноати | Ишловчилар сони, м.киши | 8,4 | 10,1 | 9,2 | 10,6 | 10,8 | 128,6 |
| | | Ўртача ойлик иш ҳақи, м.с | 188,3 | 293,8 | 380,1 | 475,2 | 658,2 | 349,5 |
| 3 | Ёқилғи саноати | Ишловчилар сони, м.киши | 38,1 | 34,8 | 40,2 | 42,9 | 43,8 | 114,9 |
| | | Ўртача ойлик иш ҳақи, м.с | 393,1 | 611,9 | 789,9 | 947,8 | 1310,6 | 333,4 |
| 4 | Машина-созлик ва қурилиш материали саноати | Ишловчилар сони, м.киши | 5,6 | 6,4 | 4,0 | 4,3 | 4,5 | 80,4 |
| | | Ўртача ойлик иш ҳақи, м.с | 293,0 | 455,6 | 588,6 | 723,9 | 1003,0 | 342,3 |
| 5 | Бошқа саноат корхона-лари | Ишловчилар сони, м. киши | 3,8 | 5,0 | 1,3 | 1,5 | 1,4 | 36,8 |
| | | Ўртача ойлик иш ҳақи, м.с | 232,1 | 360,5 | 468,7 | 681,2 | 943,9 | 406,6 |
| 6 | Жами | Ишловчилар сони, м.киши | 75,5 | 79,8 | 83,4 | 87,1 | 90,7 | 120,1 |
| | | Ўртача ойлик иш ҳақи, м.с | 244,7 | 380,0 | 493,8 | 568,0 | 787,3 | 321,7 |

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, вилоятдаги саноат корхоналарида ишловчилар беш қисмга, яъни беш квинтелга бўлиб олинди. Ҳар бир квинтелга (бешдан бир қисмига) ишловчиларнинг 20 фоизи киритилди. Бу вилоятдаги саноат тармоқлари бўйича белгилаб олинди.

Ишловчилар тоифалари тармоқлар бўйича координата ўқига энг кам даромадга эга бўлган қисмидан энг кўп даромад оладиган

қисмигача кетма-кетликда жойлаштирилди. Кам таъминланганлик борасида биринчи 20 фоиз ишловчиларни енгил саноат корхоналари ходимлари ташкил этади ва улар умумий даромаднинг 9,6 фоизини олади. Саноат тармоқлари орасида энг яхши иқтисодий таъминланган 20 фоиз ишловчилар ёқилғи саноати ходимлари бўлиб, улар жами даромаднинг 32,2 фоизини олади. Бу маълумотлардан келиб чиқиб 2009 йил учун Джин коэффициенти ҳисобланди. Бунда вилоят саноат корхоналари учун чизилган Лоренц эгри чизиғидан фойдаланилди (3.4-расм).




**3.4-расм. Бухоро вилояти саноат корхоналари учун Лоренц эгри чизиғи**

Джин коффициенти қуйидагича топилди:

$$Дж = \frac{S_{0ABF}}{S_{0FE}} \tag{3.2}$$

бу ерда: $S_{0ABF} = S_{0FE} - S_{0ABFE}$

$S_{0ABFE}$ юзи=0AN учбурчак юзи $+S_{NABM}$ трапеция юзи $+S_{MBFE}$ трапеция юзи

$$S_{OAN} = \frac{20 \cdot 9,6}{2} = 96$$

$$S_{ABMN} = \frac{58,2 \cdot 60}{2} + 9,6 \cdot 60 = 1746 + 576 = 2322$$

$$S_{BFME} = \frac{20 \cdot 32,2}{2} + 20 \cdot 67,8 = 322 + 1356 = 1678$$

$$S_{OABFE} = S_{OAN} + S_{ABMN} + S_{BFME} = 96 + 2322 + 1678 = 4096$$

$$S_{0FE} = 100 \cdot 100 \cdot 0,5 = 5000$$

Джин коэффициенти ҳисобланди:

$$Дж = \frac{5000 - 4096}{5000} = 0{,}18$$

*3.7-жадвал*

**Бухоро вилоятидаги иқтисодиёт тармоқларида ишловчилар сони ва уларнинг иш ҳақи**

| № | Иқтисо-диёт тармоқ-лари | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2011 йил-да 2007 йилга нис-батан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Саноат | Ишловчилар сони, м.киши | 75,5 | 79,8 | 83,4 | 87,1 | 90,7 | 120,1 |
| | | Уртача ойлик иш ҳақи, м.с | 244,7 | 380,0 | 393,8 | 568,0 | 787,3 | 321,7 |
| 2 | Қишлоқ хўжалиги | Ишловчилар сони, м.киши | 239,4 | 242,7 | 240,2 | 239,6 | 243,9 | 101,8 |
| | | Уртача ойлик иш ҳақи, м.с | 119,2 | 158,4 | 232,6 | 287,2 | 306,4 | 257,0 |
| 3 | Курилиш | Ишловчилар сони, м.киши | 66,5 | 69,5 | 75,0 | 79,9 | 82,2 | 123,6 |
| | | Уртача ойлик иш ҳақи, м.с | 463,7 | 540,2 | 566,2 | 588,8 | 584,3 | 126,0 |
| 4 | Транспорт ва алоқа | Ишловчилар сони, м.киши | 25,2 | 22,6 | 40,5 | 42,1 | 42,8 | 169,8 |
| | | Уртача ойлик иш ҳақи, м.с | 251,8 | 333,6 | 343,6 | 405,1 | 535,5 | 212,6 |
| 5 | Бошқа тармоқлар | Ишловчилар сони, м. киши | 301,3 | 314,5 | 310,4 | 319,4 | 325,1 | 107,9 |
| | | Уртача ойлик иш ҳақи, м.с | 168,1 | 207,9 | 273,8 | 338,2 | 498,5 | 296,5 |
| 6 | Жами | Ишловчилар сони, м.киши | 707,9 | 729,1 | 749,5 | 768,1 | 784,7 | 110,8 |
| | | Уртача ойлик иш ҳақи, м.с | 190,9 | 256,3 | 312,1 | 375,1 | 472,9 | 247,7 |

Джин коэффициенти, одатда, 0 ва 1 оралиғида бўлади, агар бу коэффициент қанча 0 га яқин бўлса, даромад шунча текис тақсимланади, бу 1 га қанча яқин борса, даромад шунча нотекис тақсимланган бўлади. Джин коэффициенти саноатда 2008 йилда 0,18 ни, 2009 йилда 0,17 ни, 2010 йилда эса 0,16 ни таш-

кил этди. Иқтисодиёт тармоқларида бу коэффициент 2008 йилда 0,19 га, 2009 йилда 0,14 га ва 2010 йилда 0,11 га тенг бўлди. Демак, саноатда ва иқтисодиёт тармоқларида даромадлар тақсимланиши текислашмоқда. Иқтисодиёт тармоқларида даромадлар тақсимланиши саноатдагига нисбатан яхшироқ бўлган, у юқори суръатлар билан ижобий томонга ўзгармоқда.

Саноат корхоналарида иш ҳақи белгилашда бу натижаларни инобатга олиш лозим. Ишловчилар иш ҳақи кам бўлган енгил саноатда иш ҳақини кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш керак. Енгил саноат корхоналаридаги меҳнат жараёнининг хусусияти шундан иборатки, мазкур тармоқ корхоналарида кўпроқ қўл меҳнатидан фойдаланилмоқда. Енгил саноат корхоналарида иш ҳақини ошириш учун корхоналарда мавжуд салоҳиятдан тўла фойдаланиш ва самарадорликни ошириш зарур.

*3.8-жадвал*

**Бухоро вилояти саноат корхоналари ишловчиларининг иқтисодиётда бандлар таркибидаги улуши**

| № | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Аҳоли сони, минг киши | 1566,1 | 1588,8 | 1612,5 | 1683,4 | 1707,4 | 109,0 |
| 2 | Иқтисодиёт соҳаларида бандлар сони,минг киши | 707,9 | 729,1 | 749,5 | 768,1 | 784,7 | 110,8 |
| 3 | Саноат корхоналари ишловчилари сони, м. киши | 75,5 | 79,8 | 83,4 | 87,1 | 90,7 | 120,1 |
| 4 | Саноат корхоналарида ишловчиларнинг бандлар таркибидаги улуши,% | 10,6 | 10,9 | 11,1 | 11,4 | 11,5 | +1,2 п |

Жадвалдан саноат корхоналарида ишловчиларнинг иқтисодиётда бандлар таркибидаги улуши ошганлигини кўриш мумкин. Иқтисодиёт соҳаларида бандлар сони ошиши билан мос равишда саноат корхоналарида ишловчилар сони кўпайган. Бу саноатни ривожлантириш ва саноатда иш билан бандликни ошириш тадбирлари амалга оширилиши натижасида рўй берган.

Юқоридаги таҳлил натижалари асосида аҳоли турмуш даражасини оширишни саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлиги ўрганилади.

## 3.2. Бухоро вилоятида аҳоли турмуш даражаси ва унинг саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлиги

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга аҳоли даромадлари ва харажатлари таркибидаги ўзгаришлар таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида аҳоли даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Масалан, аҳоли даромадлари таркибида капиталдан олинадиган даромад, дивиденд, фойда, тадбиркорлик даромади ва чет эл валютасини харид қилишдан олинадиган даромад каби даромад турларининг салмоғи йиллар ўтгани сайин ошиб бормоқда. Шунингдек, аҳоли харажатлари таркибида ҳам ўзгаришлар рўй бериб, аҳолининг омонатларга, қимматли қоғозлар ва валюта сотиб олишга харажатлари кабилар аҳоли харажатлари таркибида салмоқли ўрин эгалламоқда.

Капиталдан олинадиган даромад, яъни дивиденд – фойданинг устав капиталини шакллантиришга қўшган ҳиссаси ёки фойданинг сотиб олинган акциялар қийматига нисбатидир. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кўпчилик қисми капитал қўювчи ёки акция эгалари ҳисобланади. Аҳоли ишлаб чиқаришга, жумладан, саноат корхоналарини ривожлатиришга капитал киритиб, саноат корхоналари самарадорлиги ошишига ҳисса қўшади ва бу орқали маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад аҳолининг тадбиркорлик даромадлари таркибида ўз ифодасини топади. Бозор муносабатлари чуқурлашиб боргани сари аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари миқдори ошиб боради. Бу аҳолининг саноат корхоналарини ривожлантириш учун ҳисса қўшиб, капитал киритиб ёки саноат корхоналари акцияларини сотиб олиб, капиталдан олинадиган даромад, дивиденд ва бошқа даромадларга эга бўлгани ҳолда турмуш даражасини ошириб бориш имкониятини кўпайтиради. Бухоро вилоятида аҳолининг даромадлари ва харажатлари таркиби 3.9-жадвалда келтирилган (Аҳоли даромадлари тўғрисидаги тўлиқроқ маълумотлар 4-иловада берилган).

*3.9-жадвал*

**Бухоро вилоятида аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари таркиби динамикаси**

| Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Пул даромадлари, жами: | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Шу жумладан: | | | | | |
| – Меҳнатга ҳақ тўлашдан ва корхоналардан олинган бошқа даромадлар | 28,7 | 29,3 | 32,8 | 21,0 | 19,7 |
| – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан даромадлар | 27,7 | 24,6 | 18,2 | 10,7 | 20,1 |
| – Тадбиркорлик даромадлари ва бошқа даромадлар | 32,9 | 33,2 | 34,7 | 46,7 | 51,1 |
| – Ижтимоий трансфертлар | 10,7 | 12,9 | 14,3 | 9,8 | 9,1 |
| Пул харажатлари, жами: | 85,7 | 86,7 | 88,3 | 88,2 | 88,0 |
| Шу жумладан: | | | | | |
| – Истеъмол товарлари сотиб олиш учун харажатлар | 68,2 | 69,0 | 70,1 | 70,0 | 67,5 |
| – Мажбурий тўловлар ва бадаллар | 7,1 | 6,2 | 6,2 | 5,4 | 7,6 |
| – Омонатлар, қимматли қоғоз ва валюта сотиб олиш эвазига олинган жамғармалар | 10,4 | 11,5 | 12,0 | 12,8 | 12,9 |
| Аҳоли қўлидаги пулнинг ўсиши | 14,3 | 13,3 | 11,7 | 11,8 | 12,0 |

Бухоро вилояти аҳолиси пул даромадлари таркибида энг кўп улушни тадбиркорлик даромадлари ташкил этган. Меҳнатга ҳақ тўлашдан олинган ва корхоналардан олинадиган бошқа даромадларнинг улуши камаймоқда. Аҳолининг ижтимоий транферт тўловларидан оладиган даромадлари улуши камайган. Аҳолининг пул харажатлари таркибида энг кўп улушни истеъмол товарлари сотиб олиш харажатлари эгаллаган. Мажбурий тўлов ва бадаллар, омонатлар, қимматли қоғозлар ва валюта сотиб олиш эвазига жамғармалар учун сарфланадиган маблағлар миқдори ошмокда. Аҳолининг қўлида қоладиган пул маблағлари миқдори ошган. Умуман, Бухоро вилоятида аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси ижобий томонга ўзгармоқда.

Бухоро вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли даромадлари ошмокда ва аҳоли даромадларининг таркибий тузилиши яхшиланмоқда. Аҳоли турмуш даражаси ошиши учун даромадлар ошишининг ўзи етарли бўлмай, мамлакат-

да нархлар даражаси барқарор бўлиши лозим. Шунинг учун аҳолининг номинал ва реал даромадлари ўрганилади.

Аҳолининг номинал даромади ишловчининг муайян турдаги ишларни бажаргани учун унинг меҳнати натижасига қараб бериладиган иш ҳақи кўринишидаги жами даромадларни ифодалайди. Аҳолининг номинал даромади аҳолини ўз мулкидан (рента, фоиз, фойда, акциядан дивиденд кўринишида) оладиган даромадлари ва меҳнатидан олган даромади (иш ҳақи, тадбиркорлик даромади) йиғиндиси сифатида ифодаланади. Лекин номинал даромад аҳоли турмуш даражасини етарли даражада тўлиқ баҳолай олмайди. Чунки бу даромад жорий истеъмол нархларида кўрсатилади. Яъни, бунда инфляция суръати инобатга олинмайди. Буни ўрганиш мақсадида аҳолининг реал даромади тушинчаси қўлланилади.

Аҳолининг реал даромади жами пул даромадларидан турли тўловлар (солиқлар, ижтимоий суғурта ажратмалари) ажратилгандан кейин қоладиган пул даромадини истеъмол нархлари индексига бўлиш орқали аниқланади[38]:

$$АРД = \frac{НД - Т}{ИНИ} \qquad (3.3)$$

Бу ерда:

*НД* – номинал даромад;

*Т* – турли хил тўловлар;

*ИНИ* – истеъмол нархлари индекси.

Аҳоли реал даромадларини ўрганишда реал даромад индекси тушунчаси қўлланилади. У жорий йилдаги аҳоли реал даромадларининг базис йилидаги аҳоли реал даромадларига нисбатини нарх индексига бўлиш орқали топилади:

$$I_{АРД} = \frac{АРД_1}{АРД_0} : I_p \qquad (3.4)$$

Бу ерда:

$АРД_1$ – жорий йилдаги аҳолининг реал даромадлари;

$АРД_0$ – базис йилидаги аҳолининг реал даромадлари;

$I_p$ – умумий нарх индекси.

Реал даромад истеъмол товарлари ва турли хизматлар ифодаланган даромад бўлиб, пул даромадининг харид қобилиятини билдиради, аҳоли турмуш даражасини умумлашган ҳолда ифодалайди. Вилоятда аҳолининг номинал ва реал даромадлари 3.10-жадвал орқали таҳлил қилинади.

---

[38] Ғ о й и б н а з а р о в Б. К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Тошкент: Фан, 2005. 24-бет.

*3.10-жадвал*

**Бухоро вилоятида аҳолининг реал пул даромадлари миқдори**

| № | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Аҳолининг наминал даромади, млрд. сўм | 944,3 | 1344,9 | 1701,3 | 2136,3 | 2796,4 |
| 2 | Умумий номинал даромаддан чегириб ташланадиган турли тўловлар млрд. сўм | 70,8 | 84,0 | 105,4 | 149,5 | 195,7 |
| 3 | Аҳолининг ихтиёридаги даромади, жорий нархларда, млрд. сўм | 923,5 | 1260,9 | 1595,9 | 1986,8 | 2600,7 |
| 4 | Истеъмол нархлари индекси | 1,07 | 1,06 | 1,05 | 1,04 | 1,03 |
| 5 | Аҳолининг реал даромади, таққослама нархларда, млрд. сўм | 863,1 | 1189,5 | 1519,9 | 1910,4 | 2524,9 |

Жадвалдан вилоятда аҳолининг номинал даромадлари ошиб бораётганлиги кўриниб турибди. Номинал даромаддан чегириб ташланадиган турли тўловлар миқдори ҳам ошиши кузатилган. Истеъмол нархлари индекси эса пасайган. Натижада аҳолининг реал даромадлари ўсган. Бу Бухоро вилояти учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш муаммоларини тадқиқ қилишда унинг истеъмоли ўрганилади. Аҳоли истеъмоли таркиби, асосан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларидан иборат. Бу маҳсулотларнинг Бухоро вилояти аҳолиси томонидан истеъмол қилиниши тузилмаси таҳлил қилинди. Буни амалга ошириш учун уй хўжаликларини танланма текшириш асосида олинган маълумотлардан фойдаланилди (3.11-жадвал).

Аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида асосий салмоқни озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун харажатлар эгалламоқда. 2008 йилда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари деярли тенглашган. 2009 йилда аҳоли истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишнинг улуши ошиб, ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатларининг улуши камайган. Бунинг сабаби – 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида аҳолини зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишига кўп эътибор қаратилганидир. 2010 ва 2011 йилларда аҳолининг бирламчи эҳтиёжли озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга харажатлар камайган. Аҳолининг уйдан ташқарида овқатланиш учун харажатлари ошган. Аҳоли истеъмоли таркибида

хизматлар учун тўловларнинг ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улуши ошгани ижобий ҳолатдир.

*3.11-жадвал*

**Бухоро вилоятида аҳолининг истеъмол харажатлари тузилмаси**

| Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Истеъмол харажатлари, жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Шу жумладан: | | | | | |
| Уй хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш харажатлари | 44,0 | 42,8 | 49,4 | 42,5 | 38,9 |
| Шунингдек: | | | | | |
| Нон ва нон маҳсулотлари | 13,4 | 14,9 | 13,7 | 11,7 | 10,7 |
| Картошка, сабзавот ва мевалар | 7,0 | 7,3 | 9,0 | 7,8 | 7,2 |
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 10,3 | 8,9 | 10,4 | 9,9 | 9,1 |
| Сут маҳсулотлари ва тухум | 2,4 | 2,8 | 3,6 | 3,2 | 2,9 |
| Усимлик ва мол ёғи | 4,3 | 3,2 | 4,5 | 4,0 | 3,6 |
| Шакар ва қандолат маҳсулотлари | 4,6 | 3,9 | 5,8 | 3,8 | 3,5 |
| Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари | 2,0 | 1,8 | 2,4 | 2,1 | 1,9 |
| Уйдан ташқарида (ошхона, кафеларда) овқатланиш харажатлари | 2,5 | 1,6 | 4,3 | 4,4 | 7,2 |
| Спиртли ичимликлар ва тамаки сотиб олиш учун харажатлар | 1,6 | 1,4 | 1,9 | 1,8 | 1,4 |
| Шахсий истеъмол учун ноозиқ-овқат сотиб олишга харажатлар | 37,1 | 42,3 | 27,9 | 32,6 | 39,7 |
| Турли хил хизматлар учун тўловлар | 14,8 | 11,9 | 16,5 | 18,7 | 12,8 |

Аҳолининг моддий неъмат ва хизматларни истеъмол қилиш даражаси ва тузилмаси аҳоли турмуш даражасининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражасини тавсифлашда ноишлаб чиқариш маҳсулотлари истеъмоли, яъни хизмат кўрсатиш соҳасидаги муассасалар маҳсулоти истеъмоли кўрсаткичларидан фойдаланилади. Аҳолининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ўрганишда муайян хусусиятлар мавжуд. Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли умумий харажатларнинг 60 фоизи атрофида бўлиши лозим[39]. Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли кўрсаткичини аҳоли жон бошига ҳисоблашда натурал ва шартли натурал ўлчов бирликлари қўлланилади. Аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли кўрсаткичининг муҳим хусусияти шунда намоён бўладики, уни алоҳида минтақалар аҳолиси ва тармоқлар ходимлари бўйича таққослашда истеъмолчилар тар-

[39] Ғойибназаров Б. К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. 31-бет.

киби, уларнинг ёши, жинси, машғулоти ва бошқалар ҳисобга олиниши зарур. Масалан, енгил саноат корхоналарида ишловчиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этса, ёқилғи саноатида асосан эркаклар фаолият кўрсатади, енгил саноат корхоналари ишловчиларининг даромадлари ёқилғи саноати ишловчиларникига нисбатан кам. Демак, енгил саноат ва ёқилғи саноатида ишловчиларнинг истеъмоли таркибида маълум фарқлар мавжуд бўлади.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида турмуш даражаси ошиши саноат корхоналарида ишловчиларнинг даромади билан боғлиқ. Ишловчилар даромадини саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлигини ифодалаш учун аҳоли турмуш даражасининг саноат корхоналари самарадорлигига боғлиқлик коэффициенти ўрганилди.

Дастлаб, саноат корхоналари самарадорлиги ($E_L$) аниқлаб олинди. Шуни таъкидлаш керакки, ўрганишни осонлаштириш учун саноат корхоналарида ишловчилар даромади фақат иш ҳақидан иборат ва саноат корхоналари самарадорлиги меҳнат унумдорлигига тенг деб қабул қилинди.

Саноат корхоналари самарадорлиги (меҳнат унумдорлиги) қуйидагича аниқланди:

$$E_L = \frac{Q}{L} \tag{3.5}$$

Бу ерда:

$E_L$ – самарадорлик (меҳнат унумдорлиги);

$Q$ – саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$L$ – саноат корхоналари ишловчилари сони.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида турмуш даражаси ўзгариши коэффициенти саноат корхоналаридаги самарадорлик фоиз ўзгаришининг ишловчилар даромади фоиз ўзгаришига нисбатини ифодалайди[40]:

$$K_{СТД} = \frac{\Delta E_L\%}{\Delta W\%} \tag{3.6}$$

Бу ерда:

$K_{СТД}$ – саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўзгариши коэффициенти;

$\Delta E_L\%$ – саноат корхоналари самарадорлигининг % ўзгариши;

$\Delta W\%$ – ишловчилар даромади (иш ҳақи) нинг % ўзгариши.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўзгариши индекси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

[40] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$I_{СТД} = K_{СТДж.й.} / K_{СТДў.й.} \quad (3.7)$$

Бу ерда:

$I_{СТД}$ – саноат корхоналари самарадорлиги асосида турмуш даражаси ўзгариши индекси;

$K_{СТДж.й.}$ ва $K_{СТДў.й.}$ – жорий ва ўтган йиллардаги саноат корхоналари самарадорлиги асосида турмуш даражаси ўзгариши коэффициентлари.

*3.12-жадвал*

**Бухоро вилоятида саноат корхоналари самарадорлиги асосида ахоли турмуш даражаси ўзгариши коэффициенти ва индекси**

| № | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Саноат корхоналари самарадорлигининг % ўзгариши, $\Delta E_L\%$ | 132,3 | 102,5 | 111,4 | 124,1 | 127,5 |
| 2 | Ишловчилар даромадининг % ўзгариши, $\Delta W\%$ | 134,0 | 155,3 | 129,9 | 115,0 | 138,6 |
| 3 | Саноат корхоналари самарадорлиги асосида турмуш даражаси ўзгариши коэффициенти ($K_{СТД}$) | 0,98 | 0,66 | 0,86 | 1,08 | 0,92 |
| 4 | Саноат корхоналари самарадорлиги асосида турмуш даражаси ўзгариши индекси ($I_{СТД}$) | 1,40 | 0,67 | 1,30 | 1,25 | 0,85 |

Агар $K_{СТД} > 1$ бўлса, саноат корхоналари самарадорлиги аҳоли турмуш даражаси ўсишидан юқори, $K_{СТД} < 1$ бўлса, корхоналар самарадорлиги аҳоли турмуш даражаси ўсишидан паст, $K_{СТД} = 1$ бўлса, корхоналар самарадорлиги ошиши аҳоли турмуш даражаси ўсишига тенг. Агар $I_{СТД} > 1$ бўлса, саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўтган йилга нисбатан ошган, $I_{СТД} < 1$ бўлса, саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўтган йилга нисбатан пасайган, $I_{СТД} = 1$ бўлса, корхоналар самарадорлиги асосида турмуш даражаси ўзгариши ўтган йилгига тенг. Бу коэффициент ва индексларнинг таҳлили 3.12- жадвалда келтирилган.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида турмуш даражаси ўзгариши коэффициенти ўрганилган йилларда 1 дан кичик. Демак, вилоятдаги саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ўсиши иш ҳақи ошишидан паст бўлган. Саноат корхоналари самарадорлиги асосида турмуш даражаси ўзгариши индекси барқарор ўсишни ифодалайди, у 2008 ва 2011 йилларда 1 дан кичик, бу йилларда саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ўсиши олдинги йилдагидан паст бўлган, 2007, 2009, 2010 йилларда бу индекс 1 дан катта, яъни саноат корхоналари самарадорлиги ошиши натижасида аҳоли турмуш даражаси олдинги йилдагидан ошган.

Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ошишини баҳолашда, шунингдек, саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражаси билан кесишган эластиклик коэффициенти ҳам аниқланди. Бу саноат корхоналари самарадорлиги 1 фоиз ўзгариши натижасида аҳоли турмуш даражаси неча фоиз ўзгагаришини кўрсатади. Бу эса аҳоли турмуш даражаси ошишига саноат корхоналари самарадорлиги ўзгариши таъсири сезгирлигини билдиради. У қуйидаги формула орқали ифодаланади[41]:

$$E_{WE_L} = \frac{\Delta W / \overline{W}.100\%}{\Delta E_L / \overline{E_L}.100\%} \qquad (3.8)$$

Бу ерда:

$\Delta W$ – аҳоли турмуш даражаси, яъни даромадлари ўзгариши;

$\Delta E_L$ – саноат корхоналари самарадорлиги ўзгариши;

$\overline{W}$ – аҳоли турмуш даражаси, яъни даромадларининг ўртачаси;

$\overline{E_L}$ – саноат корхоналари самарадорлигининг ўртачаси.

Агар $E_{WE_L} > 1$ бўлса, аҳоли турмуш даражаси ўсиши саноат корхоналари самарадорлиги ошишидан юқори, $E_{WE_L} < 1$ бўлса, аҳоли турмуш даражаси ўсиши саноат корхоналари самарадорлиги ошишидан паст, $E_{WE_L} = 1$ бўлса, аҳоли турмуш даражаси ўсиши саноат корхоналари самарадорлиги ошиши билан мос равишда ўзгаради.

Бу тўғридан-тўғри боғлиқликни ифодаловчи эластиклик ҳисобланади, чунки саноат корхоналари самарадорлиги ва аҳоли турмуш даражаси ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд, саноат корхоналарида самарадорлик ошса, аҳоли турмуш даражаси ошади, камайиши билан камаяди. Вилоятда саноат корхоналари самарадорлиги аҳоли турмуш даражаси билан кесишган эластиклик коэффициенти ўрганилди (3.13-жадвал).

[41] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

*3.13-жадвал*

**Бухоро вилоятида аҳоли турмуш даражасининг саноат корхоналари самарадорлиги билан кесишган эластиклик коэффициенти**

| № | Кўрсаткичлар | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Саноат корхоналари ишловчилари даромади, ($W$) м.с | 244,7 | 380,0 | 493,8 | 568,0 | 787,3 |
| 2 | Саноат корхоналари самарадорлиги, ($E_L$) м.с. | 11494,0 | 11781,9 | 13131,9 | 16299,6 | 20780,6 |
| 3 | Саноат корхоналари ишловчилари даромади ўзгариши, ($\Delta W$) м.с | 62,1 | 135,3 | 113,8 | 74,2 | 219,3 |
| 4 | Саноат корхоналари самарадорлиги ўзгариши, ($\Delta E_L$) м.с | 3483,8 | 287,9 | 1350,0 | 3167,7 | 4481,0 |
| 5 | Саноат корхоналари ишловчилари даромадининг ўртачаси, ($\overline{W}$) м.с | 213,6 | 312,3 | 436,9 | 530,9 | 677,6 |
| 6 | Саноат корхоналари самарадорлигининг ўртачаси, ($\overline{E_L}$) м.с | 9975,1 | 11637,9 | 12456,9 | 14715,7 | 18540,1 |
| 7 | Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ кесишган эластиклик коэффициенти ($E_{WE_L}$) | 0,83 | 17,4 | 2,4 | 0,64 | 1,34 |

Жадвал маълумотларидан таҳлил қилинган йилларда кесишган эластиклик коэффициенти турли тенденцияларда ўзгарганлиги кўриниб турибди. Демак, ўрганилган йилларда вилоятда аҳоли турмуш даражаси ва саноат корхоналари самарадорлиги беқарор ўзгарган. Яъни, аҳоли турмуш даражасига саноат корхоналари самарадорлиги турлича таъсир кўрсатган.

Юқоридаги таҳлиллар саноат корхоналари самарадорлиги аҳоли даромадлари ўсишидан паст бўлганини кўрсатмоқда. Шунинг учун Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида самарадорликни оширишга эътиборни кучайтириш ва ишловчиларга иш ҳақи тўлашни самарадорлик билан мувофиқлаштириш керак. Бу саноат корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари ва имкониятларини излаб топиш зарурлигини кўрсатади.

## 3.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг саноат корхоналари самарадорлиги ва аҳоли турмуш даражасига таъсири ва уни камайтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар

Ўзбекистон ўзи танлаб олган истиқлол ва тараққиёт йўлидан илдамлаб бораётган экан, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг рўй бериши Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатиб, иқтисодий ислоҳотлар юритишда сергакроқ бўлишни, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда иқтисодий имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишни талаб этмоқда.

Мамлакат Президенти И.А.Каримов "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарида инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини кўрсатиб бериб, инқироз даврида аҳолининг турмуш даражасини ошириш устувор вазифа бўлиб қолишини таъкидладилар.

Мамлакатда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишига қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича қўлга киритилаётган натижалар ошиб бормоқда.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаёт даражаси, биринчи навбатда, аҳолининг даромадлари миқдори билан белгиланади. Ўтган 2012 йилда бу кўрсаткич юртимизда 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди.

Умуман олганда, 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда"[42].

---

[42] Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

Ўзбекистонда бюджет соҳасида фаолият юритувчи ходимлар иш ҳақининг барқарор ошиб боришига жиддий эътибор қаратилмоқда (3.5-расм).




**3.5-расм. Бюджет соҳасида фаолият юритувчи ходимлар иш ҳақининг ўзгариш динамикаси, марта**

Мамлакатимизда 2011 йилда аҳолининг умумий даромадлари ўсиши 131,6 фоизни, аҳолининг реал умумий даромадлари ўсиши 122, 7 фоизни ташкил этди. 2011 йилда аҳоли жон бошига умумий даромаднинг ўсиши 128,1 фоизни ташкил этган бўлса, аҳоли жон бошига реал умумий даромаднинг ўсиши 119,4 фоизга тенг бўлди (3.6-расм).




**3.6-расм. Аҳоли реал пул даромадларининг ўзгариши (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**

“Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги 8,0 баробарни ташкил этганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан

бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатимизнинг самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”[43].

Бухоро вилоятида аҳолининг умумий даромадлари ўсиши 2011 йилда 130,9 фоизни, 2012 йилда 126,4 фоизни ташкил этди. Вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромад миқдори 2011 йилда 2594,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3219,4 минг сўмга тенг бўлди. Аҳоли жон бошига реал даромаднинг ўсиши 2011 йилда 118,4 фоизни, 2012 йилда 115,7 фоизни ташкил этди. Аҳолининг умумий даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромаднинг улуши 2011 йилда 54,1 фоизга, 2012 йилда эса 55,4 фоизга тенг бўлди.

Инқироз шароитида аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларига жиддий эътибор қаратилди. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов шундай таъкидлайдилар: “Мамлакатимизда **янги иш ўринларини яратиш,** аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни ишга жойлаштириш муаммосига ғоят катта эътибор берилаётгани ҳақида бугун ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди”[44].

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ислоҳотлар жараёнида ишчи кучи бандлигини таъминлаш асосида аҳоли даромадларини ошириш бўйича ўзига хос усуллар қўлланилиб, уй меҳнатини, касаначилик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда инқироз даврида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида бел-

---

[43] Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

[44] Ўша жойда.

гиланди. Қишлоқларда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида энг аввало қишлоқда яшаётган аҳоли манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуний-меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилди.

Қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни тез суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли фаровонлигини оширишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, гўшт ва сутни қайта ишлашда, тикув, пойабзал, мебель ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда кўплаб янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Айни пайтда ҳар бир вилоятда хорижда ишлаб чиқарилган юқори технологияга асосланган мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш янги иш ўринлари сонини янада оширади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози уй хўжаликлари турмуш тарзига, ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигига, оилаларнинг истеъмоли таркибига, аҳоли даромадлари миқдори ва таркиби ўзгаришига таъсир кўрсатди. Аҳоли моддий аҳволининг асосий кўрсаткичи аҳоли даромади ва харажатлари ҳисобланади. Оилалар турмуш шароитини ўрганишнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, улардан бири – ишловчилар билан сўровнома ўтказишдир. Сўровнома ижтимоий-иқтисодий статистика соҳасининг бир қисми бўлиб, у аҳоли турмуш даражасини, асосан, моддий фаровонлигини ўрганади. Сўровнома саноат корхоналарида ишловчиларнинг фаровонлиги ҳақида холис ва аниқ тасаввур беради, даромадлар даражасини таърифлайди, уларнинг шаклланишини ўрганади, истеъмолнинг даромадга боғлиқлигини кўрсатади, саноат корхоналарида ишловчиларни қўлида қоладиган истеъмол ва тўловлардан ортган даромадлар ҳақида маълумот беради. Шу боис 2010 йилда Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари ишловчилари орасида сўровнома ўтказилди.

Ишловчилар турмуш даражасини ўрганиш учун саноат корхоналаридаги иш ўринларида сўровнома ўтказишда ишловчиларнинг оила аъзолари сони ва тоифаси, оила аъзоларининг малака даражаси, оилада олинадиган даромад миқдори ва унинг шаклланиш манбалари, оиланинг умумий пул даромади таркибида саноат корхоналаридан олинган даромаднинг улуши, аҳолининг харажатлари, ой охирида аҳоли қўлида қоладиган пул маблағлари, саноат маҳсулотлари истеъмоли кабилар ўрганилди.

Сўровнома, асосан, вилоятдаги озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарида, жумладан: “Пешкў-текс”, “Бухоро-гилам”, “Спектрум Тектсиль Колорс” “Қоракўл-текс” қўшма корхоналарида, “Шохруд”, “Когон-ёғ”, “Бухоро-дон” ҳиссадорлик жамиятларида, “Пойкент-текстиль” хорижий корхонасида ва “Касатка”, “Шахбоз-Шахром” хусусий корхоналарида 10 тадан ишловчидан, жами 100 киши билан ўтказилди. Сўровнома саволларига жавоб берганлар 58 нафар аёл ва 42 нафар эркакларни ташкил этди. Сўровномага жавоб берганлар касбига кўра 69 нафар ишчи, 19 нафар муҳандис-техник ходим, 1 нафар корхона раҳбари ва 11 нафар хизматчидан иборат бўлди. Респондентларнинг ўртача ёши 32,3 га тенг бўлди ва сўровнома ўтказилган ишловчиларнинг оилаларида жами 506 киши яшаши аниқланди.

Сўровнома ўтказилган оилалар бир ойда ўртача 734, 6 минг сўм даромад олиши маълум бўлди. Жами ойлик пул даромадлари таркибининг 50,4 %и иш ҳақи, 16,1 %и тадбиркорлик даромадлари, 8,9 %и ижтимоий трансфертлар, 8,6 %и шахсий томорқа хўжаликларидан олинадиган даромад, 14,9 %и хорижий давлатлардан келадиган даромадлардан иборатлиги аниқланди. Жами ойлик пул даромадининг 78 % и истеъмолга сарфланиши ва 22 % и жамғарилиши маълум бўлди. Истеъмолга кетадиган харажатларнинг 35 %и озиқ-овқат маҳсулотлари, 39,7%и ноозиқ-овқат маҳсулотлар сотиб олишга, 7,2 % и умумий овқатланишга, 1,4 % и спиртли ичимликлар сотиб олишга, 9 % и турли тўловларни тўлашга, 1,8 % и мажбурий тўловларга ва 3,4 % и бошқа харажатларга сарфланган.

“Агар қўлингизда истеъмол ва тўловлардан ортган қўшимча пул маблағлар бўлса, ундан неча фоизини саноат корхоналарини ривожлантиришга киритган бўлардингиз?” деган саволга жавоб бериш ихтиёрий бўлиб, бу саволга жами 39 киши, яъни раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар ва даромади юқори бўлган ишчилар жавоб беришди ва улар қўлларидаги бўш пул маблағларининг 75,7 фоизини саноат соҳаларини ривожлантириш учун киритиши мумкинлигини айтишди (Саноат корхоналари ишловчилари билан ўтказилган сўровнома шакли ва натижалари 18, 19-иловаларда берилган).

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бериши билан Ўзбекистонда инқирозни олдини олиш борасида иқтисодиётдаги реал ҳолат ва шароитлар ҳисобга олиниб, инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда инқирозга қарши чоралар дастури асосида барча тармоқ ва ҳудудларда аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу бўйича Бухоро вилоятининг ҳудудий дастури ишлаб чиқилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарининг барқарор ривожланишини қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, реал сектор тармоқлари барқарор суръатда ўсишига қаратилган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги (2008 йил 28 ноябрь) ПФ-4058 сонли Фармони қабул қилинди. Фармонда қуйидагиларни амалга ошириш белгиланди:

– маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

– 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6–8 фоиздан оширмаслик ва бошқалар.

Реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш алоҳида ўрин тутади. Президент Ислом Каримов "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарида инқирозга қарши чоралар дастурининг аниқ бўлимлари, унда белгиланган чора-тадбирлар тўғрисида тўхталиб ўтиб, улар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар. Бухоро вилоятида ҳам инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни бажариш тадбирлари амалга оширилмоқда.

**Биринчидан,** корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

Бу вазифа, аввалambор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишли. Ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бухоро вилоятидаги етакчи саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтишда турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда келтирилган лойиҳаларнинг

амалга оширилиши натижасида Бухоро шаҳрида «ДЭУ текстиль» тўқимачилик комплекси ишга туширилди.

**Иккинчидан,** жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналар ташқи бозорда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омилларни яратиш.

Вилоятдаги маҳсулотларни экспорт қилувчи саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

– экспорт қилувчи корхоналар кредиторлик қарзларини реструктуризация қилиш ва бюджет, бюджетдан ташқари фондларга, электр энергетика, табиий газ таъминоти ва бошқа коммунал хизматлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқаришни молия ва иқтисодиёт вазирликлари томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоблар асосида амалга оширмоқда;

– экспорт қилувчи саноат корхоналарига қўшимча қиймат солиғи суммасини қайтариш муддати 20 кунгача қисқартирилди.

– тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солиқ имтиёзи муддати 2012 йилгача узайтирилди.

**Учинчидан,** қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналар рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётдаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун ҳар бир корхонада ўз фаолият йўналиши бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш омилларини излаб топиш вазифаси белгиланди.

Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида таннархни пасайтириш йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилди:

– материаллар сарфи меъёрларини камайтириш;

– ресурсларни қулай нархларда сотиб олиш;

– маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

– маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш даражасини ошириш;

– фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларини ҳисобдан чиқариш;

– маъмурий бошқарув ходимлари сонини қисқартириш ва бошқалар.

Саноат корхоналарида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш бўйича Бухоро вилоятидаги енгил саноат корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш тадбирлари ўрганилди. Маҳсулот таннархини камайтириш ва саноат корхоналарида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар "Пешкў-текс" Ўзбекистон-Беларусь қўшма корхонасида қўлланиб, ўрганилди ва корхонада маҳсулот таннахини камайтириш тадбирларини амалга ошириш бўйича таклифлар киритилди. Бу тадбирлар корхонада ишлаб чиқариш самрадорлигини ва ходимлар масъулиятини ошириш бўйича белгиланди. Мазкур тадбирлар амалга оширилиши натижасида корхонада 246,242 млн. сўмлик самара олинди. Бу тўғридаги маълумотлар 20, 21-иловаларда келтирилган. Мазкур тадбирларни корхонада жорий қилиниши тўғрисида далолатнома тузилди.

**Тўртинчидан,** электр энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Бу бўйича 2009–2015 йилларга мўлжалланган Бухор вилоятининг ҳудудий дастури ишлаб чиқилди ва унинг доирасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

– магистрал ва локал тармоқлар бўйича электр энергиясини узатиш пайтида йўқотишларни камайтириш мақсадида 2009–2015 йилларда тармоқ хўжалигини модернизация қилиш дастури тузилди;

– 2010 йил давомида вилоятдаги саноат корхоналари учун энергия истеъмоли самарадорлиги меъёрлари ишлаб чиқилди ва 2009–2015 йилларда йирик электр энергия истеъмолчиларида кўп энергия талаб қилувчи жиҳозлар, технологиялар ва электр ёритиш мосламаларини мажбурий тартибда босқичма-босқич алмаштириш тадбирлари белгилаб берилди;

– вилоятдаги саноат корхоналарида ноанъанавий ва янгиланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, жумладан, фотоэлектр станцияларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шамол, қуёш энергиясидан фойдаланиш тажриба мосламаларини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

**Бешинчидан,** жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Бухоро вилоятининг ҳудудий маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилади-

ган лойиҳалар сонини кўпайтириш белгиланди. Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳасига киритилган корхоналарга 2012 йилнинг 1 январигача қуйдаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилди:

– гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун, бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан, солиқ тўловлари ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

– тайёр ноозиқ-овқат товарларининг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш;

– маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган Республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва четдан келтириладиган асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларни бож тўловларидан озод қилиш.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини мамлакат иқтисодиётига таъсири тўғрисида тўхталиб, Президент И.А.Каримов: "Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади[45]", – деб изоҳ бердилар.

Инқироз даврида вужудга келган бундай ҳолат мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг олдига мавжуд хомашёни имкон қадар кўпроқ ўзимизда қайта ишлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда маҳаллий шарт-шароит ва имкониятлардан кенг фойдаланиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ички бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган зарурий истеъмол товарлари билан тўлдириш, тайёр саноат маҳсулотлари экспортини кўпайтириш вазифаларини қўйди. Бу, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида саноат корхоналарининг самарадорлигини ва унинг асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг долзарблигини оширади.

---

[45] И с л о м К а р и м о в. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 12-бет.

Бухоро вилоятида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар ҳудудий дастурининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

– инқирозга қарши дастурни амалга ошириш асосида вилоятда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

– таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, биринчи навбатда халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан буни амалга ошириш;

– аҳоли турмуш даражасини ошириш, жумладан, қишлоқ турмуш сифати ва қиёфасини тубдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, қишлоқ жойларда мулкдорлар, тадбиркорлик ва кичик бизнес субъекларининг мақомини кўтариш бўйича чуқурлаштирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

– аҳоли бандлигини таъминлаш, уни турмуш сифатини оширишнинг муҳим омили сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

– мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш;

– банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Бу тадбирларни амалга ошириш жаҳон молявий-иқтисодий инқирози шароитида Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарининг самарадорлиги ва аҳоли турмуш даражаси ошишига олиб келади.

Бухоро вилоятида аҳолининг турмуш даражаси ва саноат корхоналари ривожланиши кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, жаҳон молявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарини ривожлантириш тадбирлари асосида аҳоли турмуш даражасини оширишни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, вилоятда саноатни ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг устувор йўналишлари ва унинг истиқболларини ўрганиш лозим.

# 4-БОБ

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ АСОСИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 4.1. Саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг институционал асосларини такомиллаштириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бориши билан турмуш даражасини ошириш борасида аҳолига бир қанча қулайликлар яратиб берилмоқда. Ўзбекистонда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда саноат корхоналари ривожланиши ва аҳолининг турмуш даражаси ошиб бориши учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу борада қонунларни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни иқтисодиётдаги ўзгаришлар талабидан келиб чиқиб ўзгартириш, яъни такомиллаштириш тўғрисида қуйидаги фикрларни айтиб ўтдилар: “Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур...

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада оширишга ... алоҳида эътибор беришдир”[46].

[46] Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 50–53-бетлар.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича тадқиқот олиб боришда унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга эътибор қаратилди. Бу бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва мамлакатимиздаги ҳолат ўрганилди. Биз бу бўйича янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, унумдорлик ва иш ҳақи ўсишини мувофиқлаштириш корхонадаги барча ходимларнинг маҳсулот ва технологияларни замонавийлаштиришга қизиқишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга асосланиши керак. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи маҳсулот сифати, технологияларнинг самарадорлиги, ишлаб чиқариш харажатлари кўрсаткичларини ўзида ифодалаши лозим.

Замонавий иқтисодиёт ривожланиши шароитида "бозорнинг кўринмас қўли" ва ҳуқуқий нормалар тизими унумдорлик ва иш ҳақи ўсишини тўлиқ таъминлай олмаяпти. Ўтиш даврида бозор омилларини кучайтирувчи институционал тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бу тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

– яшаш минимуми ва шунга мос равишда энг кам иш ҳақи миқдори бўйича мамлакат ҳудудларидаги сезиларли фарқларни камайтириш;

– янги технологияларга инвестиция киритиш асосида корхоналардаги барча ходимларни унумдорликни оширишга қизиқтириш;

– корхонадаги барча ходимларнинг иш жараёнида амалий ҳамкорлик қилиши учун шароит яратиш, жумладан, иш ҳақи тўлаш соҳасида вужудга келадиган низоли вазиятларни бартараф этиш;

– даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш бўйича корхоналарнинг мустақиллигини таъминлаш;

– корхона раҳбарлари ва ишчиларнинг кўпчилик қисми оладиган даромадлар ўртасидаги тафовутларни камайтириш.

Бу тадбирларни амалга ошириш мақсадида "Унумдорлик ва иш ҳақини оширишни мувофиқлаштириш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилишни таклиф этамиз. Бу қонуннинг асосий мазмуни қуйидагиларга асосланади:

– меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўсишини мувофиқлаштириш ҳудудлар бўйича амалга оширилиши керак;

– минимал иш ҳақи миқдори мамлакатдаги яшаш минимумидан келиб чиқиб белгиланиши лозим;

– ҳудудлардаги хусусий корхоналарда минимал иш ҳақи миқдори мазкур ҳудуддаги тармоқларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва жорий йилдаги инфляция даражасини инобатга олган ҳолда ҳар йили ошириб борилиши керак;

– унумдорлик ва иш ҳақи ўсиши ўртасидаги нисбат ҳудудлардаги маҳаллий ҳукумат органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда ўрнатилиши зарур;

– ҳудудлардаги нотижорат соҳаларида ва ҳукумат органларида иш ҳақи миқдорининг ошиши ўртача меҳнат унумдорлиги ўсишига ва жорий йилдаги инфляция даражасига мос равишда амалга оширилиши керак;

– корхона ишчи ва хизматчиларининг ўртача иш ҳақи корхонадаги минимал иш ҳақининг икки баробаридан кўп бўлмаслиги лозим;

– иккита кетма-кет разрядларнинг тариф ставкалари ўртасидаги фарқ 12 % дан кам бўлмаслиги керак.

Таклиф этилаётган тизимда асосий бошқариладиган омил – бу минимал иш ҳақи миқдори ҳисобланади. Уни маъмурий бошқарув органлари томонидан ҳудуддаги яшаш минимумидан келиб чиқиб ўрнатилади.

Ҳудудларда унумдорлик ва иш ҳақини бошқаришнинг муҳим воситаси унумдорлик ва иш ҳақининг ўсиш нисбатини ифодаловчи коэффициент ҳисобланади. Буни унумдорлик ва иш ҳақи динамикасини ифодаловчи чизиқлар орқали ифодалаш мумкин. Мамлакатимиз бўйича бу чизиқлар чизилса, иш ҳақи динамикасини ифодаловчи чизиқ унумдорликни ифодаловчи чизиқдан пастда жойлашади. Шунинг учун яқин йиллар ичида иш ҳақи миқдори ўсиши унумдорлик ўсишидан юқори бўлишини таъминлаш лозим. Мамлакатимиздаги бу кўрсаткичлар ривожланган давлатлардаги ҳолатга мос келувчи динамикага эришилгандан кейин унумдорлик ва иш ҳақининг ўсиш нисбатини ифодаловчи коэффициент 1 га тенг бўлиши мумкин. Унумдорлик ва иш ҳақининг нисбатини ифодаловчи коэффициентнинг аҳамиятини Марказий банкдаги қайта молиялаш ставкасига ўхшатиш мумкин. Қайта молиялаш ставкаси пул массасини тартибга солса, унумдорлик коэффициенти янги технологияларга инвестицияларни ва иш ҳақи фондини тартибга солади.

Унумдорлик ва иш ҳақини ошириш тизимининг таклиф этиладиган тузилиши 4.1-расмда ифодаланган.




**4.1-расм. Ҳудудларда иш ҳақи ва унумдорликни бошқариш схемаси**

Бу ерда:

ЯМ$^{х}$, МИҲМ$^{х}$– мос равишда ҳудуддаги яшаш минимуми ва минимал иш ҳақи миқдори.

Расмдан кўриниб турибдики, таклиф этилаётган унумдорлик ва иш ҳақини бошқариш схемасида корхоналарнинг қандайдир ички ахборотлари қўлланилмайди. Корхонларнинг маълумотларига "қора яшик" сифатида қаралади ва корхоналар томонидан фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ходимлар сони тўғрисидаги оддий статистик маълумотлар берилади. Бу маълумотлар асосида тармоқлар бўйича ва бутун ҳудуд бўйича ўртача меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи аниқланади.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси қуйидагилар учун ёрдам беради:

– Ҳудудлардаги барча корхоналарнинг самарадорликни оширишга қизиқишини таъминлайди. Агар бирор корхонада реал меҳнат унумдорлиги тармоқнинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлса, унда мазкур корхона иш ҳақи харажатлари бўйича рақобатда афзалликка эга бўлади. Агар амалдаги меҳнат унумдорлиги ҳудуднинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлса, бу корхона учун технологияларни такомилаштириш ва ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш бўйича вазифаларни ўз олдига қўяди.

– Корхонадаги барча ходимларнинг янги техник ва ташкилий қарорларни ишлаб чиқишга қизиқишини оширади. Бу корхонада ихтирочилар ва рационализаторларнинг ролини ва обрўсини оширади. Корхонадаги ҳар бир ходимнинг ва ҳар бир бўлимнинг даромади ишлаб чиқариш самарадорлигига боғлиқлигини ифодаловчи иқтисодий асос яратилади.

– Корхонада тариф келишувларини жорий этиш учун объектив асос яратилади. Корхонадаги бошқарув ходимлари ва меҳнат жамоаси инфляция даражаси ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига мослашишга мажбур бўлади. Бунда корхонадаги барча ходимлар манфаатининг баланси таъминланади: ишчилар, мутахассислар ва раҳбарларнинг даромадлари ўсиши бевосита меҳнат унумдорлиги ошишига боғлиқ бўлади.

– Касаба уюшмалари ва бошқа меҳнат жамоалари вакилларининг роли ўзгаради. Таклиф этилаётган қонун амалга оширилиши билан касаба уюшмаларининг фаолияти нафақат ишловчилар манфаатини ҳимоя қилишга, балки ишловчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга ҳам қаратилади. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги корхоналарда касаба уюшмалари унумдорлик ўсишини мулк эгалари ва бошқарувчиларнинг манфаатларидан устун қўйишига ишониш қийин. Таклиф этилаётган қонун амалий ижтимоий ҳамкорлик учун ҳуқуқий асосларни яратиб беради.

Таъкидлаш жоизки, унумдорлик ўсишига мос равишда иш ҳақининг ошиши инфляциянинг ошишига олиб келмайди, балки унумдорлик ўсиши асосида зарурий иш ҳақи миқдорига эришилгандан кейин инфляция даражаси пасайиб боради. Бирламчи эҳтиёжли товарларга талабнинг ўсиши товарлар таклифи кўпайганидан кейин паст даражага тушишига ўхшаш ҳолатда рўй беради. Демак, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси антиинфляцион ҳисобланади.

Қонун қабул қилингандан кейин маъмурият ва корхона жамоасининг фаолияти корхонадаги унумдорлик ва иш ҳақи миқдорини ҳудуддаги турдош корхоналар кўрсаткичидан паст бўлмаслигига йўналтирилади. Корхонада иш ҳақини тармоқдаги ўртача меҳнат унумдорлигига тенг бўлгунча кўтариш заруратининг пайдо бўлиши корхонани моддий ва энергия ресурсларига харажатларни камайтирадиган янги технологияларни жорий этишга ундайди. Ҳозирги вақтда кўплаб маҳаллий корхоналарда маҳсулотларнинг энергия сиғими ва материал сиғими ривожланган мамлакатлар корхоналаридагига нисбатан бир неча баробар юқоридир. Янги қабул қилинадиган қонун корхона харажатлари таркибида моддий ва энергия ресурсларига харажатларнинг улушини камайтириб, ишчи ва мутахассисларнинг иш ҳақини оширишни рағбатлантиради.

Таъкидлаш жоизки, ҳудуддаги тармоқ корхоналарининг меҳнат унумдорлиги тўғрисидаги статистик маълумотларни корхоналарга етиб бориши корхоналарнинг хўжалик фаолиятини бошқариш билан боғлиқ транзакцион харажатлари камайишига ёрдам беради.

Таклиф этилаётган қонун амал қиладиган корхоналарда яратилган қиймат структурасини оптималлаштириш учун зарур бўлган

ахборотларнинг ишончлилик даражаси ошади. Бу бўйича қўйилган вазифа асосий ходимларнинг иш ҳақи фондининг – ($F_о$), янги ғоя муллифлари оладиган пулларнинг – ($F_а$), бошқарувчилар оладиган маблағларнинг – ($F_в$), техник фондларнинг – ($F_т$), ижтимоий ривожлантириш фондининг – ($F_с$) ва дивиденд фондининг – ($F_д$) миқдорини аниқлаш бўйича қўйилади.

Асосий ходимлар иш ҳақи фондининг ($F_о$) дастлабки миқдори ҳудуддаги иш ҳақининг минимал миқдори ва тармоқдаги ўртача меҳнат унумдорлиги билан аниқланади. Бундан келиб чиқиб корхона ишлаб чиқариш рентабеллигининг зарурий даражасини таъминловчи ташкилий-техник ривожланиш дастурини ишлаб чиқади. Бунинг натижасида техник ривожланиш фонди ($F_т$) миқдори келиб чиқади. Кўп ҳолатларда янги ғоя муаллифлари оладиган пуллар ($F_а$) ва техник ривожланиш фондларининг ($F_т$) ошиши бошқарувчилар оладиган даромадларнинг ($F_в$) камайишига олиб келади. Юқоридаги ҳисоблашлар асосида корхонадаги турли ижтимоий гуруҳлар манфаатига мос келувчи нормал ишлашни таъминлайдиган қиймат таркиби аниқланади ва у тартибга солинади.

Айтиб ўтиш керакки, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси муносиб бўлмаган мулкдорлар ва бошқарувчилар томонидан бошқариладиган корхоналар фаолияти тугатилишини тезлаштириши мумкин. Ривожланган мамлактларда ҳар йили 10 фоиз атрофидаги корхоналар ўз фаолиятини тугатади, шу билан бир қаторда ҳар йили 15 фоиз атрофида янги корхоналар ташкил топади. Бунинг натижасида иқтисодиётда мулкдорлар ва бошқарувчилар алмашинуви рўй беради. Бу маҳсулот сифати доимий ўсиб боришини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишини ва охир-оқибат аҳоли турмуш даражаси ўсишини таъминлайдиган нормал ҳолат ҳисобланади.

Кўриб ўтилаётган қонун лойиҳаси янги технологияларни ўзлаштириш натижасида унумдорлик ва иш ҳақини оширишга йўналтирилган тадбирларнинг асосийси ҳисобланади. Бундан ташқари, "Корхонадаги ишлаб чиқариш кенгашлари тўғрисида"ги Қонунни ҳам қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай қонун Германияда 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида қўлланиб келинмоқда ва у корхоналар маъмурияти ҳамда ходимларининг амалий ҳамкорлигини таъминламоқда. Замонавий иқтисодиёт ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш кенгашларининг муҳим функцияси меҳнат унумдорлигини ошириш режаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳисобланади.

Иш ҳақи тўлашнинг баъзи тизимларида (масалан, Америкaнинг "Импрошейр" тизимида) ишчилар учун "нормалар тўлови" белгилаб қўйилган. У нормаларни амалда бажариб боришни таъмин-

лайди. Бу ерда меҳнат унумдорлиги ўсишига мос равишда белгиланган ишлаб чиқариш нормалари корхоналар учун ҳам, ишчилар учун ҳам қулай ҳисобланади. Биз бу услубиётни рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиш ва тежалган иқтисодий ресурслар миқдорига пропорционал равишда ишчиларга алоҳида устама ва мукофотлар белгилаш учун асос қилиб олишимиз мумкин. Бу нафақат ишчиларнинг, балки муҳандислар ва бошқа мутахассисларнинг иш ҳақини ташкил этишда ҳам қўлланилади.

Мамлакатимизда юқорида таклиф этилгани каби қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинса, саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг институционал асослари такомиллашади ва саноат корхоналарида унумдорлик ва иш ҳақининг бир-бирига мос равишда ўсиши таъминланади. Бу эса, ўз навбатида аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

## 4.2. Саноатни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш йўллари

Саноатни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга бир қатор тадбирларни амалга ошириш асосида эришилади. Буларга саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, корхоналарни модернизациялаш ва диверсификациялаш, саноатда янги ишчи ўринлари яратиш, саноат соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналарга инвестиция киритиш ва аҳолининг бўш пул маблағларини саноатни ривожлантиришга жалб этиш кабилар киради.

1. Саноатни ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналиши тармоқ соҳасидаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобланади. Таркибий ўзгаришлар иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номутаносибликларни юмшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилган тадбирлардир. Саноат таркибий тузилишини қайта қуришдан асосий мақсад – ички ва ташқи бозорларда тўловга қодир бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир. Иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш – миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ва аҳоли фаровонлиги ошишига олиб келувчи янгича ишлаб чиқариш тузилмаси яратилишидир.

Саноатда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

– саноатда истеъмолга тайёр, яъни тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

– импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни мамлакатда ишлаб чиқариб, импортга қарамликни чеклаш;

– маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон талаблари даражасига етказиб, экспорт салоҳиятини ошириш;

– саноатнинг истиқболли соҳаларига устуворлик бериб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш;

– меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, саноатда янги технологияларга ўтиш, халқимизнинг миллий ва тарихий анъаналарига мос келадиган янги соҳаларни барпо этиш;

– ўзимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ҳисобидан миллий бозорларни тўлдириш орқали халқ истеъмоли молларининг муҳим турларига бўлган аҳоли талабини тўлароқ қондириш.

Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бориши билан саноат таркибий тузилишини такомиллаштиришнинг янги йўналишлари белгиланмокда:

– саноатнинг юқори самарали, экспортга йўналтирилган таркибий тузилмасини шакллантириш;

– саноатнинг асосий тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

– енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш;

– юқори технологияларни ва илмталаб ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш.

2. Модернизация – анъанавий жамиятдан илғор, индустриал тараққий этган жамиятга ўтишни таъминловчи ижтимоий-тарихий жараёндир. Саноат ишлаб чиқаришини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш;

– ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш;

– сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш;

– эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқариш ва ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш;

– маҳаллий ресурслар базасида инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Бугунги кунда саноатни модернизациялаштириш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор

лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда. Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизациялаш бўйича тармоқнинг ҳудудий дастури ишлаб чиқилиб, унда етакчи саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андозаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш белгиланган.

Ҳозирги кунда саноат корхоналари томонидан сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқаришга, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай саноат корхоналари Бухоро вилоятида ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳаларда тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоғи билан 5–7 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб этади. Бундай вазиятни мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш даркор. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банклари маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда саноатнинг таркибий ўзгаришлари давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади. Иқтисодий ночор аҳволдаги корхоналарнинг фаолиятини яхшилаш йўналишларидан бири – уларнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш, мазкур корхоналар бошқа тармоқлар маҳсулот ишлаб чиқаришини ва хизмат кўрсатишларини ўзлаштириб, бошқа тармоқлар билан фаолиятини мувофиқлаштириши лозим.

Сўнгги йилларда саноатнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш амалга оширилиши билан саноат корхоналари самарадорлигини юксалтириш бўйича янгича услублар қўлланмоқда. Саноат тармоқлари фаолиятини бошқа тармоқлар билан боғланиши кузатилмоқда. Масалан, саноат корхоналари таркибида хизмат кўрсатиш объектлари яратилмоқда, саноат корхоналари негизида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда ёки фермер хўжаликлари таркибида

саноат ишлаб чиқаришлари жорий қилинмоқда ва ҳоказо. Бундай тадбирлар аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

3. Ўзбекистонда саноатни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларни энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакатимизда 2011 йилда кўрилган амалий чоралар натижасида бир миллионга яқин янги иш ўринлари яратилди, улардан 640 мингга яқини ёки 64 фоизи кичик бизнес соҳасига тўғри келади. 2011 йилда Бухоро вилоятида жами 73363 та янги иш ўринлари яратилди, шундан 38585 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилди. Бунинг яна бир аҳамиятли томони – янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмлари таркиб топганилиги ва унинг бир қатор йўналишлар бўйича изчил амалга оширилаётганлигидир. Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида муҳим вазифалардан бири мамлакат иқтисодиётидаги бандликнинг таркибий тузилишини ўзгартиришдир. Саноат корхоналари таркибий тузилишини диверсификациялаш орқали янги иш ўринлари яратилиши – муҳим жиҳатлардир (4.2-расм).

4. Саноатни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги саноат таркибий тузилишини диверсификация қилиш жараёнида йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқалари асосидаги касаначиликни ривожлантириш билан боғлиқ. Ўзбекистонда касаначиликни ривожлантириш мамлакат Президенти томонидан 2006 йилнинг 5 январида қабул қилинган “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3706 сонли Фармон асосида амалга оширилмоқда.




4.2-расм. Янги иш ўринлари яратишнинг асосий йўналишлари

Касаначиликни ривожлантириш саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим тадбирларидан бири бўлиб, у бир қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилади. Касаначиликни ташкил этишнинг мақсадлари қуйидагилар:

– аҳолини иш билан таъминланиши, унинг нофаол қисмини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш ва бунинг асосида аҳоли даромадларини ошириб, турмуш даражасини яхшилаш;

– бевосита саноат корхоналарида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар билан бир қаторда, касаначилик билан банд бўлган аҳолининг ҳам ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш;

– касаначилик меҳнатидан фойдаланиб, бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва хизматларни ташкил қилиш эвазига йирик саноат корхоналари самарадорлигини ошириш.

Саноат корхоналари самарадорлигини касаначиликни ривожлантириш орқали ошириб, аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

– касаначилар ўз уйларида ўтириб маҳсулот ишлаб чиқарадилар;

– маҳсулот ишлаб чиқаришга нафақат касаначиларнинг ўзлари, балки уларнинг оила аъзолари ҳам ҳисса қўшиши мумкин;

– касаначилар ишлаб чиқариш фаолияти билан бир вақтда уй-рўзғор ишларини бажариб, болалар тарбияси билан ҳам шуғунланиши мумкин;

– касаначилар ишлаганлари учун уларга иш ҳақи тўланади, меҳнат таътиллари берилади, меҳнат дафтарчаси тутилиб, иш стажи юритилади ва бошқа ижтимоий манфаатлари ҳимоя қилинади.

2011 йилда республикада касаначилик ҳисобидан 280 мингта янги ишчи ўринлари яратилди, шу жумладан Бухоро вилоятида 14874 та ишчи ўринлари ташкил этилди.

5. Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш тадбирларидан яна бири саноат соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Бухоро вилоятида 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” ҳудудий дастури ижросини таъминлаш орқали бу бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, вилоятда саноат соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш учун 27509,1 млрд.сўм ва 15,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилди. Мамлакат ҳукумати томонидан саноат соҳасидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, саноат соҳасидаги тадбиркорлик учун

ягона солиқ ставкаси 2011 йилдаги 6 фоиздан 2012 йилда 5 фоизга туширилди.

Саноат соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

– саноат соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини кўпроқ рағбатлантириш;

– тадбиркорларга юқори ишлаб чиқариш технологияларини келтиришга ёрдам бериш;

– саноат соҳасидаги тадбиркорликни кредитлаш тизимини такомиллаштириш;

– саноатдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзларини кўпайтириш ва бошқалар.

6. Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва шу асосида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлларидан бири – саноат корхоналарига киритиладиган инвестицияларни кўпайтириш ва инвестицион дастурларни самарали амалга ошириш ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2014 йилгача мўлжалланган инвестициялар дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурда саноат тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатнинг янги марраларни эгаллашга кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистонда инвестицон фаолиятни ривожлантиришнинг ҳудудий хусусиятларини эътиборга олиб, минтақаларни табиий ва меҳнат ресурслари, мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишга мойиллиги ва инфратузилмани ҳисобга олиб ҳудудий концепциялар ишлаб чиқилмоқда. Бу давлат томонидан ҳудудлар ҳаёт даражасини тенглаштириш орқали ягона инвестицион сиёсат юритилаётганини билдиради. Инвестиция киритиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси кўрсатадики, ишлаб чиқаришни “оғир” технологик линиялар билан эмас, балки қисқа ва тез янгиланадиган, бозор талабларини тез ўзлаштира оладиган “эгилувчан” ишлаб чиқариш линиялари билан қуроллантириш устувор йўналиш бўлиб бормоқда. Инвестициялар йирик саноат марказлари бўлган шаҳарларга эмас, балки фойдаланиладиган хомашё ва меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳудудларга йўналтирилмоқда. Бу устувор йўналишлар ҳудудий инвестицион дастурларни ишлаб чиқишда инобатга олиниши лозим.

Бухоро вилоятида ҳудудий инвестиция дастури ишлаб чиқилган

бўлиб, унда саноат корхоналарига инвестициялар жалб этишнинг асосий кўрсаткичлари 4.1-жадвалда келтирилади.

*4.1-жадвал*

**Бухоро вилоятидаги саноат тармоқларига инвестициялар жалб этилиши кўрсаткичлари (млн. сўм)**

| № | Саноат тармоқлари | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011й. | 2011 йилда 2007 йилга нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Электрэнерге-тика | 2003,8 | 2406,1 | 3171,6 | 1733,0 | 5190,6 | 259,0 |
| 2 | Нефтни қайта ишлаш саноати | 6129,0 | 12072,5 | 14057,2 | 16741,5 | 10400,4 | 169,7 |
| 3 | Газ саноати | 423677,6 | 124176,4 | 143763,8 | 171547,5 | 533324,8 | 125,8 |
| 4 | Машинасозлик ва металлургия | 2599,4 | 28507,9 | 3902,6 | 19417,0 | 28253,9 | 10,8 баро-бар |
| 5 | Енгил саноат | 6150,4 | 34910,8 | 26209,8 | 9114,3 | 21053,0 | 342,3 |
| 6 | Озиқ-овқат саноати | 9912,6 | 5498,3 | 4582,3 | 5380,1 | 10484,5 | 105,7 |
| 7 | Бошқалар | 9406,6 | 1202,9 | 21209,9 | 67192,6 | 20638,2 | 219,4 |
| 8 | Жами: | 459879,4 | 208774,9 | 216897,2 | 291126,0 | 629345,4 | 136,8 |

Бухоро вилоятида 2011 йилда энергетика, нефтни қайта ишлаш саноати, машинасозлик ва металлургия саноати, енгил саноат ва бошқа саноат тармоқларига инвестиция киритиш ошган.

Саноат корхоналарига инвестиция киритиш самарадорлигини ошириш ҳақида фикр юритар эканмиз, саноат корхоналарига инвестиция киритилиши маҳсулот ишлаб чиқаришга ва даромадга қандай таъсир ўтказишини билиш лозим. Инвестициялар ЯИМ ҳажмини, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзгартиришини ўрганиш мақсадида акселератор модели ва мультипликатор самараси усулларидан фойдаландик.

Инвестицияларни жалб этишга таъсир этувчи омиллардан бири ЯИМ ўзгариши ҳисобланади, ушбу жараён иқтисодиётда акселератор асосида боғланади. Акселератор ЯИМ ҳажмининг бир бирлик ўзгариши натижасида инвестицияларнинг қанча бирликка ўзгаришини баҳоловчи кўрсаткичдир. Инвестициялар ҳажмининг ЯИМ ёки даромадлар даражасига боғлиқлигини акселератор модели акс эттиради.

$$I = f(Y) \qquad (4.1)$$

Яъни, инвестициялар ($I$) ЯИМ ($Y$)нинг функциясидир.

Акселератор моделининг тўликроқ кўриниши қуйидагича[47]:

$$I = I_{режа} + \gamma Y \tag{4.2}$$

$$\gamma = \frac{\Delta I}{\Delta Y} = \frac{I_t - I_{t-1}}{Y_t - Y_{t-1}} \tag{4.3}$$

Бу ерда:

$I_{режа}$ – режалаштирилган инвестициялар;

$\Delta I$ – инвестициялар ўзгариши;

$\Delta Y$ – ЯИМ ҳажми ўзгариши.

ЯИМ ҳажми ошиши корхоналар фойдаси кўпайишига олиб келади. Корхоналар фойдаси инвестиция манбаи эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолатда инвестициялар кўпаяди. ЯИМ ҳажми пасайганда, яъни иқтисодий фаоллик пасайиши шароитида бўш турган қувватлар мавжудлиги туфайли, инвестиция камайган ҳисобланади. Бу ЯИМ ва инвестициялар ўртасидаги тўғри боғлиқликни ифодалайди, аммо ЯИМнинг даврий тебранишлари, инновацияларнинг доим бир текисда бўлмаслиги, ускуналар узоқ муддат хизмат қилиши, иқтисодий кутишдаги хавфлар туфайли инвестициялар барқарор бўлмайди ва унинг ЯИМга боғлиқ қонунияти ўзгариши мумкин.

ЯИМ таркибий қисми унсурлари ($C$ – истеъмол харажатлари, $I$ – инвестиция харажатлари, $G$ – давлат харажатлари ва $X_n$ – соф экспорт)дан бирининг бир марта ошиши ЯИМ ҳажми бир неча баробар ошишига олиб келади. Бу автоном харажатлар мультипликатори орқали ўрганилади. Автоном харажатларнинг ҳар қандай ўсиши $\Delta A = \Delta(a + I + G + X_n)$ мультипликатор самараси ҳисобига ялпи даромад ёки ЯИМ ҳажмини кўпроқ миқдорда ($\Delta Y$) оширади. Мультипликатор – ЯИМ ёки ялпи даромад автоном харажатларнинг (масалан, инвестияларнинг) дастлабки ўсишидан неча марта ортиқ ўсишини кўрсатади. Автоном харажатлар сифатида инвестициялар олиниб, мультипликатор формуласи қуйидача ифодаланади[48]:

$$m = \frac{\Delta Y}{\Delta I} = \frac{1}{1 - MPC} \tag{4.4}$$

Бу ерда:

$m$ – автоном харажатлар мультипликатори;

$\Delta Y$ – мувозанатли ЯИМ нинг ўзгариши;

---

[47] Ахмедов Д. Қ. ва бошқалар. Макроиқтисодиёт. Ташкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. 54-бет.

[48] Агапова Т. А., Серегина С. Ф. Макроэкономика. М.: Дело и сервис, 2007. С. 114.

$\Delta I$ – инвестицияларнинг $Y$ ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ўзгариши;

$MPC$ – истеъмолга чекланган мойиллик.

Мультипликатор самарасининг моҳияти 4.2-жадвал ёрдамида кўриб ўтилади.

*4.2-жадвал*

**Саноат корхоналарига киритилган инвестицияларнинг мультипликатор самараси асосида кўпайиши (млрд. сўм)**

| Даромадлардаги ўзгариш | Истеъмол харажатларидаги ўзгариш | Жамғаришдаги ўзгариш |
|---|---|---|
| 8 | 6 | 2 |
| 6 | 4,5 | 1,5 |
| 4,5 | 3,37 | 1,13 |
| 3,37 | 2,53 | 0,84 |
| 2,53 | 1,89 | 0,64 |
| 1,89 | 1,42 | 0,47 |
| 1,42 | 1,06 | 0,36 |
| . . . | . . . | . . . |
| 32 | 24 | 8 |

бундан: $m = \frac{\Delta Y}{\Delta I} = \frac{32}{8} = 4$ ёки $m = \frac{1}{1 - MPC} = \frac{1}{1 - 0,75} = 4$

Бухоро вилояти иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 8 млрд. сўмга ошиши ЯҲМ ёки ялпи даромад 32 млрд. сўмга ошишига олиб келди. Демак, мультипликатор самараси натижасида инвестиция киритиш орқали ялпи даромад 4 баробарга кўпайди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарига инвестиция киритиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд:

– вилоятда хорижий инвестициялар киритиш орқали янги ташкил этилаётган корхоналарнинг ишчиларига (асосан ёшларга) замонавий технологияларда ишлаш бўйича билим ва кўникмалар етишмаяпти;

– вилоятдаги олий ўқув юртларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари бўйича тайёрланадиган мутахассисларга олдинги даврларда қўлланилган технологик жараёнлар ва машина-жиҳозлар ўргатилаяпти. Республикада ва вилоятда кўплаб хорижий ва қўшма корхоналар ташкил этилмоқда ва уларда замонавий илғор технологик жараёнлар ва дастгоҳлар қўлланилмоқда. Янги технологиялар бўйича билим беришни ривожлантириш вилоятда саноат соҳасидаги олий маълумотли муҳандисларни тайёрлашнинг оғир муаммоларидан биридир;

– саноат тармоқларида олдиндан ишлаб келган тажрибали ходимларнинг меҳнат фаолияти хориждан келтирилган янги замонавий ишлаб чиқариш технологиялари иш жараёнлари билан мувофиқ келмаяпти, буни мувофиқлаштириш учун ходимларни қайта тайёрлаш керак.

7. Инвестицион фаолиятнинг муҳим шартларидан бири – уни қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилишидир. Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йилларида инвестициялар фақат давлат маблағлари ва давлат капитал қўйилмаларини ўзлаштириш ҳисобига, чет эллардан давлат кафолати остида ёки бевосита корхоналар кафиллиги асосида жалб қилинди. Инвестицияларнинг асосий манбалари давлат бюджети маблағлари бўлиб келди. Иқтисодий тараққиётнинг замонавий босқичида аксарият ишлаб чиқариш тармоқлари ўз маблағлари ҳисобига инвестицион фаолиятни ташкил этиши керак. Шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини саноат корхоналарига инвестиция сифатида киритишга эътибор қаратиш лозим. Аҳоли жамғармалари бутун дунёда инвестицияларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ўтган асрнинг 60–80-йилларида аҳоли жамғармалари улуши энг юқори бўлган давлатлар (Япония – 20 фоиз, Германия, Франция, Италия – 11-12 фоиз) катта ўсиш суръатларига эришдилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда саноатга инвестиция киритиш мақсадида фуқаролар жамғармаларини жалб қилиш учун баъзи қадамлар ташланмоқда. Ана шу мақсадда аҳоли даромадларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқилмоқда. Аҳоли пул даромадларини ошириш, унинг таркибида тадбиркорлик даромади улушини кўпайтириш тадбирлари олиб борилмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш унинг ўзига боғлиқ эканини халқимиз тушуниб бормоқда. Бу ҳақида мамлакат Президенти И.А.Каримов: “Мустақиллик йилларида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги, энг аввало, ўзига боғлиқ эканини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда.

Тараққиётимизнинг бугунги босқичида инсон омили жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи қудратли кучга айланди. Унинг янада ривожланиши ва янги қирраларининг очилиши учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, яъни тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ҳар бир кишининг ташаббус кўрсатиши учун кенг имконият яратиш талаб этилмоқда”[49], – деб таъкидладилар.

[49] И с л о м К а р и м о в. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 363-бет.

Аҳоли томонидан киритиладиган инвестициялар олинган даромаднинг истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ. Аҳолининг даромади паст бўлганда унинг асосий қисми истеъмолга сарфланади. Даромад ўсиб бориши билан жамғаришга юбориладиган қисми ошиб боради. Умумий даромад таркибида жамғариш улушининг ошиб бориши аҳоли томонидан киритиладиган инвестициялар ўсишига олиб келади ва, аксинча.

Шўролар даврида аҳоли қўлида кўплаб пул маблағлари тўпланиб қолди ва бўш пул маблағлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга киритилмай, банкларга жойлаштирилди. Аҳоли даромадлари ўсиб бориши даври ишлаб чиқаришнинг пасайиб бориши билан тўғри келади. Халқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан боғланмаган ҳолда турли хил даромадларнинг ўсиб бориши рўй берди. Қимматбаҳо қоғоз турларидан бири бўлмиш заёмларнинг чиқарилиши бу жараённи янада тезлаштирди. Давлат томонидан олиб борилаётган аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш сиёсати эса ушбу жараёнга қўшимча бўлди. Аҳолининг пул маблағларини жамғаришни йўлга қўйишда рақобатдош муқобил усуллар жорий этилмади, бу эса аҳоли томонидан миллиардлаб сўмлик молиявий капитални ҳамда ноишлаб чиқариш мулкини жамғаришга олиб келди. Инфляция асосида жамғарилган тижорат капитали ишлаб чиқаришга киритилмади, бу гиперинфляциянинг ривожланишига ҳамда мутлақ товар-пул номутаносиблигининг пайдо бўлишига олиб келди. Шунинг учун бугунги куннинг асосий вазифаси тадбиркорларни ўз тижорат капиталини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, бўш пул маблағларини саноатни ривожлантириш инвестицияларига айлантиришга даъват этишдир.

Баъзи маълумотларга қараганда, дунё бўйича давлатдан яширилган хўжалик фаолияти улуши ялпи миллий даромаднинг учдан бир қисмидан то ярмигача бўлган микдорни ташкил этаркан. Хуфёна иқтисодиёт ўрганилаётган ҳозирги пайтда айтиш мумкинки, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари яширин жамғарилиши ўрнига улар саноатни ривожлантиришга жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу маблағларни саноатни ривожлантиришга жалб этиш, киритилган маблағлар учун кафолатланган даромад олишни таъминлаш бўйича қонуний асослар яратилиши лозим.

Бу бўйича мамлакатимизда тадбирлар олиб борилмоқда, ҳиссадорлик жамиятлари акцияларининг маълум қисми меҳнат жамоасига ёки эркин сотувда аҳолига сотилмоқда. Лекин, бу фаолиятни бугунги кун талаблари асосида баҳолаш қониқарсиз эканлигини айтиш мумкин. Президент таъбири билан айтганда:

“Мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган, аммо улар ўз мақомига қай даражада мос ҳолда фаолият юритмоқда ва ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланмоқда, деган саволни ўзимизга бериб кўрайлик. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарур?

Шу муносабат билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим...“Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида” ва бошқа янги қонунлар”[50] яратилиши керак.

Аҳоли бўш пул маблағларини саноат корхоналарига инвестиция сифатида киритиш тадбиркорликнинг бир тури – молиявий тадбиркорликдир, бунинг натижасида аҳоли қўшимча даромад олиб, турмуш даражаси яхшиланади. Аҳолининг қўлидаги бўш пул маблағлари йирик саноат корхоналарига жалб этилиб қолмай, балки саноат соҳасидаги кичик бизнес ва тадбиркорликни, жумладан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам йўналтирилиши мумкин. Бугунги кун талаблари асосида бўш пул маблағларига ва мулкка эга бўлган аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонуний асослар яратилиши саноатнинг ривожланишига ва аҳоли турмуш даражаси ошишига олиб келади. Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини услубий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

## 4.3. Бухоро вилоятида саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш истиқболлари

Бухоро вилоятининг аҳолиси 2013 йил 1 январь ҳолатида 1729,9 минг кишни ташкил этиб, уларнинг 62 фоизи қишлоқларда ва 38 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. 2015 йилда Бухоро вилояти аҳолиси 2012 йилдагига нисбатан 5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Меҳнат ресурслари 2011 йилда вилоят аҳолисининг 59,5 фоизини ташкил этди. Иқтисодий фаол аҳоли 2012 йилда 2011 йилдаги 915

[50] Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 50-бет.

минг кишидан 1073,3 минг кишига, мос равишда 53,5 фоиздан 62,0 фоизгача (8,5 фоиз) кўпайди.

2012 йил якунида вилоят иқтисодиётининг барча тармоқларида ўсиш суръатларини таъминлаш имконияти яратилди. Бунинг натижасида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 2012 йилда 7,9 фоизни ташкил этди. 2012 йилда саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 4,8 фоизга, аҳоли жон бошига реал даромад 15,7 фоизга ошди.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 27 апрелда қабул қилинган Вақтинчалик тартиб асосида келтирилган чора-тадбирлар доирасида вилоят ҳудудидаги турмуш даражаси намуна қилиб кўрсатиладиган бир нечта хонадонлар аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинди. Уларни оилавий тадбиркорликдаги саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйганлиги, уй меҳнати шаклларини, жумладан, саноат корхоналари билан кооперация алоқалари асосида касаначиликни ривожлантириш тажрибалари ўрнак қилиб кўрсатилди.

Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижаси билан аҳолининг демографик ҳолатини таҳлил қилсак, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган ўлим сони 2012 йилда 4,3 тани ташкил этгани ҳолда, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган туғилишлар сони 19,9 тага етган. Табиий ўсиш вилоятда 15,6 тани ташкил этади. Булар аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим кўрсаткичлари бўлиб, саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболларини белгилашда инобатга олинади.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ижтимоий дастурларни амал қилиши учун асос ҳисобланувчи иқтисодий ўсиш билан боғлиқ. Бунда, аввало, иқтисодий ўсиш билан ижтимоий тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик шаклланади. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, бунинг асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш турли тармоқларни, жумладан, саноатни ривожлантиришга асосланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мазмунидан келиб чиқиб, яқин келажакда мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариши юқори суръатларда ривожланишини кутиш мумкин. Бу ривожланиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442 сонли “2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги қарори ва унинг ҳудудий дастурлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги ПҚ-1590-сонли “2011–2013 йилларда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва мате-

риаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “2011–2012 йилларда Бухоро вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий дастури” ва бошқа жами 8 та дастурнинг ижросини таъминлаш бўйича вилоятда саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди ва бу бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2013 йилда вилоятдаги барча мулкчилик шаклларидаги саноат корхоналари томонидан 2,5 трлн. сўмлик ёки 108,1 фоиз, шундан ҳудуд тасарруфидаги корхоналар томонидан 507,0 млрд. сўмлик ёки 115,7 фоиз саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 55,1 млрд. сўмлик, 2012 йилга нисбатан 124,7 фоиз кўп маҳаллийлаштирилган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

2013 йилда Бухор вилоятида саноатни ривожлантириш бўйича қуйидаги ишларни бажариш белгиланди:

Биринчидан, марказий банк вилоят бошқармаси, “Ғарбгазтаъминот” ҳудудий корхонаси, “Бухоро электр тармоқлари” ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, фаолият кўрсатиб келаётган 1612 та саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни тўлиқ қувват билан ишлашини, уларга электр энергия, газ таъминоти ва бошқа коммунал хизматларнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириб берилиши мўлжалланмоқда.

Иккинчидан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи сифатида рўйхатда турган вилоятдаги 403 та саноат корхоналари ҳамда 134 та бўш турган биноларнинг ҳолати таҳлил қилиниб, уларда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланди.

Учинчидан, вилоятдаги кам маҳсулот ишлаб чиқарилаётган саноат тармоқлари (энергетика, қора металлургия, кимё ва нефть-кимё, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ва бошқалар) учун ушбу соҳа маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаларни кўпроқ амалга ошириш ва мавжуд корхоналарни модернизация қилиш тадбирлари белгиланди.

Тўртинчидан, 2013 йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган 8 та дастур доирасидаги лойиҳа қиймати 174,2 млрд. сўм ва 109,0 млн. долларга тенг бўлган 626 та лойиҳани тўлиқ амалга ошириш ва унинг эвазига 94,2 млрд.сўмлик қўшимча саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш белгиланди. Масалан, 2013 йилнинг охиригача Пешкў туманидаги “Пешкўтекс” қўшма корхонасининг

ишлаб чиқариш қувватини яна 40 фоизга ошириш мақсадида лойиҳа қиймати 2,6 млн. долларга тенг, йилига қўшимча 1000 тонна ип-калава ва 2,5 млн. квадрат метр пахтали мато (бўз) ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ва яна 60 та янги ишчи ўринларини яратиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун корхонага 2,0 млн. доллар миқдорида валюта кредити ажратиш белгиланган.

Бешинчидан, 2013 йилда туманлардаги фермер хўжаликларининг кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида лойиҳа қиймати 53,5 млрд. сўмга тенг бўлган 1079 та фермер хўжаликлари томонидан 1023 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда 4306 та янги иш ўринларини яратиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442 сонли "2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда 2015 йилгача саноатни ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичлари белгиланди (4.3- жадвал).

Мазкур қарорнинг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятида 2011–2015 йилларда саноатни ривожлантириш ҳудудий дастури ишлаб чиқилиб, уни ишлаб чиқишда иқтисодиёт вазирлиги томонидан тақдим қилинган услубиётга кўра вилоятнинг барча ҳудудларида мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари, маҳсулот турлари ва қувватлари, улардан фойдаланиш даражаси ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари бўйича асосий саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ва уларни қондириш бўйича қувватларни ҳудудларда жойлаштиришга эътибор қаратилди. Мазкур дастур асосида Бухоро вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсишининг истиқболдаги кўрсаткичлари белгиланди (4.3-расм).

*4.3-жадвал*

**2015 йилгача республикада саноатни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2015 йилда 2012 йилга нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши | % | 109,7 | 110,3 | 110,9 | 111,8 | +2,1 п |

*4.3-жадвалнинг давоми*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | ЯИМ таркибида саноатнинг улуши | % | 24,8 | 25,8 | 26,8 | 28,0 | +3,2 п |
| 3 | Саноат маҳсулот-лари таркибида тайёр маҳсулот-нинг улуши | % | 53,6 | 56,2 | 58,7 | 61,2 | +8,5 п |
| 4 | Саноатга киритил-ган инвестициялар ҳажми | млн. долл. | 3923,9 | 4891,1 | 6818,9 | 7531,6 | 191,9 |
| 5 | Саноатда ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | 57692 | 76521 | 97726 | 119102 | 206,4 |




**4.3-расм. Бухоро вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсишининг истиқболдаги кўрсаткичлари**

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига эришиш вилоятда ишлаб чиқилган дастур доирасида амалга оширилиши белгиланган лойиҳалар асосида рўй беради. Бу лойиҳаларни ишлаб чиқишда биринчи галда вилоятда мавжуд салоҳият, шу жумладан, хомашё базасининг мавжудлиги, ишчи кучи жойлашуви, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг унумдорлиги, аҳолининг маҳсулотларга талаби, келгусида ривожлантириш мумкин бўлган имкониятлар инобатга олинди. Ҳудудлар ихтисослашувидан келиб чиқиб вилоятда етишмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш ҳисобидан 2015 йилгача жами 192 та лойиҳани амалга ошириш белгиланди. Бу лойиҳалар учун 5 йил мобайнида жами 48 млн.доллар ва 51,5 млрд.сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиши кутилмоқда

ва бу орқали вилоятда саноат соҳасида 36 мингта ишчи ўринларини яратиш белгиланди (4.4-жадвал).

*4.4-жадвал*

**Бухоро вилоятида 2015 йилгача саноатни ривожлантириш ҳудудий дастури асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича амалга оширилиши белгиланган лойиҳалар**

| № | Ҳудудлар | Лойиҳа-лар сони | Лойиҳалар қиймати | | Яратиладиган иш ўринлари сони |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | минг долл. | млн.сўм | |
| 1 | Бухоро шаҳри | 38 | 24952 | 21707 | 772 |
| 2 | Когон шаҳри | 10 | 8800 | 1300 | 312 |
| 3 | Бухоро тумани | 12 | 40 | 4596 | 145 |
| 4 | Вобкент тумани | 9 | 12000 | 2217 | 538 |
| 5 | Жондор тумани | 20 | 240 | 4691 | 189 |
| 6 | Когон тумани | 7 | - | 1551 | 55 |
| 7 | Ромитан тумани | 17 | 287 | 1197 | 114 |
| 8 | Шофиркон тумани | 18 | 430 | 1630 | 162 |
| 9 | Қоракўл тумани | 10 | 12000 | 1133 | 243 |
| 10 | Олот тумани | 15 | 30 | 904 | 134 |
| 11 | Қоравулбозор тумани | 6 | - | 742 | 54 |
| 12 | Ғиждувон тумани | 15 | - | 8970 | 748 |
| 13 | Пешкў тумани | 15 | 30 | 904 | 134 |
| 14 | Вилоят бўйича жами: | 192 | 48009 | 51542 | 36000 |

Саноатни ривожлантириш ҳудудий дастури ҳамда уни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган лойиҳалар вилоятда саноатни ривожлантришга, саноат корхоналарида қўшимча ишчи ўринларини яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишга қаратилган. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги ишчи ўринларини ташкил этиш 2013 йилда ва якин истиқболда мамлакатимиз муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг алоҳида устувор йўналиши бўлиб колади.

“Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шаклларини, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган.

Иш ўринларини ташкил қилишда, биринчи навбатда, тармоқ дастурларини амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш масалалари муҳим ўрин тутади ва бу соҳаларда 250 минг кишини иш билан таъминлаш белгиланган”[51].

Бухоро вилоятида 2013 йилда жами 73737 та иш ўринлари яратиш белгиланди. Шу жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилашдан 2550 та, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилишдан 27350 та (шундан саноатда 4100 та), якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 8630 та, уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобидан 18022 та (шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касаначиликда 2350 та), фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар) 12970 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришдан 3365 та, ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобидан 850 та янги иш ўринларини яратиш белгиланди.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш билан бир қаторда, аҳолининг саноат маҳсулотларини истеъмол қилиши билан белгиланади.

Иқтисодий самарадорликни оширган ҳолда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришни таъминлаш иқтисодий ислоҳотларнинг

---

[51] Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Одамларнинг ўзига ўзи баҳо бериши, ўзини аҳолининг муайян гуруҳига мансублигини англаши уларнинг турмуш даражаси ва сифатининг умумий ҳамда якуний индикатори ҳисобланади.

Бу борада, албатта, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад билан бир қаторда яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, одамлар истиқомат киладиган муҳитни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги ва унинг самараси, аҳолини сифатли истеъмол товарлари, шу жумладан, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминлаш, замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиш каби ҳаёт даражасини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлар инобатга олинади.

Ўзбекистонда юқорида қайд этилган аксарият индекс ва кўрсаткичлар бўйича катта ўзгариш ва ютуқларга эришилди. Бу ҳақда сўз юритганда, шуни айтиш жоизки, айни пайтда оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

*4.5-жадвал*

**Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида 2015 йилгача истеъмол аҳамиятига эга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш истиқболи**

| Маҳсулот турлари | Ўлчов бирл. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2015 йилда 2012 йилга нисбатан, % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жами истеъмол маҳсулотлари, шу жумладан: | млрд. сўм | 611,4 | 657,5 | 700,3 | 730,0 | 119,4 |
| Жами ноозиқ-овқат махсулотлари, ундан: | млрд. сўм | 403,5 | 427,4 | 430,6 | 475,9 | 117,9 |
| - Пойабзал | минг жуфт | 85,0 | 100,0 | 120,0 | 135,0 | 158,8 |
| | млн.сўм | 1997,5 | 2500,0 | 3180,0 | 3780,0 | 189,2 |
| - Газлама | млн.кв.м. | 10,1 | 10,2 | 10,5 | 10,8 | 106,9 |
| | млн.сўм | 9090 | 9690 | 10290 | 10800 | 118,8 |

*4.5-жадвалнинг давоми*

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| - Тикувчилик маҳсулотлари | минг дона | 2833,3 | 2916,7 | 2988,9 | 3066,7 | 108,2 |
| | млн.сўм | 5100,0 | 5250,0 | 5380,0 | 5520,0 | 108,2 |
| -Трикотаж маҳсулотлари | минг дона | 680,0 | 750,0 | 880,0 | 1000,0 | 147,0 |
| | млн.сўм | 952,0 | 1125,0 | 1408,0 | 1650,0 | 173,3 |
| Бошқалар | млн.сўм | 386360 | 408835 | 410342 | 454150 | 117,5 |
| Жами озиқ-овқат маҳсулотлари, ундан | млрд. сўм | 207,9 | 230,1 | 269,7 | 254,1 | 122,2 |
| -Нон ва нон маҳсулотлари | минг тн. | 43,8 | 45,5 | 47,4 | 50,3 | 114,8 |
| | млн.сўм | 25965 | 28700 | 31160 | 34805 | 134,0 |
| -Қандолат маҳсулотлари | минг тн. | 2,9 | 3,5 | 4,8 | 5,5 | 189,6 |
| | млн.сўм | 6380 | 8050 | 11520 | 13750 | 215,1 |
| - Ун ва дон маҳсулотлари | минг тн. | 120,0 | 125,0 | 130,0 | 135,0 | 112,5 |
| | млн.сўм | 6600,0 | 7500,0 | 7800,0 | 8775,0 | 132,9 |
| -Гўшт ва сут маҳсулотлари | минг тн. | 29,6 | 30,5 | 31,4 | 32,6 | 110,1 |
| | млн.сўм | 37670 | 44490 | 51232 | 61360 | 162,8 |
| - Ўсимлик ёғи | минг тн. | 25,5 | 30,6 | 32,5 | 34,1 | 133,7 |
| | млн.сўм | 26775 | 33660 | 37375 | 40920 | 152,8 |
| Бошқалар | млн.сўм | 104510 | 107700 | 130612 | 194940 | 186,5 |

Ўтказилган сўровларга кўра, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билар эди”[52].

Аҳоли томонидан саноат маҳсулотларини истеъмол қилиш озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолидан иборат бўлиб, Бухоро вилояти аҳолисини истеъмол моллари билан таъминлаш, маҳаллий корхоналар томонидан экспорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида маҳаллий корхоналар томонидан 2015 йилгача истеъмол аҳамиятига эга зарурий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш истиқбол кўрсаткичлари 4.5 - жадвалда келтирилган.

Саноат корхоналарининг самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражаси ошиши корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган

[52] Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

маҳсулот ҳажми ўсиши ва аҳолининг даромади кўпайиши билан ўлчанади. Ялпи ички маҳсулот ҳажми ошиши аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши ва иқтисодий ўсиш рўй беришини билдирувчи асосий кўрсаткичдир.

Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ошиши, аҳоли даромадлари кўпайиб, турмуш даражаси яхшиланиб бориши вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши билан белгиланади. Бухоро вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш истиқболи 4.4 - расмда кўрсатилган.




**4.4-расм. Бухоро вилоятида 2015 йилгача ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўсишининг истиқбол кўрсаткичлари**

Бухоро вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича ишлаб чиқилаётган дастурлар ва лойиҳалар асосида саноат тармоқларида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадлари ошиб боришини ифодалайди. Бу бўйича ишлаб чиқилган барча чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида вилоятда саноат янада ривожланади ва бу пировардида аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига олиб келади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда аҳоли турмуш даражасини ошириш доимий диққат марказида турибди. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларидан бири – кучли ижтимоий ҳимоя бўлиб, унинг асосини аҳоли турмуш даражасини ошириш ташкил этади.

Ўзбекистонда 2013 йил – "Обод турмуш йили" деб эълон қилинди ва бу бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади ва бунда саноат тармоқларида самарадорликни оширишнинг ўрни юқоридир. Хусусан, ҳудудларда саноатни ривожлантириш кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали аҳоли истеъмолини яхшиласа, саноатда кўплаб иш ўринлари яратилиши ва корхоналарда самарадорликнинг ошиши аҳолининг кўпроқ даромадга эга бўлиб, турмуш фаровонлиги ошишини таъминлайди.

"Аҳолининг турмуш даражаси" ва "саноат корхоналари самарадорлиги" тушунчаларига хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар қиёсий ўрганилди ва таҳлил қилинди. Бу тушунчалар тўғрисида бир-бирига боғлиқ ҳолдаги таърифлар ва қарашлар ишлаб чиқилди. Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши билан боғлиқлиги ўрганилди. Жумладан, саноат корхоналарида самарадорликни оширишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири ёритилди.

Саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш муаммоси ҳам олимлар томонидан ҳар томонлама чуқур ўрганилган. Уларнинг тадқиқотларида саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг йўллари кенг ёритиб берилган. Биз мазкур тадқиқотимизда саноат корхоналари самарадорлиги ошишининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўргандик.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бизнинг мамлакатимизда саноатни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни такомиллаштириш керак.

Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини ўрганишда унумдорлик ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқликка кўпроқ эътибор қаратилди. Унумдорлик – саноат корхоналари самарадорлиги кўрсаткичи, иш ҳақи эса аҳоли даромадларининг асоси, яъни аҳолининг турмуш кечириш манбаи ҳисобланади.

Тадқиқот олиб бориш давомида саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини иқтисодий асослашга, унинг усубий жиҳатларини ўрганишга эътибор қаратилди.

Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари самарадорлиги кўрсаткичлари ва аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи маълумотларни таҳлил қилишдан шу нарса аён бўлдики, Бухоро вилояти аҳолисининг сони 2012 йилнинг бошида 1707,4 минг кишини ташкил этди. Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 2011 йилда 9,1 фоизга, 2012 йилда 7,9 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2011 йилда 8,8 фоизга, 2012 йилда 4,8 фоизга кўпайди. Саноат маҳсулотларининг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 2011 йилда 18,2 фоизни ташкил этди ва бу 2007 йилдагига нисбатан 5 фоизга ошди.

Бухоро вилоятида аҳолининг умумий даромадлари ўсиши 2011 йилда 130,9 фоизни, 2012 йилда 126,4 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори 2011 йилда 2594,5 минг сўмни, 2012 йилда 3219,4 минг сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига реал даромад ўсиши 2011 йилда 118,4 фоизга, 2012 йилда 115,7 фоизга тенг бўлди. Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромаднинг улуши 2011 йилда 54,1 фоизга, 2012 йилда эса 55,4 фоизга тенг бўлди.

Саноат корхоналари самарадорлигининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини тадқиқ қилишда жаҳон молявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинди.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини оширишни такомилаштириш йўллари-

ни ёритишда мазкур муаммонинг институцонал асосларини такомиллаштиришга, саноатни ривожлантириш тадбирларини қўллаш орқали Бухоро вилоятида аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлларини кўрсатиб беришга ва Бухоро вилоятида саноат корхоналарининг самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш истиқболларини белгилашга эътибор қаратилди. Вилоятда саноатни ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларидан кўриш мумкинки, 2015 йилгача вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 131,5 фоизга ошириш, саноатда 36 мингта янги иш ўринлари яратиш ва вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотини 2015 йилда 110,1 фоизга ошириш белгиланди.

Истиқбол кўрсаткичларига эришиш учун вилоятда бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилди. Лойиҳаларда белгиланган тадбирлар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш, аҳолининг саноатда иш билан бандлигини кўпайтириш ва аҳоли даромадларини оширишга қаратилди. Бу чора-тадбирлар ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали Бухоро вилоятида саноат корхоналари самарадорлиги асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш таъминланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: Адолат, 2010.

2. “Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1996 йил апрель.

3. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1998 йил 22 май.

4. “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1998 йил 30 август.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706 сонли Фармони “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2006 йил 5 январь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори, 2007 йил 24 январь.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори, 2011 йил 7 февраль.

8. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2008 йил 9 февраль.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4058 сонли Фармони “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”, 2008 йил 28 ноябрь.

10. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишни изчил давом эттириш–давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2009 йил 14 февраль.

11. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь.

12. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

13. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузаси // Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

14. 2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2012 йил 20 январь.

15. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент И.А.Каримовнинг Узбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь.

16. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

17. Ислом Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
18. Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
19. Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
20. Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
21. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
22. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
23. Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
24. Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
25. Ислом Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Тошкент: Ўзбекистон, 2006.
26. Ислом Каримов. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз турмуш даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
27. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.
28. Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
29. Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
30. Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
31. Абдуллаев А. М. ва бошқалар.Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш. Тошкент: ТДИУ, 2006.
32. Абдуллаев А. М. и др. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. Ташкент: ТГЭУ, 2007.
33. Абдуллаев А., Рустамов Н. Қобилият ўз-ўзидан намоён бўлмайди (Енгил саноат корхоналарининг енгил бўлмаган баъзи масалалари хусусида мулоҳазалар) // Солиқ тўловчининг журнали. Тошкент, 2009 йил июнь.

34. Абдулқосимов Х. П. Иқтисодиётда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. Тошкент: Академия, 2006.

35. Абулқосимов Ҳ. Инсон омилини фаоллаштириш // Жамият ва бошқарув. Тошкент, 2006 йил 1-сон.

36. Абдурахманов К. Х., Одегов Ю. Т. Управление трудовым потенциалом в условиях регулируемой рыночной экономики. Ташкент: Мехнат, 1991.

37. Абдурахманов К. Х., Шарифуллина Т. А. Экономика и социология труда. М.: Дело и сервис, 2002.

38. Абдурахмонов Қ. Модернизация жараёнида аҳоли даромадларини ошириш // Жамият ва бошқарув. Тошкент, 2005 йил 3-сон.

39. Абдурахмонов Қ. Х. Меҳнат иқтисодиёти: Дарслик. Тошкент: Меҳнат, 2009.

40. Абдурахмонов Қ. Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Дарслик. Тошкент: Фан ва технология, 2012.

41. Абдурахмонов Қ. Х., Зокирова Н. Қ., Тоҳирова Х. Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш: Ўқув қўлланма. Тошкент: Узбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004.

42. Абдурахмонов Қ. Х., Холмўминов Ш. Р., Ҳайитов А. Б. Аҳоли даромадлари ва уларни давлат томонидан тартибга солиш. Тошкент: ТДИУ, 2007.

43. Агапова Т. А., Серегина С. Ф. Макроэкономика: Учебник. М.: Дело и сервис, 2007.

44. Ахмедов Т. М. Региональная политика Узбекистана в условиях перехода к рынку. Ташкент: Общество и экономика, 1998.

45. Баранова Л. Я., Левин А. И. Потребности, доходы и потребление. М.: Наука, 1998.

46. Бахтина Т. С. и др. Экономика и социология труда. Ростов-на-Дону: Феникс, 1999.

47. Бекмурадов А. Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. Ташкент: ТГЭУ, 2006.

48. Богдатин Ю. В. Экономическая оценка качества и эффективности работы предприятий. М.: Экономика, 1995.

49. Бойков В. П. Распределение доходов в рыночной экономике. М.: ВЦУЖ, 1997.

50. Болтабоев М. Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Тошкент: ТДИУ, 2004.

51. Бункн М. К., Семёнов В. А. Макроэкономика (основы экономической политики). М.: АО ДИС, 1996.
52. Бухоро вилоятининг йиллик статистик тўплами. 1995–2005 йиллар. Бухоро, 2006.
53. Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. 2005–2010 йиллар. Бухоро, 2010.
54. Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси. 2008–2009 йиллар. Бухоро, 2010.
55. Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси. 2010–2011 йиллар. Бухоро, 2012.
56. Генкин Б. М. Экономика и социология труда: Уч. пос. для вузов. М.: Инфра-М, 1999.
57. Генкин Б. М. Организация, нормирование и оплата труда на промышленных предприятиях: Учебник для вузов. М.: Норма, 2005.
58. Генкин Б. М. Экономика и социология труда. М.: Норма, 2007.
59. Дагбаева С. Д. Уровень жизни населения: пути решения проблемы бедности. Улан-Удэ: ВСГТУ, 2008.
60. Денисова И. П. и др. Социальная политика. Ростов-на-Дону: Феникс, 2007.
61. Дунё иқтисодиёти шарҳи. Wforid Economic Outlook. May 2000.
62. Елисеева И. И. Социальная статистика: Уч. пос. М.: Финансы и статистика, 2003.
63. Жеребин В. М., Романов А. Н. Уровень жизни населения. М.: ЮНИТИ, 2002.
64. Замков О. О. и др. Математические методы в экономике: Учебник. М.: Дело и сервис, 2004.
65. Зиявитдинова Н. М. Повышение экономической эффективности деятельности предприятий пищевой промышленности: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Ташкент, 2006.
66. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза.Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 1997, 1998, 1999, 2000, 2005, 2006, 2007 йиллар.
67. Ионцев В. А. Экономика народонаселения. М.: Инфра-М, 2007.
